




ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



**Ўзбекистон
мустақиллигининг
34 йиллиги:**

**"ВАТАН УЧУН,
МИЛЛАТ УЧУН,
ХАЛҚ УЧУН!"**



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 20.08.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1160.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

4

КУН МАВЗУСИ

**МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ:
ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИ БОСҚИЧ**

РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН

5

**ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДАГИ
"РАҚАМЛИ СУД" ИСЛОҲОТЛАРИ**

6

МУЛОҲАЗА

**БОЛАЛАРГА НИСБАТАН
ЖИНСИЙ ЗҲРАВОНЛИК ШАКЛЛАРИ**

МУШОҲАДА

8

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР СУДЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

11

РАҚАМЛИ ДУНЁ

**РАҚАМЛАШТИРИШ — ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ДАВРНИНГ
БОШЛАНИШИ**

ТАЛҚИН

12

**ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

14

МУҲИМ МАВЗУ

**КОРРУПЦИЯ ИЛДИЗЛАРИ:
МУАММО ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?**

НУҚТАИ НАЗАР

15

**БОЛАЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА
ЗҲРАВОНЛИҚДАН АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ
ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ**

16

МУТАХАССИС ФИКРИ

ОСИЁНИНГ ЖСТдаги ўрни ва аҳамияти

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

18

**МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА
ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ**

20

МОЗИЙДАН САДО

**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ҚОЗИЛИК ВА
АДОЛАТ ТЎҒРИСИДА: ТАРИХИЙ МЕРОС ВА
ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРБЛИК**

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	22	40	ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ
ИҚТИСОДИЙ СУД ЖАРАЁНИДА ПРЕЮДИЦИЯ ИНСТИТУТИ	24	42	УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ОИД ШАРТНОМАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
	ТАҲЛИЛ		
ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	25	44	ЖИНОЯТ ТЎҒРИСИДА БИЛА ТУРИБ ЁЛФОН ХАБАР БЕРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
СУДЬЯ МИНБАРИ			46
“РАСМИЙ ҲУЖЖАТ” ТУШУНЧАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ МУАММОЛАРИ	26		КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАСИНИНГ МОҲИАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ
ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ВА СУД АМАЛИЁТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ		49	
	28		ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ИМО-ИШОРА ЁКИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ САВОЛЛАР
МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСКАНИ	30	50	ЗЪТИРОФ
СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУД ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ			АДОЛАТ ВА МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ
	32	52	СУД ОЧЕРКИ
БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН – МУСТАҚИЛЛИК ВА АДОЛАТ САРИ МУСТАҲКАМ ҚАДАМЛАР	33		ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТОВЛАМАЧИЛИК ҚИЛГАН “ШОВВОЗ”
КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ		53	ВАЖНАЯ ТЕМА
МЕНИНГ ФИКРИМ	34		ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАССИФИКАЦИИ НЕСПРАВЕДЛИВЫХ УСЛОВИЙ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ДОГОВОРАХ
ЖИНОИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ	36	56	ТЕМА ДНЯ
	ТАДҚИҚОТ		ВОПРОСЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В РАЗВИТИИ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ		58	МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА
	38		МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРАВА НА БЛАГОПРИЯТНУЮ ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ: ГЕНЕЗИС И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР	39	60	ПРОЦЕСС
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ			“ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ПРИЗНАНИЕ СДЕЛОК НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ПРАВА”
		62	НОВЫЙ ЭТАП
			СОВРЕМЕННАЯ ДИНАМИКА НОРМ АВТОРСКОГО ПРАВА В ЭРУ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ: ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИ БОСҚИЧ

XX-асрнинг 90 йилларига келиб СССР деб аталган собиқ тоталитар давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Совет Иттифоқининг бепоеъ ҳудудларида МУСТАҚИЛЛИК шамоллари эса бошлади. Азал-азалдан инсонларни оҳанграбодек ўзига жалб қилган бу улуг тушунчанинг замирида аслида бутун жамиятни ҳолдан тойдирган тоталитар тузумни демократик ислоҳотлар йўли билан ўзгартиришга қаратилган ҳаётбахш ғоялар ётарди...

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик сари дастлабки қадамларини ташлаб, 1989 йил 21 октябрда “Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. “XX асрнинг сўнгидаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан ўзбек зиёлилари ҳам унумли фойдаланиб қолдилар. Ўша кезлар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида қонун қабул қилинди. Шу маънода бу қонун миллий уйғониш маҳсули эди”.

1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги билан боғлиқ илк тарихий ҳуқуқий ҳужжат – “Мустақиллик декларацияси” қабул қилинган. Унда мустақил демократик давлат эга бўлиши лозим бўлган ниҳоятда муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, унинг 8-бандида “Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади” деган норманинг белгилашганини давлат мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори ташланлигидан далолат бериб турарди.

Ниҳоят, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон халқи Давлат мустақиллигига эришганлиги эълон қилинди.

1992 йил 8 декабрь куни Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинади ва мустақил Ўзбекистоннинг расмий “ташриф” коғозига айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда”.

Энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллашни стратегик мақсад қилган Янги Ўзбекистонда, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида кенг кўламли ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2023 йил Мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди, яъни тарихий конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди.

Жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг конституциявий ислоҳотлар ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатадики, қайсики мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган жиддий ўзгаришлар, жамиятга муқаррар таҳдиднинг олдини олиш, самарали ва демократик бошқарувни жорий этиш сингари ҳолатларда конституциявий ислоҳотларга қўл урилган. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг асосий ғояларига айланган “Инсон қадри учун”, “Янги Ўзбекистон-халқчил ва инсонпарвар давлат”, “Инсон-жамият-давлат” тамоийилларининг ҳаётий рўёби учун ҳам конституциявий ислоҳот ўтказиш зарурияти мавжуд эди.

Чунки, Ўзбекистон конституциясида акс эттирилган мудофаа, миллий хавфсизлик, унинг суверенитетини таъминлаш, пул-молия, солиқ, банк сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш тизими ҳали тўлақонли ривожланиб улгурмаган бир шароитда, яъни давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган Асосий қонунимизга янги жамиятдаги туб демократик ислоҳотлар нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш заруриятини тақозо этаётган эди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамыз”.

Янги Ўзбекистондаги Конституциявий ислоҳотлар қонунчилик талабларига тўла мувофиқ ҳолда самарали ўтказилди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Мазкур Конституция бугунги кунда Янги Ўзбекистонда тизимли амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дусмурод ТОШЕВ,

Тошкент шаҳар маъмурий суди судьяси.



ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДАГИ "РАҚАМЛИ СУД" ИСЛОҲОТЛАРИ

"Рақамли суд" концепциясининг ҳуқуқий асоси бу 2025 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт" йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ҳисобланади.

Ушбу Фармон ва Давлат дастуридан 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналиш кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар ўрин олган. Давлат дастурининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" номли 4-йўналишида 25 та амалий тадбир, 28 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва 29 та мақсадли кўрсаткич назарда тутилган.

Хусусан, "Судлар фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш" вазифаси доирасида – судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, "Рақамли суд" концепцияси асосида ишларни босқич-ма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш ҳамда Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини кенг таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан, "Рақамли суд" тушунчасига батафсил тўхталадиган бўлсак, бу – замонавий технологияларни ва сунъий интеллектни суд тизимига жорий қилиш орқали суд ишларини тезлаштириш, самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган янги ёндашувдир.

Шу жиҳатдан, "Рақамли суд" концепцияси асосида кўплаб хорижий давлатларда суд иш юритуви йўлга қўйилган, унинг мақсади суд ишларини тўлиқ электрон шаклда юритиш ва суд жараёнларини автоматлаштиришга қаратилгани жуда муҳим. Мазкур концепция асосига бир қатор муҳим воситалар киради.

• **Биринчи восита – электрон суд тизимлари.** Бу ўринда суд ишларини электрон шаклда юритиш, ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш, суд қарорларини рақамли форматда чиқариш ва электрон имзоларни қўллаш кабилар назарда тутилмоқда.

• **Иккинчи восита – сунъий интеллект (AI).** Судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишларни таҳлил қилишда AI ёрдамида қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш тақозо этилади. Масалан, AI судланувчиларни ёки ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилишда ва олдиндан башоратлар беришда қўлланилади.

• **Учинчи восита – блокчейн технологияси.** Суд қарорларининг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлаш учун блокчейн технологиясини қўллаш зарур. Бу технология суд ҳужжатлари ўзгаришининг олдини олиш ва уларни хавфсиз сақлаш имконини беради.

• **Тўртинчи восита – видео конференциялар ва онлайн суд мажлислари.** Суд жараёнларини масофадан туриб ўтказиш, шунингдек, гувоҳлар ёки тарафларни видео орқали тинглаш бугунги янги даврнинг муҳим талабларидандир.

• **Бешинчи восита – маълумотлар базаси ва аналитика.** Суд ишлари ва маълумотларни таҳлил қилиш орқали суд тизимининг самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва натижаларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Шу маънода, "Рақамли суд" концепцияси тизими суд жараёнларининг янада очиқлиги ва тезкорлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу тизим орқали суд ишлари бир неча марта тезлашади.

Шу ўринда "Рақамли суд" концепцияси, бошқача айтганда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятининг бугунги суд тизимидаги ролига тегишлича баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Айни вақтда судлар фаолиятида, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ишларни электрон шаклда юритиш амалиёти юзасидан амалий тадбирлар аллақачон бошланган.

"Рақамли суд"нинг афзалликлари ҳақида сўз борганда, биринчидан, бу тизим ёрдамида суд ишларининг кўп қисмини автоматлаштириш ва электрон платформалар орқали юритиш имкони туғилганини таъкидлаш лозим.

Бу, ўз навбатида, суд жараёнларининг кечикишига сабаб бўладиган ресурс ва вақтни тежашга имкон бермоқда. Шу билан бирга, электрон ҳужжат айланиши вақтини тежашга ҳам ёрдам беради.

Иккинчидан, блокчейн технологиялари ёрдамида суд қарорлари ва ҳужжатларининг ўзгаришсиз ва хавфсиз сақланиши суд тизимининг шаффофлигини таъминлайди. Аҳоли ўзига тегишли ишлар ҳолатини кузатиши ва суд қарорларига бўлган ишончини ошириш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, ушбу тизим орқали фуқаролар суд жараёнларига масофадан туриб иштирок этишлари, ҳужжатларни онлайн тарзда топширишлари, суд қарорларини тезкорлик билан олишлари мумкин. Бу, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун жуда катта қулайлик яратади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ ислохотлари – Ўзбекистон мустақиллигининг энг муҳим ютуқларидан биридир. "Рақамли суд" концепциясининг жорий этилиши, бугунги кун талабларига мос равишда фуқароларга адолатли, тезкор ва очиқ суд имкониятини тақдим этишга хизмат қилмоқда. Ахборот технологияларини суд тизимига жорий этиш орқали нафақат шаффофлик, балки самарадорлик ҳам таъминланмоқда.

Бу ислохотлар нафақат судлар фаолиятини енгиллаштиради, балки халқнинг суд тизимига ишончини мустаҳкамлайди, қонун устуворлиги ва адолатни ҳаётга татиқ этишга хизмат қилади.

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ушбу ютуқлар, албатта, келгусида ҳам халқимиз манфаати йўлида фаол хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Муҳиддин СУЛТОНОВ,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди раисининг ўринбосари.

БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЖИНСИЙ ЗЎРАВОНЛИК ШАКЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада болаларга нисбатан жинсий зўравонлик шакллари билан боғлиқ масалалар баён этилган. Шунингдек, жинсий зўравонлик тушунчаларига доир олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлари: азоб-уқубатлар, бола, зўравонлик, вояга етмаган, порнографик тасвирлар, фильмлар.

Вояга етмаганлар (қайси жинсга мансуб эканлигидан қатъи назар)га нисбатан жинсий зўравонлик деганда, уларнинг жисмоний, ақлий ва ёки лингвистик ривожланиш даражаси жиҳатдан ҳолатга баҳо бера олмаслиги сабабли онгли равишда розилик бера олмайдиган ёшда эканлигидан фойдаланиб, уларнинг иродасига қарши содир этилган ҳар қандай фаол ёки нофаол жинсий ҳаракатни тушуниш мумкин.

БМТ болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан берилган таърифга кўра, болага нисбатан жинсий зўравонлик “болага қарши, шу жумладан эксплуатация мақсадида содир этилган ва натижада шикастланиш, оғриқ ёки руҳий азоб-уқубатларга олиб келадиган ёки юзага келиши эҳтимоли юқори бўлган ҳар қандай қасддан, эҳтиётсизликдан ва аҳамиятсиз жинсий ҳаракатлардаги ҳаракат”ни англатади.

Жиноят ҳуқуқида вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлиқнинг икки шакли ажратилади; танага бевосита таъсир этиш (hand-on) ва танага таъсирсиз (hand-off). Тажовузнинг биринчи шакли бола танасига ҳар қандай кўринишда тегиш, жинсий аъзоларини манипуляция қилиш, табиий ҳамда ғайритабиий усулда жинсий аъзоларнинг пенетрацияси каби жинсий зўравонлиқнинг оғир кўринишларида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан берилган оғзаки жинсий маслаҳатлардан тортиб, жинсий мазмунга эга ҳикоялар ёки воқеалар айтиб бериш, боланинг олдида ўзга билан жинсий алоқа қилиш ёки мастурбация қилиш, унга жинсий аъзоларини кўрсатиш, қасддан унга порнографик тасвирларни кўрсатиш ёки боладан ўзи билан жинсий алоқа қилишни сўраш, вояга етмаган билан веб-камера орқали жинсий алоқа қилиш каби ҳаракатлар эса билвосита таъсир этиш шаклига мансуб саналади.

А.Власов жинсий жиноятлар тушунчасига “вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган қонун билан кўриқланувчи шахснинг жинсий дахлсизлик ва эркинлигига тажовуз қилувчи, жисмоний ва руҳий ривожланишига қарши қаратилган ижтимоий хавфли, қасддан содир этилувчи қилмиш”² сифатида таъриф берган.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаганларга нисбатан содир этилувчи жинсий ҳаракатдаги зўравонлик айбнинг эҳтиётсизлик кўринишида бўлмай, фақат қасддан содир этилиши мумкин. Сабаби шундан иборатки, бу кўринишга эга қилмишнинг содир этувчи шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятга эгаллигини англаган ҳолда айни қилмишнинг содир этилишини хоҳлайди. Шахс айбига нисбатан ўз-ўзига ишониш ва бепарволик кўринишдаги муносабат учрамайди.

Бу каби ҳолатларнинг ижтимоий жиҳатдан тўлиқ қораланиши эса ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар вояга етмаганларнинг жинсий ривожланишига салбий таъсир ўтказиш билан боғлиқ тарзда, ўз позицияси ва кучларидан фойдаланиб, жинсий эҳтиётларини бола ҳисобидан қондиришида кўринади.

Юқорида келтирилган таъриф шуни англатадики, агар вояга етмаган (16 ёшга тўлмаган) шахс сўз юритилаётган ҳаракатнинг амалга оширилишига розилик берган бўлса ҳам ва ҳатто, унинг ташаббускори ўзи бўлса ҳам вояга етмаган шахсга нисбатан жинсий зўравонлик содир этилди, дейишга асос мавжуд бўлади.

Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилишнинг энг кўп учрайдиган кўринишлари сифатида қуйдагиларни санаб ўтиш мумкин:

- жинсий кўзғатиш мақсадида болалар ёки ўсмирлар олдида жинсий аъзоларни кўрсатиш;

- вояга етмаганларни кийиниш, ечиниш вақтида кузатиб туриш;

- жинсий эҳтиётларини қондириш мақсадларида болага тегиши, ўпиши ва жисмоний таъсирнинг турли кўринишлари;

- болага қаратилган жинсий мазмундаги оғзаки эркалалашлар, хушомад, шилқимлик қилиш;

- болаларни порнографик тасвирлар ёки фильмларни томоша қилишга мажбур қилиш;

- болаларни жинсий алоқа қилишга ундаш ёки мажбурлаш;

- жинсий эксплуатация, болалар фоҳишабозлиги ёки порнографияда болалар ёки ўспиринлардан фойдаланиш.

Шунингдек, рақамли оммавий ахборот воситалари орқали жинсий зўравонликка дучор бўлиш ҳолатлари ҳам бугунги кунда кенг учраб туради ва уларни ҳам зўравонлиқнинг иккинчи шакли таркибига киритиш мумкин. Масалан, киберҳужум, провакацион жинсий мазмундаги расм ва видеоларни рақамли шаклда тарқатиш ёки порнография билан исталмаган тўқнашув натижасида ҳам зўравонлик амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий мазмундаги бир қатор қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган, масалан: Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118, 119-моддалари 3-қисм “а” банди ва 4-қисми; ЖКнинг 128, 128¹, 129-моддалари; ЖКнинг 130-моддасининг 3-қисми, 131-моддасининг 4-қисм “а” банди шулар жумласидандир.

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг жинсий зўравонликка дучор бўлиш даражаси нақадар кенгайганини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тақдим этган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, дунё бўйлаб 650 миллион аёл-қиз (ҳар 5 аёл-қиздан бири) болалик даврида жинсий зўравонлик қурбони бўлган бўлиб, улардан 370 миллиондан ортиғи болаликда номусга тегиш ва жинсий зўравонлиқнинг бевосита шаклларида дучор бўлган. Эрака жинси вакилларига мансуб шахслар ҳам бу каби тажовузлардан четда қолмаган. Мисол учун, 410-530 миллион ўғил бола (ҳар 7 шахсдан бири) жинсий тажовузга дуч келган³.

Дунё миқёсида айниқса COVID-19 пандемияси даврида болаларга нисбатан онлайн ва оффлайн кўринишдаги жинсий

зўравонликлар сони кескин ошиши кузатилган. Чунки бу даврда уйдан чиқишга ўрнатилган чеклов чоралари натижасида болаларнинг кўп вақтини компьютер олдида ўтказиши ва ўз навбатида ҳуқуқбузарларнинг ҳам интернетда ўтказадиган вақтлари кўпайиши юз берди.

Шунингдек, COVID-19 пайтида болалар ўйинлар, суҳбатлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар орқали мулоқот қилишнинг муқобил усуллари излашни бошлашган, болалар бўш вақтларининг кўпайиши сабабли турли тазйиқларга дуч келиш имкони ошган. Болалар онлайн дуч келаётган номақбул кўринишдаги маълумотлар бўйича кимга мурожаат этиш бўйича маълумотларга эга бўлмаганликлари ҳамда ота-оналар боланинг интернетда сарфлаётган вақтини тўғри тақсимлаш ва назорат қилишда сусткашликка йўл қўйишганликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг болаларга нисбатан кузатилувчи онлайн жинсий зўравонлик ҳолатларини назорат қилишда етарли имконият, ходимлар ва техникаларга эга бўлмаганлиги каби омиллар ҳам шу турдаги ҳуқуқбузарликлар соининг ошишига омил бўлган.

Б.Колбасиннинг фикрига кўра, охириги йилларда вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонликлар сонининг ошиши ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг ёши сезиларли даражада қисқарганлиги, онлайн ўйин кўринишдаги ёки онлайн видео ҳостинг хизматларининг, интернет ресурсларининг сони ортиши ва бундан жиноятчилар ўзларининг жинсий эҳтиёжини қондириш ва жабрланувчиларни излашда фойдаланиш имконини қўлга киритаётганлиги билан боғлиқ⁴.

Масалан, Интерполнинг 2020 йил сентябрда "Болаларни жинсий эксплуатация қилиш ва зўрлик ишлатиш таҳдидлар ва тенденциялар" юзасидан тадқиқ этилган ҳисоботган кўра, Интерпол Халқаро болалар жинсий эксплуатацияси (ИССЭ) маълумотлар базасидан мунтазам фойдаланадиган Интерполга аъзо давлатларнинг 60 %и ушбу базага мурожаат қилмаган ёки COVID-19 пандемияси даврида уларнинг фаолияти сезиларли даражада камайган⁵.

Бу каби салбий ҳолатларнинг ошиши болаларга нисбатан мавжуд жинсий зўравонликлар сонининг бир неча мартага кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда ҳам таҳлил олиб борилган даврнинг асоратлари сақланиб қолмоқда ва ҳатто тажовузнинг янги-янги кўринишлари шаклланаётганининг сабаблари ҳам ўша даврда вужудга келган шарт-шароитлар таъсири, дейиш мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ўрнатилган "ҳаракат чекловлари, даромадни йўқотиш, изоляция, юқори даражадаги стресс ва ташвиш болаларнинг уйда жисмоний, психологик ва жинсий зўравонликни бошдан кечириш ва кузатиш эҳтимолини оширади, айниқса, аллақачон зўравонлик ёки нотўғри оилавий вазиятларда яшаётган болаларга нисбатан бундай зўравонликлар сони бир неча баробар ошган"⁶.

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий кўринишдаги зўравонликнинг айнан вояга етмаганлар томонидан содир этилиши ташвишланарли ҳолдир. Сабаби, жинсий зўравонлик айнан вояга етмаганлар томонидан ҳам, вояга етган шахс томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Лекин, ушбу зўравонлик учун жавобгарлиқнинг келиб чиқиши бироз мураккаб ҳолатлардан ҳисобланади.

А.Хоменко вояга етмаганга нисбатан жинсий хусусиятга эга зўравонлик содир этилишида жиноят субъекти сифатида фақат вояга етган шахс айбдор бўлиши мумкин⁷ деган фикр билдирган бўлса, А.Мартиросьян вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳоллари юз бериши деб жавобгар сифатида топилиши мумкин бўлган шахс сифатида ёши жабрланувчидан катта бўлган ҳар қандай шахс саналиши мумкинлиги ҳақида фикр юритган⁸.

Ушбу олимнинг фикрига кўра, айнан жинсий зўравоннинг ёши жабрланувчига нисбатан 2 ёш каттароқ бўлиши керак бўлади. Бироқ, бизнинг фикримизча, жинсий зўравонлик учун ҳудди бошқа жиноятлар учун бўлгани каби жиноят субъекти бўла оладиган ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгар бўлиши мумкин, холос.

Шу сабабли, сўз бораётган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ёши жабрланувчидан 2 ёки 3 ёш катта бўлиши лозимлиги ҳақидаги вазият асоссиз деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, болаларга нисбатан жинсий зўравонлик – бу шахсий, оиладаги, ижтимоий даражадаги сабаблар ва шароитлар билан боғлиқ кўп қиррали муаммо, десак бўлади. Шахсга боғлиқ даражадаги шарт-шароитлар сирасига кичик ёшдалиги, жинси каби биологик ва зўравонликни аниқлашга доир билимларнинг етишмаслиги, руҳий носоғлом эканлиги каби омилларни келтириб ўтиш мумкин. Оиладаги муҳитдан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг жинсий зўравонлик қурбонига айланишига бу даражада боланинг ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар билан руҳий алоқанинг йўқлиги, тўлиқ бўлмаган оилада яшаганлик, оилада аввал шу каби зўравонлик содир этган ёки унга мойил шахсларнинг борлиги, вояга етмаган шахснинг мажбурий никоҳга берилиши каби ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Дилшод ИСРАИЛОВ,

*Судьялар олий мактаби директори ўринбосари,
ю.ф.ф.д., доцент*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations Children's Fund, International Classification of Violence against Children, UNICEF, New York, 2023.
2. Власов Андрей Эрикович Понятие и структура преступлений против половой неприкосновенности и половой свободы личности в современном российском законодательстве // Концепт. 2015. №5. УРЛ: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-struktura-prestupleniy-protiv-polovoy-neprikosnovennosti-i-polovoy-svobody-lichnosti-v-sovremennom-rossiyskom> (дата обращения: 29.01.2025).
3. Unicef. Sexual violence. October 2024. <https://data.unicef.org/topic/child-protection/violence/sexual-violence/#status>
4. Колбасин Владислав Владимирович Тенденции развития сексуального насилия в отношении несовершеннолетних в условиях пандемии // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2021. №4 (46). УРЛ: <https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-razvitiya-seksualnogo-nasiliya-v-otnoshenii-nesovershennoletnih-v-usloviyah-pandemii> (дата обращения: 29.01.2025).
5. Threats and trends child sexual exploitation and abuse: COVID-19 impact. [file:///C:/Users/HP/Downloads/COVID19%2020\(2\).pdf](file:///C:/Users/HP/Downloads/COVID19%2020(2).pdf).
6. ВХО (2020), Жоинт Леадеръс статемент — Виоленс агаинст чилдрен: А хидден срисис оф тхе СОВИД-19 пандемис, виеввэд анд ретриевед 8 Април 2020 фром <https://www.vxo.int/news-room/детайл/08-04-2020-жоинт-леадер-с-статемент---виоленс-агаинст-чилдрен-а-хидден-срисис-оф-тхе-со-вид-19-пандемис>.
7. Хоменко А.Н. Особенности субъективных признаков преступлений, совершаемых в отношении несовершеннолетних // Адвокат. 2012. № 3. С. 72-74.
8. Мартиросьян А.М. Насильственные половые преступления в отношении несовершеннолетних (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2009. С. 11-13.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР СУДЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: ушбу илмий мақолада Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССР судлов тизимининг ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил этилган.

Калит сўзлар: съезд, декларация, Конституция, кодекс, қонун, низом, адлия халқ комиссарлиги, халқ суди, халқ судьялари, халқ маслаҳатчилари, сайлов, арбитраж.

XX аср бошларида юртимиз тарихида ўта муҳим сиёсий ўзгаришлар бўлиб беради. Яъни, 1925 йил 13 февраль куни Бухорода ЎзССР Советларининг I-съезди очилди. Съезд 1925 йил 17 февралда “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация”-ни қабул қилди. Декларация ЎзССР ташкил топганини қонунан расмийлаштирди ва ЎзССРнинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди¹.

Ушбу тарихий ҳужжатга асосан қадимий Туркистон ўлкасида суверенитет ҳуқуқига эга бўлмаган Республика ташкил этилади. Табиийки, янги ташкил этилган давлатда барча тизимлар ўзгартирилиб, ҳукмрон ғояга хизмат қиладиган тузилмалар ташкил топа бошлайди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгунга қадар бўлган даврда фаолият кўрсатган Бухоро Халқ Республикаси ва Хоразм Халқ Республикаси Олий судлари фаолияти тугатилди. Янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Олий суди барча қуйи суд органларини ягона тизимга бирлаштириб, судлар ва ҳарбий трибуналлар устидан назоратни амалга ошира бошлайди.

Архив материалларида келтириб ўтилишича, “1924 йил 26 ноябрда Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитасининг йиғилишида Файзулла Хўжаев Адлия халқ комиссари Ғозиевга суд ҳақидаги меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича топшириқ берган”²дан кейин орадан 17 кун ўтгач “Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1924 йил 13 декабрдаги қарори билан РСФСР Олий суди Туркистон АССР бўлини маси ўрнида, Ўзбекистон ССР Олий суди ташкил топган”³.

Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси раиси Ф. Хўжаев томонидан суд ҳақидаги меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича топшириқ айнан Адлия халқ комиссарига юклатилиши Совет ҳокимияти йилларида суд Адлия органларига бўйсунганидан далолат беради.

Бироқ, айрим мутахассисларнинг мулоҳазаларига кўра, “Бу кун давлатимиз тарихидаги биринчи ва ҳақиқий Олий суд ва суд органлари вужудга келган кун бўлиб қолди. Унинг аввалги суддан фарқи, у ўзининг мустақил функциялари билан таъминланганди. Туркистон АССР бўлини масида баъзи функциялар, яъни фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи бўлим мавжуд эмасди. Бу фаолиятни тўғридан-тўғри РСФСР Олий суди бажарар эди. Гарчи у бизнинг ўлкага тегишли бўлса ҳам”⁴.

Айтиш жоизки, Олий суд алоҳида асосда ташкил этилган бўлса-да, тоталитар тузумнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил фаолият олиб бормаган, у Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошида тузилган ва унга тўлиқ бўйсунган.

“Чиқариладиган ҳукмлар Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми фикрига бевосита боғлиқ бўлган. Мисол учун 1925 йил Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси олий жазога тортиш бўйича 52та ҳукмга санкция (рухсат) берган ва Олий суднинг худди шундай 5та ҳукми, қаттиқ тартибдаги 10 йиллик қамоқ жазосига айлантирилган”⁵.

1923 йил 6 июлда қабул қилинган СССР Конституциясининг 43-моддасида СССР Олий суди Совет Иттифоқи Марказий Ижроия Қўмитаси ҳузурида (“при ЦИКЕ Союза ССР учреждается Верховный Суд”⁶) ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Шунинг учун юқорида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон ССР Олий суди ҳам бевосита Ўзбекистон ССР МИҚ (Марказий Ижроия Қўмитаси) ҳузурида ташкил этилган ва унга тўлиқ бўйсунган.

Ўзбекистон ССР судлов тизимининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилганда, дастлабки энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида 1924 йил 31 январда қабул қилинган СССР Конституцияси⁷ ва унинг VII-боби (О Верховном суде СССР)ни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Сабаби, айнан шу Конституциянинг VII-боби 43-моддасида СССР Олий суди ва Иттифоқдош Республикалар Олий судлари фаолияти билан боғлиқ конституциявий қоидалар ўрнатилади.

1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР МИҚ —Ўзбекистон ССРда судларни ташкил этиш тўғрисида қонун ишлаб чиқди. 1927 йил 15 февралдан бу қонун кучга кирди⁸. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши “тарихий” аҳамият касб этади. Яъни, “аҳолига яқин бўлган қози ва бий судлари тугатилиши, аҳоли қадриятларига қарши қўйилган қадам эди. Тўғри давлатда одил судловни фақатгина суд амалга оширади. Бироқ, ҳолатга аҳоли ҳали мослашмаган эди. Айрим тарихий маълумотларда аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, шарият асосида иш кўрувчи бундай судларнинг фаолияти чеклана бошлади”⁹. Айрим манбаларда “Қозиларнинг ўзи қозихоналарни ёпишни илтимос қилганлиги айтилади”¹⁰.

“1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР МИҚ Кенгаши ишлаб чиққан қарорда, Ўзбекистонда қозилик суди ўзини-ўзи тугатди, деб ҳулоса берди. Аммо, бу қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини шундан билиш мумкинки, совет давлати пайдо бўлгандан кейин, доим қозилик судлари ваколатлари, керак бўлса, фаолиятини чеклаб қонун-қоидалар ишлаб чиқди. Унда майда фуқаролик ишлари қолганди, холос. Натижада барча ваколатларини бой берган бундай маҳаллий судлар, судлов ишини етарлича ҳал этиш имкониятига эга бўлмай қолган”¹¹.

Судда ҳам кадрлар етишмайди, европалик судьялар маҳаллий тилни билишмайди. Қози судлари округда йўқ. Халқ терговчилари томонидан 268 та иш кўриб чиқилган, улар бўйича ёзма ва оғзаки кўрсатмалар берилган. Ҳимоячилар коллегиялари деярли ишламайди. Аҳолига юридик ёрдам ва маслаҳат берувчи ҳимоячилар коллегиялари ҳаракатсиз¹².

Ана шу тариқа коммунистик партиянинг ғояларига хизмат қиладиган совет судлари ташкил этила бошлайди. Мавжуд суд тизимининг ташкилий жиҳатдан тубдан ўзгартирилиши баъзи бир жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, суд тизимида кадрлар танқислиги вужудга келади. Тарихий манбаларга кўра, “Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида аҳвол айниқса ачинарли эди. Ҳатто мутахассислар етишмаслигидан совет халқ судьяси лавозимига ҳам амалда фаолият кўрсатиб келган қозилар тайинланган. Масалан, Адлия халқ комиссарлиги вакили Курбонов Қашқадарё округидаги халқ судлари фаолияти юзасидан қуйидаги маълумотларни баён этган эди: “Қашқадарё округида 9 та халқ суди участкаси фаолият юритади. Округдаги қози судларининг сони эса 14 та. Совет халқ судлари учун мутахассислар етишмайди. Халқ судлари сонининг кўпайиши тугатилган қози судлари ҳисобига амалга ошмоқда. Собиқ қозилар халқ судьяларига айлантирилмоқда”¹³.

Иккинчидан, Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида тозалашлар амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси лавозимига ишлаган С.Қосимов ва унинг яқин маслақдошлари 1929 йилнинг иккинчи ярмида қамоққа олинди. 1930 йилнинг 25 мартдан 21 июнига қадар Самарқанд шаҳрида СССР Олий судининг кўчма сессиясида 73-с рақамли

иш кўриб чиқилди. Бу совет тарихида "Қосимовчилик" иши деб юритилди. Судда Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимов бошчилигида 30 га яқин суд ва адлия ходимлари иши кўрилиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар, уларнинг кўплари отиб ташланди. С.Қосимов ва унинг тарафдорларига ўз мансаб лавозимларини суиистеъмол қилиш ва "босмачи жиноятчи"ларни озод қилиш каби айблар қўйилди¹⁴.

"Натижада большевиклар режимининг "одил суди" сохта айблов ва сохта гувоҳлар берган кўрсатмага асосланиб, С.Қосимов, Шарипов, Олимов, Мусабеков ва Спридоновларни отувга, қолганларини эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади"¹⁵.

Тоталитаризм ғояларига асосланган мустабид тузум суд тизимида ҳам турли "тозалаш"ларни амалга ошириб, шу услубда судьяларнинг "кўзини очиб" судни бутунлай тиш-тирноқсиз, фалаж ҳолга келтириб, фақат совет давлатининг мафқурасига хизмат қиладиган органга айлантиради.

1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР МИКнинг бешинчи сессиясида – "Ўзбекистон ССР суд ишларини юритиш тўғрисидаги Низом" тасдиқланади. СССР Конституцияси қоидалари асосида ишлаб чиқилган мана шу Низомни Ўзбекистон ССР судлов тизимидаги илк ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Кейинчалик мазкур Низомга суд тизимининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Хусусан, суд ва тергов органлари, шунингдек прокуратура фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш вазифаси Адлия Халқ Комиссарлигига юклатилади¹⁶.

1928 йилда "Ўзбекистон ССР суд ишларини юритиш тўғрисидаги Низом"га моҳиятан жуда яқин бўлган – "Ўзбекистон ССР суд органларининг бошқарув тартиби тўғрисида"ги қарор Ўзбекистон ССР МИК томонидан қабул қилинади. Унда суд тизимининг бошқарув органи ҳисобланган Республика Адлия Халқ Комиссарлигининг тузилиши тасдиқланади. Қарорда "ягона суд амалиётини ҳамда самарали суд бошқарувини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Адлия Халқ Комиссарлигини қайта ташкил этиш ва ваколатларидан кенг фойдаланиш кўрсатиб ўтилган"¹⁷.

1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР МИК Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган навбатдаги қарорда Ўзбекистон ССР судлов тизимини ташкилий жиҳатдан тубдан ўзгартириш назарда тутилади.

1929 йил 29 декабрдан бошлаб Совет Иттифоқи МИК ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлигининг қўшма қарорига асосан, "ишчи ходимлари 100 кишидан кам бўлмаган завод-фабрикаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, давлат ва нодавлат ташкилотларида ўртоқлик судларини ташкил этиш назарда тутилган"¹⁸. Улар фақат меҳнат ва иш тартибини бузиш, социалистик мулкка яхши муносабатда бўлмасдан (машиналар, асбоб-ускуналарга) зарар етказиш, яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўл қўйиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиққан.

1936 йил 27 июлда Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссари Саидали Хўжаев СССР Адлия халқ комиссари Н.В.Крыленкога халқ судларини тафтиш этиш натижалари юзасидан ҳисобот тақдим этиб унда Ўзбекистон ССРдаги халқ судьяларининг 35 фоизи етарли билим ва малакага эга эмаслиги ҳамда мунтазам равишда қонунбузилишларга йўл қўйиб келаётгани боис лавозимидан озод этилганини маълум қилган эди. Хусусан, тафтиш натижасига кўра халқ судьяларининг 66 нафари қайта тайёрлаш учун ўқишга юборилган, 61 нафари лавозимидан озод этилган, 14 нафари эса қуйи лавозимга ўтказилган¹⁹.

1938 йил 16 августда "СССР, Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг суд тузилиши тўғрисида"ги (Закон Союза Советских Социалистических Республик "О судоустройстве СССР, Союзных и Автономных Республик"²⁰) қонун қабул қилинган. Мазкур қонун 1958 йил 25 декабрда СССР Олий Совети Раёсати томонидан янги тахрирда қабул қилинганга қадар бўлган даврда амалда бўлади.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида "СССР Конституциясининг 102-моддасига мувофиқ СССРда одил судлов СССР Олий суди томонидан амалга

оширилади, Иттифоқдош Республикалар Олий судлари, уларнинг вилоят судлари, автоном республикалар ва автоном вилоятлар судлари, туман судлари, СССР махсус судлари СССР олий Кенгашининг фармони билан ташкил этилади"²¹ деб белгиланган.

Мазкур қонуннинг ҳуқуқий аҳамияти ва ўзига хос хусусияти шундаки, унда суд тизимининг функцияси ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган бир қанча прогрессив нормалар ўзининг ифодасини топган. Жумладан, унинг 2-моддасига мувофиқ, "СССР одил судлов тизими мамлакатнинг барча муассасалари, ташкилотлари, мансабдор шахслари ва фуқаролари томонидан Совет қонунларининг аниқ ва қатъий бажарилишини таъминлаш вазифасига эга"²². 6-моддасида эса, "Судьялар мустақил ва фақат қонунга бўйсундилар", деб қайд қилинган.

Гарчи, қонунларда судьялар мустақил деб эътироф этилган бўлсада, аслида давлатнинг барча тузилмалари ягона ҳукмрон сиёсий қуч – коммунистик партия мафқурасига бўйсунар эди. Тоталитар сиёсий тизимга асосланган тузумда жамият ҳаётининг барча соҳаларида тўла (тотал) назорати ўрнатилади. "Тоталитаризмнинг асл мақсади – фуқаролик жамиятининг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилишдир, инсон сиёсатдан мутлақо бегоналашганлигига қарамай, сиёсат субъекти сифатида баҳрланавереди; ягона ҳукмрон партиянинг давлат аппарати билан қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган партия номенклатурасининг жамиятни бошқариши"²³ дир.

"Давлат органлари ва мансабдор шахслар, шу жумладан, судлар ва судьяларнинг фаолияти ягона коммунистик партиянинг назорати ва босими остида бўлиб, давлат ҳокимияти тақсироти ҳақидаги доктрина буржуа синф томонидан ишлаб чиқилган ва унинг манфаатларига хизмат қилиши учун мавжуд, дея даъво қилиниб келинди. Иттифоқдаги республикаларнинг ва бутун иттифоқнинг бошқаруви коммунистик партия бошлиқлари қўлида бўлган ва ҳеч қачон демократик давлат талабларига жавоб бермайдиган тоталитаризм ва бюрократияга асосланган эди"²⁴.

"Судьяларнинг моддий таъминоти масаласини ҳал этиш ҳам советлар тасарруфида эди. Хусусан, судьяларни уй-жой билан таъминлаш советларнинг ваколати бўлиб, бу судьяларнинг мустақиллигини хавф остида қолдирди. Чунки ушбу тизим судьяларни коммунистик партиянинг советлар ва ижроия қўмиталари орқали билдирадиган ғоя ва сиёсати хизматкорларига айлантириб қўйди. Бошқача айтганда, судьялар сиёсатни қўлловчи шахсларга айланди"²⁵.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССРда суд тизими коммунистик партияга батамом бўйсунган. Афсуски, бу бўйсунуш Совет қонунчилигида ёзиб қўйилган "барча муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Совет қонунларининг аниқ ва қатъий бажарилишини таъминлаш" эмас, балки жазолловчи орган сифатида шаклланишга ва фаолият кўрсатишга олиб келган. Натижада, суднинг ҳукмлари билан "1930–40 йиллар, 1950 йилларнинг бошларида иттифоқ бўйича 3,778,234 нафар шахс қатагон қурбонларига айланиб, 786,098 нафар шахс отиб ўлдирилди"²⁶.

СССР ташкил этилиб, парчаланиб кетгунига қадар суд тизими мустақил бўлмаганлигини собиқ Иттифоқ Бош прокурори А.Вишинский қўйидаги фикрлари билан тўла "асослаб" беради:

"Пролетар давлатида судьяларнинг "мустақиллиги" тамойилини рад қилар эканмиз, биз уларнинг пролетар давлатидан, ишчилар синфидан, унинг умумдавлат сиёсатидан мустақил эканини рад қиламиз. Биз бу билан давлатда умумдавлат сиёсатидан бошқа қандайдир алоҳида суд сиёсати мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этамиз..."²⁷

Ўзбекистон ССР КП Марказий Қўмитасининг 1947 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон ССР суд органлари фаолияти тўғрисида"ги қарориди судлар фаолиятидаги камчиликлар қайд этилиб, ушбу идорани урушдан кейинги даврга мувофиқ қайта ташкил этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди²⁸.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан ЎзССР суд тизимининг барча бўғинларида судьялик лавозимлари учун сайловлар ўтказилиши белгиланади.

1948 йил 26 февралда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон ССР район ва шаҳарлари кесимида халқ судлари сонини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан 1948 йилда Тошкент вилоятида – 64, Самарқандда – 39, Фарғонада – 26, Андижонда – 20, Бухорода – 20, Қашқадарёда – 18, Наманганда – 14, Сурхондарё ва Хоразм вилоятининг ҳар бирида 12 тадан халқ суди судьяларини сайлаш мақсадида сайлов участкалари ташкил этилади²⁹.

1953 йил 24 июнда Бутуниттифоқ суд тизимининг ташкилий жиҳатдан ўзгаришига олиб келган навбатдаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинади. Яъни, СССР Олий Совети Раёсати томонидан “Темир йўл ва сув транспорти судлари, темир йўл ва сув транспорти прокуратураси, шунингдек, СССР Олий судининг темир йўл ва сув транспорт хайъатларини бирлаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинади³⁰. Унга кўра темир йўл ва сув транспорти судлари ягона транспорт судларига бирлаштирилади.

Суд тизими тарихини чуқур ўрганган тарихчи олим Д.Комоловнинг илмий хулосаларига кўра, “XX аср 50 йилларининг иккинчи ярмида СССР давлат раҳбари Н.Хрущёв томонидан суд тизимида айрим либерал ислохотлар амалга оширилди. Бу борада судларни маъмурий органлар қарамоғидан озод этиш ва иттифоқдош республикаларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги эркинлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди”³¹.

Айнан шу даврда қабул қилинган энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида СССР Олий Совети Раёсатининг 1956 йил 31 майдаги фармони келтириш мумкин. Ушбу фармонга асосан СССР Адлия вазирлиги тугатилади ва конституциядан вазирлик тўғрисидаги қоидалар чиқариб ташланади³². Ушбу ислохотлардан кўзланган мақсад – аслида судларни маъмурий органлар қарамоғидан озод этиш ва шу йўл билан иттифоқдош республикаларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги эркинлигини таъминлашдан иборат бўлган. 1956 йил 4 августда СССР Олий Совети томонидан иттифоқдош республикаларда Адлия вазирлигининг вилоят бошқармаларини тугатиш ва вилоят судларига халқ судлари, нотариал идоралар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи фармон қабул қилинди.

СССР Олий Советининг 1957 йил февралда бўлиб ўтган олтинчи сессияси КПСС XX съезди кўрсатмалари асосида иттифоқдош республикаларга суд тузилишига оид қонунлар, фуқаролик, жиноят ва процесуал кодексларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган³³.

Айтиш керакки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши шу давргача бўлган вазиятни биров ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилиб, иттифоқдош Республикаларга суд тузилишини белгилайдиган қонун ҳужжатларини ўзлари қабул қилиш ҳуқуқини берган.

1977 йил 19 апрелда қабул қилинган ЎзССР Конституциясининг³⁴ IX-боби “Одил судлов, арбитраж ва прокурор назорати”, унинг 20-бўлими эса “Суд ва арбитраж” деб номланади. Конституциянинг 163-моддасида “ЎзССР барча судларининг судьялари ва халқ маслаҳатчилари (народных заседателей) сайланиш асосида шаклланган. Туман (шаҳар) халқ судларининг судьялари фуқаролар томонидан 5 йиллик муддатта яширин овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри тенглик асосида сайланади. Юқори турувчи (изох: бу ерда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар назарда тутилмоқда) судларнинг судьялари 5 йиллик муддатта тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан сайланган”³⁵.

Мазкур Конституциянинг 164-моддасига мувофиқ: ЎзССР Олий суди раиси, унинг уринбосарлари, судьялари ва халқ маслаҳатчилари ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан сайланган.

Айтиш жоизки, бу даврда туман, вилоят судларининг судьялари фуқаролар томонидан сайланганлиги тўғрисидаги масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сабаби, сайлов – ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим демократик институтларидан бири ҳисобланиб, фуқаролар овоз бериш орқали давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини шаклланишида

беvosита иштирок этишади. Сайлов жараёнида бўлажак судьянинг билими, салоҳияти, тажрибасига баҳо бериш имконияти вужудга келади.

Мухтасар айтганда, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССР судлов тизимининг ҳуқуқий асослари таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда суд тизими муайян бир давлат органи томонидан бошқариладиган, унинг вазифа ва ваколатларини ҳам ўша орган белгилаб берадиган ва пировард натижада унга тўла қарам бўлган ҳокимият сифатида фаолият кўрсатган. Суднинг мустақиллиги бирламчи аҳамият касб этмаган. У ҳукмрон ғоянинг жазолочи органи бўлиб қолаверган.

Исматулла МАМАНОВ,
юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” иккинчи китоб., “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”, “Шарқ” нашриёт матбаа концерни Бош таҳририяти, Тошкент – 2000., 298-бет.
2. ЎЗМА, Р-87- фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 9-варақ.
3. 5. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви. Р-837 фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 52-варақ.
4. 11. М.Р.Топилдиева., “Ўзбекистон ССРда судлар тизимидаги долзарб масалалар”, National University of Uzbekistan Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022 Google Scholar indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities DOI: 10.24412/2181-1385-2022-2-1053-1060 Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari. 1054-бет.
6. 7. Основной Закон (Конституция) Союза Советских Социалистических Республик Принят второй сессией ЦИК СССР первого созыва 6 июля 1923 года и в окончательной редакции II съездом Советов СССР 31 января 1924 года. <https://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnst1924.htm>.
8. 9, 10. История советского государства и право Узбекистана. Т-2. – Ташкент: 1969., 186 – стр
12. Қонун-адолат кўзгуси Қашқадарё вилояти прокуратураси: кеча ва бугун, Тошкент: “Тамалдун”. 2022. -В.93.
13. ЎЗМА, Р-904- фонд, 8-рўйхат, 10-иш, 47-варақ.
14. Д.П.Комолов., “Ўзбекистон ССР суд тизимида кадрлар муаммоси” (1925-1945 йиллар мисолида) 5th -ICARHSE International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA <https://conferencea.org/August28th2022>. 34-35-бетлар.
15. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” иккинчи китоб., “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”, “Шарқ” нашриёт матбаа концерни Бош таҳририяти, Тошкент – 2000., 322-бет.
16. ЦГА ИМЛ при ЦК КПСС, ф. 62, оп. 1, д. 795, л.д. 664.
17. СУ УзССР, 1928, № 44, ст.1096-1097.
18. Систематический сборник действующих законов УзССР, 1931, ст. 422.
19. ЎЗМА Р-904-фонд, 9-рўйхат, 395-иш, 92-варақ
- 20, 21. 22. Закон Союза Советских Социалистических Республик “О судостроительстве СССР, Союзных и Автономных Республик”, <https://ru.wikisource.org/wiki/>.
23. Х.Т.Одилькориев, Д.Х.Раззаков., “Сиёсатшунослик”, “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа уйи., Тошкент-2008., 129-бет.
- 24, 25. Қосимов Б., “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш тенденциялари: қиёсий таҳлил”, Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. 44-бет.
- 26, 27. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври / Муаллифлар: А.А. Полновозов, Г.А. Абдумажидов ва бошқалар. – Т.: Адолат, 2002.
28. История советского государства и права Узбекистана: 1937-1958 гг..Т.3 / Отв. ред.: Ишанов А.И., Сулайманова Х.С. -Ташкент: Фан, 1968. -676 с.[History of the Soviet state and law of Uzbekistan: 1937-1958 T. 3 / Ed. ed.: Ishanov A.I., Sulaimanova Kh.S. -Tashkent: Fan, 1968. -676 p.].
29. Ўзбекистон Миллий архиви Р-904-фонд, 10-рўйхат, 662-иш, 39-42 варақлар.
- 30, 32. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР 1938-1956 г.г. -. М.: Государственное издательство юридической литературы, 1956. -500 с. [Collection of laws of the USSR and decrees of the Presidium of the Supreme Soviet of the USSR. 1938-1956 -M.: State Publishing House of Legal Literature, 1956. -500 p.]. С.108, С.430.
31. Д.Комолов., “Ўзбекистон ССР суд тизимииккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда (1946-1960 йиллар мисолида)”, “Ўтмишга назар” журнали 4 жилд, 9-сон. 29-бет.
33. Заседания Верховного Совета СССР 4-го созыва, шестая сессия (5-12 февраля 1957 г.): стенографический отчет. М.: Изд. Верховного Совета СССР, 1957. 757 с.
- 34, 35. Конституция (основной закон) Узбекской Советской Социалистической Республики Принята на внеочередной шестой сессии Верховного Совета Узбекской ССР девятого созыва 19 апреля 1978 года., <https://constitution.uz/uploads/62410ec6-e3ed-2a4f-42e6-3fd12083b4af.pdf>.

РАҚАМЛАШТИРИШ – ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

Сўнги йилларда “рақамлаштириш” деган атама Ўзбекистонда оддий фуқаро учун ҳам таниш ва тушунарли бўлиб қолди. Илгари бу сўз фақат давлат идоралари, корхоналар ёки технология билан боғлиқ соҳаларда ишлатилса, бугунги кунда ҳар бир одам ҳаётида унинг таъсири сезиларли даражага етди. Хужжатларни электрон тарзда топшириш, коммунал хизматлар учун онлайн тўлов қилиш, мобил иловалар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш — буларнинг барчаси рақамли ислохотларнинг самарасидир.

Айнан суд-ҳуқуқ соҳасида эса бу ўзгаришлар янада катта суръатда кетмоқда. Илгари судга ариза бериш учун кўплаб қоғозбозлик, навбатлар, узоқ кутув жараёнлари бўларди. Энди эса электрон ариза юбориш, ишларни онлайн кузатиб бориш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш мумкин. Суд тизимида автоматлаштирилган тақсимот, сунъий интеллект асосида таҳлил ва қарорлар қабул қилиш каби илғор ёндашувлар жорий қилинмоқда. Илгари фантастика бўлиб туюлган бу имкониятлар бугунги кунда оддий амалиётга айланмоқда.

Автоматлаштиришнинг асосий мақсадларидан яна бири — инсоннинг шахсий муносабатларига боғлиқ ҳолатларни, яъни “таниш-билиш” ва “ўзимники” деган тушунчаларни суд тизимидан батамом чиқариб ташлашдир. Ишларни компьютер томонидан автоматик тақсимлаш механизми — бу борадаги энг муҳим инструмент ҳисобланади. Ҳар қандай инсон омилсиз, фақат тизим орқали ишни судьяга бириктириш, тарафлар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди.

Судлардаги яна бир янги босқич — сунъий интеллект (СИ) технологияларининг жорий этилишидир. Ушбу технология ҳозирда инсоннинг ўрнини босмайди, балки унга ёрдамчи вазифани бажаради. Сунъий интеллект олдинги суд қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий амалиёт ва прецедентларни таҳлил қилиб, судьяга ҳуқуқий асосларга кўра тавсиялар беради.

Масалан, судья муурожаат этилган иш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлар экан, сунъий интеллект тегишли қонун нормаларини, ўхшаш ҳолатлардаги аввалги қарорларни, айрим ҳуқуқий хулосаларни автоматик равишда таклиф қилиши мумкин. Бу эса судьяни хато қарор чиқариш эҳтимолидан сақлайди, лекин қарор қабул қилиш ваколати ҳали ҳам инсонда қолади.

Калифорния университети профессори, ҳуқуқ ва технология соҳасидаги мутахассис Даниэль Мартин Катз шундай дейди:

“Сунъий интеллект инсоннинг ўрнини босмайди. У инсон қарорларини яхшилади. У нафақат тезкорлик, балки тизимлилик ва ҳолисликни таъминлашда катта ёрдамчи ҳисобланади.”

Албатта, сунъий интеллектни суд тизимида жорий қилишда мутахассислар томонидан турли фикрлар ҳам билдирилмоқда. Айрим олимлар сунъий интеллектга ҳаддан ташқари суяниш инсон шаъни ва ҳуқуқлари учун хавфли бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. Масалан, Европа кенгаши экспертлари маълум бир ишни фақат алгоритм қарорга келтиришига қаршилик билдирадilar.

Шунинг учун Ўзбекистондаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Сунъий интеллект қарор чиқармайди — балки қарор қабул қилишда асос бўла оладиган маълумотлар ва таҳлилларни тақдим этади.

Ҳар йили Ўзбекистонда ўртача 1,5 миллионга яқин суд иши кўрилади. Бу — ҳар куни минглаб фуқаролар, юристлар, судьялар, гувоҳлар ва бошқа иштирокчилар суд жараёнларида иштирок этади, деганидир. Шунча миқдордаги ишни фақат инсон ресурслари орқали самарали бошқариш кун сайин қийинлашиб бормоқда. Ишлар сонининг кескин ошиши, муурожаатлар кўламининг кенгайиши ва юклама даражасининг ўсиши суд тизимини рақамлаштиришни шунчаки ислох қилиш эмас, балки ташкилотчилик, тезкорлик, адолат тамойилларини таъминлаш ҳамда давлат бюджетига аниқ фойда келтирадиган зарурат сифатида юзага келмоқда.

Шу туфайли сўнги йилларда автоматлаштириш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни суд тизимида жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу технологиялар нафақат судларнинг юқини энгиллаштирмоқда, балки иш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирмоқда ва энг муҳими, фуқаролар учун шаффоф муҳит яратмоқда.

Рақамлаштириш сўзда жозибали, амалда эса жиддий тайёргарлик, тизимли ёндашув ва барча иштирокчиларнинг ҳамжиҳатлигини талаб қила-

диган узоқ ва мураккаб жараёндир. Суд тизимини рақамли шаклга ўтказиш — фақат техника алмаштириш эмас, балки бутун ҳуқуқий маданиятни, муносабатларни ва ташкилотчиликни ўзгартириш демакдир. Шу сабабли, бу жараёнда ҳам имкониятлар, ҳам муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда ҳамма жойда интернет юқори тезликда эмас. Хусусан, олис ҳудудларда, кичик туман ва қишлоқларда суд биноларида замонавий техника ва барқарор интернет алоқаси ҳали ҳам етарли даражада эмас. Бу эса масофавий суд мажлисларини, электрон ариза юбориш ва онлайн кузатув тизимларини тўлиқ ишлатишда жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Судлар техник жиҳатдан тўлиқ таъминланмас экан, рақамлаштириш амалиётда тўлиқ ҳаётга татбиқ этилмайди.

Янги тизимга фақат техника билан эмас, балки одамлар орқали ўтилади. Ҳар бир судья, котиб, ходим замонавий платформалар, электрон ҳужжат айланмаси ва сунъий интеллект билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши керак. Ачинарлиси, барча ходимлар ҳам технологияни бирдек ўзлаштира олмайди. Бу ерда доимий ўқувлар, амалий тренинглар ва таянч марказлари зарур. Технологик ислохотлар муваффақиятли бўлиши учун кадрлар салоҳияти шунга мос даражада ўсиши шарт.

Суд тизимида рақамли механизмларни жорий қилишда қонунлар ҳам замонга мослашиши керак. Айрим ҳолларда, янгиликларни тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас. Масалан, электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тан олиш, онлайн мажлисда иштирок этувчи шахсни аниқлаш, ёки электрон қарорга нисбатан шикоят бериш каби масалаларда муаммолар кузатилиши мумкин. Шу боис, суд тизимидаги рақамлаштириш жараёни ҳуқуқий меъёрлар билан бир қадамда ривожланиши керак.

Энг катта савол — сунъий интеллект чиқарган хулоса ва тавсиялар қандай мақомга эга? Ҳозирда сунъий интеллект фақат ёрдамчи вазифани бажаради, лекин унинг тавсиялари суд қарорларига қандай таъсир қилмоқда? Бу ҳали аниқ тартибга солинмаган. СИ хулосаси ҳақиқий ҳуқуқий асос бўладими ёки йўқми — бу борада қонунчиликда етарлича аниқлик йўқ. Бу эса кейинчалик можароли вазиятлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Аслида, сунъий интеллект инсонни алмаштирмайди — унга ёрдам беради. У суд тизимини тезкор, очиқ, халққа яқин қилиши мумкин. Лекин бунинг учун нафақат техника, балки тайёргарлик, ўқув, қонун, тушуниш ва энг муҳими — ишонч керак.

“Рақамли Ўзбекистон” — бу фақат компьютер эмас. Бу — адолатни ҳар бир фуқарога етказиш учун яратилаётган янги майдондир.

Низомиддин ЭРНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби Девонхона мудири.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони — “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПК-4996-сонли қарори — Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли Фармони — Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича қисқа муддатли стратегия тўғрисида.
4. “Судлар фаолиятига Сунъий интеллектни жорий этиш: имкониятлар ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, Судьялар олий мактаби, 2024 йил 12 декабрь.
5. “Суд ишларини юриктишда сунъий интеллектни жорий этиш истикболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025 йил 13 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий ахборот порталидан олинган материаллар (www.suprcourt.uz).
7. Судьялар олий мактаби расмий веб-сайтидаги ўқув дастурлари ва методик қўлланмалар.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тақдим этилган рақамлаштириш бўйича тақдимот материаллари.
9. Марказий Осиёда сунъий интеллектни жорий этиш бўйича халқаро конференция материаллари, Тошкент, 2024.

ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги форс-мажор ҳолатига оид нормалардан келиб чиқадиган жавобгарликдан озод қилиш ёки жавобгарликни истисно этиш асосларини тўғридан-тўғри қўллаш имконини бермайди. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларида шартнома мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилган воқеа-ҳодисаларни жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида баҳолаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида форс-мажор ҳолати билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик қонунчилиги ёхуд қонунчиликнинг бошқа тармоқ турлари билан ҳам, иш муомаласи одатлари билан ҳам ҳуқуқий тартибга солиниб, ҳуқуқий тартибга солишнинг гибрид (аралаш) тизими амал қилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, форс-мажор ҳолатларини иш муомаласи одатлари билан тартибга солишга қараганда, фуқаролик қонунчилиги ёхуд қонунчиликнинг бошқа тармоқ турлари билан ҳуқуқий тартибга солиниши маълум бир афзалликларга эга. Жумладан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг кўпчилиги иш муомаласи одатлари ва уларни қўллаш механизмларидан яхши хабардор эмасликлари сабабли, улар амалдаги қонунчилик нормаларидан келиб чиқадиган жавобгарликдан озод қилиш асосларини форс-мажор ҳолатлари бўйича тўғридан-тўғри қўллаш имконига эга бўладилар. Бироқ, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти муносабатлари жадал ривожланиб, хусусан, давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги, иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар (юзага келган хавф-хатарларни ўз бўйига олиш)ни ўзаро адолатли ва тенг тақсимлашни тақозо этмоқда. Бу эса форс-мажор ҳолатларига оид шартнома шартларини иш муомаласи одатлари асосида белгилаб олиш заруратини юзага келтиради. Шу сабабдан, бугунги кунда форс-мажор ҳолати билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасида ҳам қонун ҳужжатлари нормалари, ҳам иш муомаласи одатлари билан ҳуқуқий тартибга солинмоқда ва форс-мажор ҳолатини ҳуқуқий тартибга солишнинг гибрид (аралаш) тизимига ўтилганлиги тўғри бўлиб, уни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, форс-мажор ҳолатига оид фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига форс-мажор ҳолатига оид императив ёки диспозитив нормаларнинг устуворлигини мустаҳкамлаш масаласи энг долзарб ва айти бир пайтда мунозарали ҳисобланади ва буни бевосита форс-мажор ҳолатини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг императивлик ёки диспозитивлик хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Ҳуқуқшунос олима Е.В.Грушевская тўғри таъкидлаганидек, “императивлик – у ёки бу тасниф мезонлари асосида қайси турга мансублигидан қатъий назар, ҳар қандай ҳуқуқий норманинг белгиси ва хусусияти сифатида умуммажбурийлик

элементи ҳисобланади”. Ҳуқуқий норманинг императивлиги, унинг ҳуқуқ субъектлари учун мажбурийлигини англатади ва шу ўринда диспозитивлик тамойили фуқаролик ҳуқуқининг муҳим тамойилларидан бири эканлиги ҳамда у фуқаролик муомаласи иштирокчиларига ўз ҳуқуқларини мустақил тасарруф этишларини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида форс-мажор ҳолатига оид ҳуқуқ нормаси диспозитивлик тамойили асосида белгилаб берилган. Фуқаролик қонунчилигида форс-мажор ҳолатини тартибга солувчи нормаларнинг фақат императивлик тамойили асосида белгилаб берилиши эса, бир қарашда адолатни таъминлашга хизмат қилади, яъни бунда юзага келган вазиятнинг белгилари ва хусусиятлари қонун нормалари талабларига мос бўлганда, у форс-мажор ҳолати деб топилади ва қарздор жавобгарликдан озод қилинади ёки аксинча, форс-мажор ҳолати мавжуд бўлмайди ва қарздори жавобгарликдан озод этиш мумкин бўлмайди. Айти бир пайтда, форс-мажор ҳолатига оид нормаларнинг фақат императивлик тамойили асосида белгилаб берилиши фуқаролик муомаласи иштирокчиларига форс-мажор ҳолатлари бўйича шартнома эркинлигини амалга оширишлари учун имкон бермайди. Шу сабабли, фуқаролик қонунчилигида форс-мажор ҳолатини тартибга солувчи нормаларнинг диспозитивлик тамойили асосида белгиланиши бир қатор афзалликларга эга бўлиб, булар биринчи навбатда, шартнома тарафларига ўзаро ишонч асосида таваккалчиликларни тақсимлаш ва форс-мажор ҳолатларига оид шартларни батафсил келишиб олишга имкон бергани ҳолда шартнома эркинлигини таъминласа, иккинчи навбатда, форс-мажор ҳолатлари бўйича суд амалиётини барқарорлаштиришга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, фуқаролик қонунчилигида форс-мажор ҳолатига оид ҳуқуқ нормаларининг диспозитивлик тамойили асосида белгиланиши мақсадга мувофиқ ва бу самарали ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ яна бир масала шундан иборатки, қонун чиқарувчи форс-мажор ҳолатига оид Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмида белгилаб берган ҳуқуқ нормаси фақат тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган. Зеро, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ таваккалчилик асосида амалга ошириладиган ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда)

олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятдан иборат бўлганлиги сабабли, улар турли-туман мушкул вазиятларга дуч келадилар. Жумладан, чет эл валютаси курсининг тебранишлари, миллий валюта девальвацияси, бозорда товарлар ва маҳсулотлар нархларининг тўсатдан ошиши, қарздорга нисбатан учинчи шахсларнинг ноинсофлик билан қилган хатти-ҳаракатлари, бозорда товарга бўлган талабнинг йўқолиши, молиявий зарар кўриш, банкротлик каби кўплаб вазиятларда тадбиркорлик субъектлари ўз мол-мулкларини таваккал қилиб фаолият юритадилар. Шу нуқтаи назардан олганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг таваккалчиликларидан ташқарида юзага келган форс-мажор ҳолатлари оқибатида улар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажара олмаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилиши адолатли ҳисобланади. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти субъектларидан ташқари фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари, жумладан, фуқаролар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, хайр-эҳсон жамғармалари ва олий таълим муассасалари кабилар ҳам борки, уларнинг форс-мажор ҳолатига оид ҳуқуқий норманинг таъсир доирасига кирмаслиги фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқий бўшлиқни юзага келтиради.

Фуқаролик қонунчилигининг форс-мажор ҳолатига оид нормалари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг барчасига нисбатан бир хилда қўлланиши билан бир пайтда, миллий ҳуқуқ тизимига форс-мажор ҳолатига "инсофли асосда қарши туриш" тушунчаси киритилиши ва ушбу тушунча нафақат фуқаролик қонунчилиги, балки қонунчиликнинг бошқа тармоқ – турлари доирасида ҳам кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, "инсофли асосда қарши туриш" тўғрисида гапирганда, қарздорнинг форс-мажор ҳолати оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарларни замонавий илм-фан ва техника воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда минималлаштиришга қаратилган чораларни кўрганлиги тушунилади. Масалан, иссиқхонада етиштирилаётган ва шартнома асосида харидордан олдиндан тўлови олинган помидор ҳосилини тўсатдан газ босимининг пасайиши ва об-ҳавонинг кескин совиб кетишидан сақлаб қолиш учун "инсофли асосда қарши туриш" мумкинми? Албатта, ушбу саволга "ҳа" деб жавоб бериш мумкин ва бу "инсофли асосда қарши туриш" бўйича қарздор томонидан тегишли чоралар кўрилганлигини англатади. Бизнинг фикримизча, қарздор форс-мажор ҳолатига "инсофли асосда қарши туриш" учун қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт, жумладан биринчи навбатда, дарҳол кредиторни юзага келган форс-мажор ҳолати тўғрисида хабардор қилиши, иккинчи навбатда, тезда мажбуриятни бажаришнинг муқобил вариантларини излаши, учинчи навбатда, етказилиши мумкин бўлган зарардан ошмайдиغان қарши туриш харажатларини амалга ошириши орқали зарарларни минималлаштиришга эришиши лозим. Бизнинг фикримизча, қарздорнинг форс-мажор ҳолатига "инсофли асосда қарши туриш" ҳаракатлари "эҳтиёткорлик", "ғамхўрлик", "оқилоналик" ва

"қатъиятлилиқ" тамойиллари асосида амалга оширилиши ва ушбу тамойиллар ҳам фуқаролик қонунчилигида ўз аксини топиши лозим.

Форс-мажор ҳолатини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда, аввало, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Чунки, юридик фанда ҳозиргача фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Масалан, О.С.Иоффе "фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – бу ҳуқуқбузарга нисбатан янги ёки қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни юклаш шаклида салбий оқибатларга олиб келган ҳуқуқбузарликлар учун жазо", дея таъкидласа, А.А.Ветрова ўзининг тадқиқотларида "И.Н.Петров фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мулкӣ, компенсациявий, ҳуқуқи бузилган шахс фойдасига санкцияларни қўллаш натижаларига эришиш, тарафларнинг келишув имкониятини таъминлаш, санкциялар қўллашнинг кредитор ихтиёрига боғлиқлиги, жавобгарликни ҳуқуқбузарнинг ихтиёрий қабул қилиш имконияти каби ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтилганлиги" тўғрисида фикрлар билдирган. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юзага келтирадиган ҳуқуқбузарлик нафақат объектив ҳуқуққа зид бўлган факт маъносига эга, балки у ҳуқуқбузар (айбдор)нинг жамият ёки алоҳида фуқаро манфаатларига нисбатан маълум бир салбий муносабатини билдиради, дейиш мумкин. Бундан кўринадики, умумий қоидага кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик айбдор бўлганда юзага келади ва шу сабабли, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик айбдорлик тамойилига асосланиши керак, деган фикрлар устунлик қилиб келмоқда. Бироқ, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари, шу жумладан, Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими доктринасида айбсиз фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бу форс-мажор ҳолатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш асосларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан кенгроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, форс-мажор ҳолатига оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ҳуқуқни қўлловчилар, жумладан, судьялар томонидан форс-мажор ҳолатига оид ҳуқуқ нормаларининг тўғри, аниқ ва бир хилда талқин қилиниши, шунингдек, форс-мажор ҳолатининг мазмун-моҳияти ва юридик табиатини тўла англаб олинишига хизмат қилади.

Холмурод ИСАНОВ,

*Тошкент давлат аграр университети
доценти, юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грушевская Е.В. Императивность в гражданском праве: понятие и правовая природа. <https://cyberleninka.ru/article/n/imperativnost-v-grazhdanskom-prave-ponyatie-i-pravovaya-priroda/viewer>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://old.lex.uz/docs/111189>
3. Иоффе О.С. Избранные труды: в 4 томах. Том 3. Обязательственное право. СПб. 2010. С.197.
4. Ветрова А.А. Понятие и сущность гражданско-правовой ответственности // Философия права. 2013. № 3. С.22.

КОРРУПЦИЯ ИЛДИЗЛАРИ: МУАММО ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада коррупциянинг илдишлари ва у қардан бошланиши таҳлил қилинган. Муаллиф коррупциянинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар – шахсий тарбия, таълим тизими, ҳуқуқий муҳит, иқтисодий тенгсизлик ва ижтимоий нормалар каби жиҳатларни ёритган. Мақолада коррупцияни фақат ташқи чоралар билан эмас, балки ички маданият ва қадриятлар асосида бартараф этиш зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупция илдишлари, ҳуқуқий тизим, таълим, иқтисодий тенгсизлик, жамият, ҳалоллик, фуқаролик назорати, оммавий ахборот воситалари, ахлоқий қадриятлар.

Коррупция – бу жамиятни ич-ичидан емирадиган, иқтисодий тараққиётга, ижтимоий адолатга ва ҳуқуқий тизимга жиддий зарар етказадиган глобал муаммо. Қўллаб-қамраб мамлакатларда бу иллатта қарши курашиш учун қонунчиликдан тортган таълим тизимигача турли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо, савол туғилади: коррупция аслида қардан бошланади? Унинг илдишлари қарда? Бу саволларга жавоб топиш коррупцияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга.

Коррупциянинг энг чуқур илдишлари инсоннинг ички дунёсида ётади. Ҳалоллик, виждон, масъулият каби қадриятлар болаликдан шаклланади. Агар оила, мактаб ёки жамиятда ушбу қадриятлар етарли даражада ўргатилмаса, инсон ахлоқий чекловларни эътиборсиз қолдира бошлайди. Коррупцияга мойиллик тарбиянинг сустлиги, жамиятда ҳалол меҳнат эмас, “йўлини топиш” қадрланганда шаклланади.

Коррупциянинг илдишларидан бири – таълим тизимидаги муаммолар. Агар ёш авлод мактаб ёки университетда билим эмас, баҳо учун пора беришни одатий ҳол деб билса, бу келажакдаги коррупцион муҳитни яратди. Сифатли таълим олиш учун адолатли тизимнинг йўқлиги, кўпчиликни “ўз йўлини топишга” ундайди. Таълимдаги коррупция бошқа соҳалардаги коррупциянинг бошланиш нуқтасига айланади.

Адолатли ва мустақил суд тизими йўқлиги, қонун устуворлигининг таъминланмагани коррупциянинг илдиш отишига шароит яратди. Қонун олдида ҳамма тенг бўлмаган жойда, мансабдор шахслар ўзлари жазосиз қолишига ишонч ҳосил қилса, коррупция тез тарқалади. Жазодан қўрқмаган одам қинғир йўлга осонлик билан кириб боради.

Агар коррупция узок йиллар давомида жамиятда одатий ҳол сифатида қабул қилиниб келинган бўлса, бу ҳолат ижтимоий норма даражасига кўтарилади. Инсонлар “ҳамма шундай қилапти” деган фикр билан пора беришни ёки олишни тўғри деб ҳисоблай бошлайди. Бу эса коррупцияни илдишдан сугуриб ташлашни янада мураккаблаштиради.

Коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти муҳим рол ўйнайди. Агар матбуот эркин бўлмаса ёки фуқаролар коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар беришга журъат этмаса, бу иллат яширинча давом этаверади. Назоратнинг сустлиги коррупция илдишларининг чуқурлашишига олиб келади.

Коррупция феномени юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу иллат кўп омилларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасида юзага келади. Транспаренсий Интернационал (2023) томонидан тузилган Коррупция индекси (СПИ) унинг давлат бошқаруви ва фуқаролик ишончига бевосита таъсир қилувчи омил эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, бу индекс коррупциянинг юқори даражадаги сиёсий иродасизлик ва назорат механизмининг заифлиги билан боғлиқ эканлигини ҳам кўрсатади.

Роберт Клиттард ўзининг машҳур – “Коррупция = Имконият + Дискреция – Ҳисобдорлик” формуласи орқали коррупциянинг институтлар ва бошқарувдаги мувозанат етишмаслиги натижасида вужудга келишини тушунтиради. Унга кўра, очик, ҳисобдор ва шаффоф бошқарув тизимлари коррупция даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Маҳаллий муаллифлардан Ғ.Жўраев коррупция муаммосини Ўзбекистонда давлат хизматидаги ахлоқий қадриятлар билан боғлаб ўрганади. У порахўрликнинг кенг тарқалишини айнан жамиятда ҳалоллик ва адолат тамойилларининг кучсизлиги билан изоҳлайди.

Таълим тизимидаги коррупция ҳақида ёзган тадқиқотчи С.Каримова эса ёш авлод онгига ҳалоллик тушунчасини шакллантириш таълимдан бошланиши лозимлигини таъкидлайди. У коррупциянинг илдишлари болаликда, ўқув муассасаларида пора бериш каби одатий ҳолатларни кўриш орқали шаклланишини қайд этади.

Шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва ОЕСД томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши сиёсат чоралари бугунги кунда халқаро миқёсда энг кўп қўлланилаётган ҳуқуқий асослар сирасига киради. Ушбу манбалар коррупцияга қарши курашда глобал тажрибани ўрганиш ва миллий сиёсатга мослаштириш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллار асосида аниқланишича, коррупция жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур сингиб кетган комплекс муаммо бўлиб, унинг илдишлари бирламчи даражада инсоний қадриятлар, тарбия ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ, ўрганилган адабиётлар ва мавжуд ҳолатлар

шуни кўрсатадики, коррупциянинг олдини олиш учун фақат жазолаш ва қонунчиликни кучайтириш етарли эмас. Унга қарши курашда тизимли, чуқур илдишларга қарата йўналтирилган ёндашув зарур.

Биринчидан, таълим тизими коррупция билан курашишнинг бошланғич нуқтасидир. Агар ўқувчиларга ҳалоллик, масъулият ва адолат тушунчалари болаликдан сингдирилмаса, улар катта ҳаётга кирганида коррупцияга мойил бўлиши эҳтимоли ошади. Бундай муҳитда ўсган инсонлар нафақат пора бериш, балки уни одатий ҳол сифатида қабул қилишга ўрганиб қоладилар.

Иккинчидан, қонун устуворлиги ва ҳисобдорлик тизимларининг заифлиги коррупциянинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Мавжуд қонунчиликда жазолаш механизмлари мавжуд бўлса-да, уларнинг амалда қўлланилиш даражаси пастлиги, адолат тамойилининг бузилиши аҳолининг давлат идораларига ишончини пайсаятиради.

Учинчидан, иқтисодий тенгсизлик ва ишсизлик каби омиллар фуқароларни норасмий йўллар орқали муаммони ҳал қилишга ундайди. Бу ҳолат айниқса хизмат кўрсатиш соҳаларида, тиббиёт ва таълим тизимларида яққол кўзга ташланади.

Тўртинчидан, жамиятда “коррупция — яшаш учун зарурат” деган нотўғри тасаввур шаклланиб. Ўз манфаатини ҳалоллик билан эмас, пора эвазига кўраётган инсонлар сонининг кўпчилиги коррупцияни ижтимоий норма даражасига кўтаради. Бу эса унга қарши курашишни янада мураккаблаштиради.

Шу сабабли, коррупцияни илдишдан йўқотиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш лозим:

- таълим ва тарбия орқали ҳалоллик маданиятини шакллантириш;
- қонунларнинг амалда ишлашини таъминлаш;
- иқтисодий ислохотлар орқали аҳоли фаровонлигини ошириш;
- фуқаролик назоратини кучайтириш ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш.

Хулоса қиладиган бўлсак, коррупция бу — фақатгина қонунни бузиш эмас, бу жамиятнинг маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий инқирозидир. У нафақат йирик ташкилотларда, балки оддий ҳаётимизда, кундалик қарорларимизда бошланиши мумкин. Шунинг учун унга қарши курашни юқоридан эмас, ичкеридан – ўзимиздан бошлашимиз зарур. Ҳалолликни қадрлайдиган, билимга таянган, адолатли устун қўядиган жамиятгина коррупция илдишларини қурита олади.

Уни фақат ташқи чоралар билан эмас, балки ахлоқий қадриятлар, ижтимоий онг, ҳуқуқий маданият ва иқтисодий омиллар даражасида бартараф этиш мумкин. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, коррупция билан самарали курашиш учун аввало шахсий ва ижтимоий даражадаги онгни ўзгартириш зарур.

Таълим ва тарбия орқали ҳалолликни қадрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий тенглик ва адолат тамойилларини амалда жорий этиш коррупцияга қарши курашнинг асосий таянчларидир. Шунингдек, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати кучайтирилмас экан, коррупция билан курашиш фақат юзаки чоралар билан чекланиб қолади.

Демак, коррупцияни енгиш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир ташкилот ва бутун жамият ўз улушини бажариши керак. Бу йўлда қатъият, тизимли ёндашув ва ҳалолликка содиқлик муҳим омиллардир.

Мухтор ХАКИМОВ,

Судьялар олий мактаби юристконсулти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Клиттард, Р. (1988). Сентроллинг Коррупцион. Университет оф Калифорния Пресс.
2. Транспаренсий Интернационал. (2023). Коррупцион Персептионс Индекс 2023. <https://shshsh.transparency.org>
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. (2003). Коррупцияга қарши конвенция. Нью-Йорк.
4. ОЕСД. (2021). Анти-Коррупцион анд Интегрити Гиделинес. Парис: ОЕСД Публишинг.
5. Жўраев, Ғ. (2020). “Ўзбекистонда давлат хизматида коррупцияга қарши кураш муаммолари ва истисқоблар”. Юридик фанлар журналы, №1, 45–52.
6. Каримова, С. (2019). “Таълим тизимида коррупция ва уни бартараф этиш йўллари”. Ижтимоий фанлар, №3(15), 66–70.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июндаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий сайти: <https://anticorruption.uz>
9. Қодиоров, М. (2022). “Коррупциянинг ижтимоий-психологик асослари”. Жамият ва бошқарув, №4, 33–39.

БОЛАЛАРНИ ТАЗҲИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда болаларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари таҳлил этилган. Муаллифлар давлат сиёсатининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни, Конституция ва махсус қонунларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича назарда тутилган кафолатлар, шунингдек, ҳорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам қўриб чиққан. Зўравонликдан жабр кўрган болалар учун алоҳида муассаса ташкил этиши ва ИИБ тизимидаги ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказларини такомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар берилган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, тазҳиқ ва зўравонлик, ҳимоя ордери, Конституция, инклюзив таълим, психологик ёрдам, ижтимоий ҳимоя, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.

Юртимизда бола ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган қонунчиликдаги ўзгаришлар, бола ҳуқуқларига нисбатан қонунчиликдаги муносабат ҳақида гапирадиган бўлсак, авваламбор, бола ҳуқуқларининг кафолатлари Конституцияимизнинг алоҳида бобида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 44-моддасида "боланинг соғлиғига, ҳафсизлиғига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига ҳавф солувчи, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари тақиқланади." –деб белгиланган.

Шунингдек, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминлаши белгиланди¹. Бу эса ногиронлиги бўлган болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча имкониятларни яратиш, уларнинг давлат томонидан бепул тарзда таълим олишини кафолатлаш ва жамиятнинг тўлақонли аъзо-си сифатида ўсиб улғайиб, камол топиши учун муҳим кафолатдир.

Барча болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида "Конституциянинг 78-моддасида фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу нормаларнинг эътиборли жиҳати шундаки, болаларнинг камол топиши йўлида зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширишни давлат ўзига мажбурият сифатида юкламоқда.

Демак, юртимиздаги ҳар бир бола ҳуқуқини таъминлаш давлат ва жамият олдидаги масъулият, яъни давлатнинг зиммасида бўлган асосий вазифалардан бири десак адашмаймиз.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларни маънан етук ва соғлом қилиб вояга етказишда тазҳиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, шу жумладан болаларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонлик шаклларининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш жамиятдаги ҳар бир давлат органи, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахсларнинг вазифасидир.

Мамлакатимизда болаларни тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир 2024 йил 24 ноябрь куни "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ 996-сонли қонуни² қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш шакллари, кимларга ва қайси ҳолатларда ҳимоя ордери бериш тартиби мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса албатта болалар ҳимоясининг қонуний кафолатидир.

Психологик кўмак болаларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонликнинг олдини олиш ҳамда ундан зарар кўрган болаларни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди. Австралия, Канада ва Европа давлатларида болаларни ҳимоя қилишга оид психологик ёрдам марказлари жорий қилинган. Бу марказлар болаларни нафақат ҳуқуқий, балки психологик жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайди. Масалан, Австралиядаги "Kids Helpline" ташкилоти болалар

ва ёшларга телефон орқали ёрдам кўрсатиш хизмати³ билан шуғулланади. Канадада "Child Protection Services" маркази болаларни ҳар хил зўравонликдан ҳимоя қилиш учун психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатади⁴.

Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган болалар билан зўравонликдан жабр кўрган болаларнинг руҳияти бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун зўравонликдан жабр кўрган болалар учун Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари агентлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошида "зўравонликдан жабр кўрган болалар учун муассаса" ташкил қилиб, оилада ҳамда жамиятда зўравонликдан жабр кўрган ёки зулм таъсири остида қолган болаларни 1 ойдан 3 ойгача бўлган муддатга муассасага жойлаштириш ҳамда уларнинг психологик ҳолатини ўрганиб, депрессиядан чиқариш чораларини кўриш, уларга психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирда амалда мамлакатимизда зўравонликдан жабр кўрган, зулм остида қолган болаларни жойлаштириш масканлари йўқлиги сабабли, ИИБ тасарруфида бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказларида тазҳиқ ва зўравонликдан жабр кўрган болалар учун алоҳида хона ташкил қилиб, уларга психологик ёрдам кўрсатишни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз. Бунинг учун ўз навбатида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ 263-сонли қонуни⁵нинг 12-банди 1-қисми тўртинчи хат-бошисини қуйидаги таҳрирда баён қилиш тақлиф этилади:

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

-зўравонлик ва тазҳиқдан жабр кўрган болаларни махсус хонага жойлаштириб, зарур психологик тренинглар ёки психологик кўмак берилишини таъминлаш.

Тўртинчи хатбошини бешинчи хатбоши деб ўқиш.

Шунда биз юртимизда, ҳар бир вилоят марказларида тазҳиқ ва зўравонликдан жабр кўрган болалар учун алоҳида хона ташкил қилиб, уларга зарур психологик ва ижтимоий кўмак берилишига эришган бўлар эдик.

Дилфуза ОРТИҚОВА,

фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси,

Аброржон Садиров,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир). – Тошкент: Адлия вазирлиги нашри, 2023.
2. "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун. 24.11.2024 й., №ЎРҚ-996.
3. Kids Helpline Australia. <https://kidshelpline.com.au>
4. Child Protection Services Canada. <https://www.canada.ca/en/services/child-family/child-protection.html>
5. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун. 29.09.2010 й., №ЎРҚ-263.

ОСИЁНИНГ ЖСТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Осиё мамлакатларининг ЖСТ аъзоси сифатида савдо низолари, протекционизмга қарши курашиб, эркин савдо қоидаларини муҳофаза қилувчи мамлакатлар сифатида АҚШнинг тарифлар урушига қаршилик кўрсатиб, наинки ўз иқтисодиётини, балки жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб, космик фазони ҳам ишлаб чиқариш мақсадларида забт этаётганликлари билан бутун дунёга машҳурлигини ифодалаб, савдо сиёсатида халқаро савдо ўзаро манфаатли бўлиши керак, деган тамойилни муҳофаза қилаётганликлари (Хитой, Ҳиндистон, Япония ва бошқалар) таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ЖСТ, Осиё минтақаси, эркин савдо, савдо урушлари, АҚШнинг савдо тарифлари, космик фазо.

Ҳозирги даврда савдо урушлари авж олиши жараёнида Осиё мамлакатларининг ЖСТда қандай ўринга эга эканлиги билан бог-лик муҳим савол юзага келади.

Мазкур саволга жавоб беришдан аввал, шуни инобатга олиш зарурки, Осиё мамлакатлари қуйидаги хусусиятга эга:

улардаги глобал ишлаб чиқариш тармоқлари ва таъминот занжирлари ҳозирги замон талабларига мослаштирилган бўлиб, техник стандартлар ва иштирокчилари олдида муайян ва аниқ вазифалари белгиланган мамлакатлардир;

улар томонидан олиб борилаётган савдо ва саноат сиёсатининг иқтисодий оқибатлари мамлакатларнинг иқтисодиётини кўтаришга мадад бермоқда;

минтақавий савдо бошқарувининг ривожланаётган архитекту-раси – эркин савдо битимларининг тарқалиши ва минтақавий йи-рик келишувларга бирлашишга урунишларга эга;

жаҳон савдо бошқарувининг ҳолати ЖСТ ва ислохот бўйича тақлифларга асосланган.

Осиёнинг жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий аҳамиятини ҳис-собга олсак, унинг ушбу масалалар бўйича қандай фикр юритиши ва ҳаракат қилиши глобал савдо тизимининг келажақдаги шаклига таъсир қилиши мумкин. Бу борада ЖСТнинг собиқ Бош директори Паскаль Лами шундай деб ёзган:

“Осиё савдо орқали ривожланишнинг муваффақиятли модели бўлиб, бутун дунё бўйлаб кўплаб бошқа мамлакатларни илҳомлан-тиришда давом этишга шубҳа йўқ. Жаҳон иқтисодиётидаги муҳим иқтисодий ва савдо салмоғи билан Осиё келажақда кўпроқ масъу-лиятни ўз зиммасига олиши ва глобал савдо тизимида етакчиликни кўлга киритиш имкониятига эга”¹.

ЖСТнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики мамлакатлар АҚШнинг ўзга мамлакатларга нисбатан тарифлар соҳасида қилаёт-ган ҳужумкор сиёсатидан жабрланаётганлигидан дарак бермоқда. Аслида АҚШга ҳам бу сиёсат наф бермаяпти. Чунончи, АҚШ иқти-содиёти 2025 йилнинг биринчи чорагида 0,3 фоизга қисқарди, бу уч йил ичида биринчи пасайиш, асосан, Трамп давридаги тарифлар туфайлидир. Хитойнинг ишлаб чиқариш фаолияти 16 ойлик энг паст даражага тушиб кетди, Тайван ялпи ички маҳсулоти тарифдан олдинги технология экспорти бўйича 5,4 фоизга ўсди. Европа та-рифлардан олдин 0,4 % ўсишни кўрди, Канадада эса ЯИМ бўйича ҳисоб-китоблардаги даромад бурумадга айланди.

Иқтисодий ўсишнинг потенциал секинлашиши тарифлар оқибатида АҚШ ҳукумати учун қисқа муддатли даромад келти-риши мумкин бўлса-да, уларнинг узоқ муддатли таъсири кўпроқ зарар келтириши мумкин. Иқтисодчиларнинг оғохлантириши-ча, савдо уруши глобал савдонинг секинлашишига, истеъмол нархларининг ошишига ва Қўшма Штатларда потенциал таназ-зулга олиб келиши мумкин. Хусусан, савдо урушлари глобал таъминот занжирларининг бузилиши ва компанияларни ўз стратегияларини қайта қўриб чиқишга мажбур қилиши мумкин,

баъзилари эса ишлаб чиқаришни асосий бозорларга яқинлашти-ришни ўйлайди². Энг муҳими, Трампнинг савдо сиёсати халқаро савдо ўзаро манфаатли бўлиши керак, деган тамойилни очиқ-дан-очиқ рад этишини ифодалайди³.

Осиёнинг оралиқ савдодаги улуши ортиб бормоқда. Товар-ларга жисмоний инфратузилмани яхшилаш билан ёрдам берилди ва логистика хизматлари, ахборот ва коммуникациянинг жадал ривожланиши технология ва савдо тўсиқлари ҳамда савдо хара-жатларини туширади, буларнинг барчаси мавжуд савдо ва тўғри-дан-тўғри хорижий инвестициялар кенгайишига ёрдам берди.

Иқтисодий бошқарув глобал таъминот занжири савдоси ҳамда глобал ишлаб чиқариш тармоғининг шаклланиши ишлар ва таъми-нот занжирлари дунёнинг огирлик марказини ўзгартирди. Осиё-нинг асосий ривожланаётган иқтисодлари, жумладан, даромад келтирган Хитой (ХХР), Индонезия, Корея Республикаси ва Таиланд – Қўшма Штатлар, Германия ва Япония таъминот занжирларининг бир қисми эди. ЖСТ янги қоидаларга бўлган эҳтиёжни қондирма-ганлиги таъкидланади: савдо, инвестиция, интеллектуал мулк ва бошқаларнинг ўзаро боглиқлигини тартибга солишчи хизматлар. Ушбу қоидаларни кўп томонлама даражага олиб чиқиш учун янги халқаро ташкилот: “ЖСТ 2.0”ни яратиш керак⁵.

Жаҳон савдо тизими шакли – глобал ва минтақавий таъ-минот занжирларини яхшироқ ҳисобга олиши керак, чунки бу ходиса давлатлар бир-бири билан савдо ва тўғридан-тўғри инвес-тициялар орқали ўзаро ҳамкорликни қандай қилиб ўзгаришини белгилайди. Бундан ташқари, оралиқ маҳсулотларни экспортга жўнатиш учун якуний маҳсулотни йиғиш масаласи муҳим аҳа-ми-ят касб этади. Бу шуни англатадики, импорт савдо мамлакатла-ри учун экспорт қилиш аҳамиятли омил сифатида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий фаолиятда мустаҳкам тўлдирувчи алоқани назарда тутати ва улар ушбу қиймат занжирларининг таркибий элементига айланади.

Сатоши Иномата таъкидлашича, савдо урушидан аввал ишлаб чиқаришни тақсимлаш бўйича глобал келишувлар билан шуғулла-надиган мамлакатлар учун Осиё халқаро экспорт-импорт ҳадвал ўртасидаги қўшилган қиймат савдо шакллари хариталаш имко-нини беради. Булар орасида бошқа имтиёзлар, қўшилган қиймат савдоси ёндашуви бир нечта ҳисоблашдан қочади, савдо оқимла-рини ўрганиш ва ўзаро савдони янада реалроқ тасвирлаш имкони-ни беради, бу эса глобал ишлаб чиқаришни тақсимлаш самарадор-лигини оширади. Қўшма Штатларнинг ХХР билан савдо камомади қўшилган қиймат савдоси ёндашуви ҳажми каби долзарб халқаро муаммолар ҳақида янги тушунчалар беради.

Сатоши Иномата таъкидлайдики, қўшилган қиймат савдосидан фойдаланган ҳолда, Қўшма Штатларнинг савдо камомади ХХР би-лан аънавий савдо статистикаси кўрсаткичидан паст бўлади⁶.

Бундан ташқари, яхши савдо сиёсатини ишлаб чиқиш микро-техник микрочип воситалардан фойдаланишни ҳам талаб қилади.

Уларнинг турли ролини тушуниш учун ишлаб чиқариш тармоқларидаги фирмалар корпоратив сўровлар даражаси асосида маълумотларни йиғиб таҳлиллар ўтказиши ва истъомчилар учун янада сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиш технологиялари устида тинимсиз ишлашга тўғри келади. Албатта, фирмалар техник ва самарадорлик жиҳатидан фарқланади ва тегишли тармоқларга жалб қилинганда доимий ва ўзгарувчан харажатлар фирмаларнинг фаолиятини таққослаганда мутаносиб бўлмайди. Шунга кўра, уларнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги ва бошқалардан фарқ қилиши ишлаб чиқариш тармоқларида уни қайси йўналиш бўйича иштирок этишини шакллантиради.

Ганешан Вигнаража "Таъминот занжирига қўшилиш: қатъий даражадаги истиқбол" деган мавзунини таҳлил қилиб, таъминот занжирига қўшилишнинг қиёсий, фирма даражасидаги таҳлилини амалга ошириб, Осиёдаги чегаралар бўйлаб ишлаб чиқаришнинг парчаланиши ҳақидаги тушунчани яхшилаш учун Жануби-Шарқий Осиёнинг бешта иқтисодида таъминот занжирига қўшилишнинг қиёсий, қатъий даражадаги таҳлилини ўтказди. Унинг таъкидлашича, компания ҳажми (кириш харажатларини енгиш учун миқёс иқтисодини акс эттирувчи) таъминот занжирларига қўшилиш учун муҳим аҳамиятга эга, йирик фирмалар Осиёда ҳукмрон роль ўйнайди. Шу билан бирга, кичик ва ўрта корхоналар таъминот занжирини фаолиятига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги бандлик ёки ЯИМ ҳиссасига нисбатан кичик ҳисса қўшадилар.

Бироқ, фирманинг катталиги бу ҳали бутун ҳикоя эмас. Самарадорлик, хусусан, технологик имкониятлар ва кўникмаларни шакллантиришга инвестициялар ва тижорат банклари кредитидан фойдаланиш таъминот занжирларига қўшилишда ҳам таъсир қилади. Ҳукуматлар КЎБ (таъминот занжирларини бошқариш) учун бозорга йўналтирилган стратегия, замонавий жисмоний инфратузилма, соддалаштирилган бюрократик тартиблар ва сифатли бизнесни қўллаб-қувватлаш хизматлари орқали КЎБ корхоналарининг таъминот занжирларига қўшилишига кўмаклашиши мумкинлигини таъкидлашди.

"Самарали саноат сиёсати ва глобал қиймат занжирлари" мавзуси саноат сиёсатида турли ёндашувларни кўриб чиқишини талаб қилади. Мавзунини таҳлил қилган баъзи бир иқтисодчилар глобал қиймат занжирлари контекстида унга урғу берадилар, баъзилари бошқалардан кўра кўпроқ уни истиқболли, деб ҳисоблайдилар. Имкониятларни аниқлаш учун ички бозорлар ҳажми, ресурслар билан таъминланганлик ва мамлакатга хос шароитлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги шубҳасиздир. Бундан ташқари, саноат сиёсатини амалга ошириш ҳукуматнинг мустаҳкам имкониятларини (техник, таҳлилий ва операция) ривожлантириш ҳамда хусусий сектор ва нодавлат субъектлар билан яқин муносабатларни йўлга қўйиш орқали юмшатиш мумкин бўлган ҳукумат муваффақиятсизликлари хавфини ўз ичига олиши таъкидланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Осиёнинг ЖСТдаги ўрни ва аҳамияти куйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

Осиё-Тинч океани минтақаси (ОТО) глобал аҳамиятга эга ишлаб чиқариш ресурсларини назорат қилади ва энергия ресурсларига асосий талабни шакллантиради;

савдо бозорлари нуқтаи назаридан эътибор, шунингдек глобал таъминот занжирларида тобора муҳим роль ўйнайдиган Осиё-Тинч океани минтақасига қаратилмоқда;

минтақада дунёдаги 15 та йирик молия марказларидан 6 таси жойлашган;

жаҳон иқтисодий, молиявий, ишлаб чиқариш ва технологик марказ Шарққа, асосан Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларига силжимоқда. Осиё 2010 ва 2020 йиллар оралиғида глобал ялпи ички маҳсулотининг 52 фоизини ташкил қилган. Сўнгги йигирма йил ичида у глобал савдо ўсишининг 59 фоизини, ишлаб чиқаришнинг 53 фоизини ташкил қилган⁸. Минтақа нафақат ўз иқтисодиёти, балки бутун дунё иқтисодиёти келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнашга қодир;

космик маконни эгаллашда Осиё мамлакатлари ҳам ўзининг космик дастурларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар (Хитой, Ҳиндистон⁹ ва Япония). Уларнинг асосий мақсади келажада сайёралар ва астероидлардан ноёб қимматбаҳо металллар ва Гелий-3 изотопини қўлга киритишдир. Чунотчи, Япония ҳозирги вақтда махсус космик лифтни куриш дастурини амалга оширмоқда ва бу объект нанотузилмаларга эга бўлган материаллардан ташкил топиб, узунлиги, яъни баландлиги 400 км бўлиши мўлжалламоқда¹⁰, Хитой эса Марсни забт этиш дастурини амалга ошириш пайида¹¹.

ЖСТ ташкилотидан эса бу мамлакатлар савдо сиёсатида халқаро савдо ўзаро манфаатли бўлиши керак, – деган тамойил муҳофазасида турган ЖСТ аъзолари сифатида ўзларини намоён қилиб, савдо урушларига қаршилик кўрсатмоқдалар.

Мамлакатимиз ҳам Осиё мамлакатларидан ўрнат олиб, уларнинг иқтисодий ривожланиши, техника ва технологияларни ривожлантириши, халқаро савдода ноўрин протекционизм ҳолларига чек қўйиши ва савдо бозорлари учун рақобатдош, сифатли маҳсулатларни чиқарувчи мамлакатга айланишига умидвормиз. Шунда Ўзбекистон ЖСТда ўзининг нуфузли ўрнини топиши муқаррардир.

Миродилжон БАРАТОВ,

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти

бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор,

Равшан ХАКИМОВ,

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими,

юридик фанлар доктори, доцент,

Бори АКРАМХОДЖАЕВ,

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими,

юридик фанлар номзоди, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Regulation of investment and competition, transparency in government procurement and simplification of trade procedures. The decision to launch work in these areas was made at the WTO Ministerial Conference in Singapore in 1998// <https://inter-legal.ru/ob-istorii-dohijskogo-raunda-mnogostoronnihtorgovyyhperegovorov-vsemimnoj-torgovoj-organizatsii-period-2001-2010-gg>.
2. Declaration on the TRIPS agreement and public health. [Электронный ресурс] // URL: https://www.wto.org/english/thewto_e/minist_e/min01_e/mindecl_trips_e.htm
3. Implementation-related issues and concerns. [Электронный ресурс] // URL: https://www.wto.org/english/thewto_e/minist_e/min01_e/mindecl_implementation_e.htm
4. Richard Baldwin, Masahiro Kawai, Ganeshan Wignaraja. A World Trade Organization for the 21st century. The Asian Perspective//Edward Elgar Publishing, Inc. William Pratt House 9 Dewey Court, Northampton Massachusetts 01060, USA. - 2013.-P.2.
5. Қапанр: <https://rcsrgs.org/publications/blog/the-impact-of-donald-trump-s-tariffs-on-global-trade-and-the-u-s-economy>
6. Қапанр: <https://lens.monash.edu/@business-economy/2025/02/06/1387329/trumps-tariffs-escalating-trade-wars-and-shifting-global-trade-dynamics>
7. Қапанр: <https://www.mckinsey.com/mgi/overview>.
8. Қапанр: <http://isro.gov.in/Launchvehicles/GSLV/gslv.aspx>.
9. Қапанр: http://www.kantei.go.jp/jp/singi/utyuu/keikaku/pamph_en.pdf.
10. Қапанр: http://news.xinhuanet.com/english/china/2011-12/29/c_131333479.htm.

МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада демократик жамиятда ҳуқуқий давлат тамойилларининг барқарор ривожланишида маъмурий тартиб-таомиллар институти муҳим ўрин тутуши таҳлил қилинади. Хусусан, давлат бошқаруви жараёнида қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатлар орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда қонун устуворлиги, адолат, асосланганлик ва аниқлик тамойилларининг тўлиқ намоён бўлиши зарурлиги асослаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги” қонуни асосида маъмурий ҳужжатларнинг ҳуқуқий моҳияти, уларни расмийлаштиришда йўл қўйиладиган типик камчиликлар, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ва ушбу камчиликларни бартараф этишнинг процессуал механизмлари ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий акт, маъмурий тартиб-таомил, принцип, аниқлик, маъмурий орган, маъмурий шикоят.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасига асосан, маъмурий орган маъмурий ҳужжат ёзувидаги йўл қўйилган хатоларни ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт. Мазкур жараён икки хил тартибда амалга оширилиши мумкин:

- маъмурий орган ташаббусига кўра;
- манфаатдор шахснинг илтимосига биноан.

Бунда агар қабул қилинган маъмурий ҳужжатда имловий хатолар мавжуд бўлса, у тегишли орган томонидан бартараф этилиши лозим. Чунки, қабул қилинган маъмурий ҳужжат аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш тартиб-таомиллари фақатгина “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасидаги кўринишда акс этган бўлиб аксарият тартиб-таомиллар билан боғлиқ ечимлар қонунчиликда мавжуд эмас. Бу эса соҳада қўшимча тадқиқотлар ўтказиш ва қонунчиликни такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Хусусан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлик, ишонччилик принципларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бориши улар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонуний ва аниқ бўлиши билан узвий боғлиқдир. Чунки, вужудга келган маъмурий-ҳуқуқий муносабатнинг якуни натижасида маъмурий ҳужжат қабул қилинади. Шунинг учун ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар натижасида вужудга келган маъмурий ҳужжатлардаги хато ва камчиликларни аниқлаш, нафақат аниқлаш, балки, уларнинг олдини олиш ва тузатиш каби масалаларни ҳал қилмай туриб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконсиздир.

Бу борада маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги қонунчиликда маъмурий ҳужжатдаги камчиликларнинг меъёрий моҳияти ва унинг ҳуқуқий ҳолати қонунчилик нормаларида аниқ белгиланиши, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни аниқлашнинг аниқ тартиби-таомили белгиланиши лозим.

Айнан мазкур асосларнинг тўла бажарилиши ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши – маъмурий ҳужжат камчиликларини тўла бартараф этиш имконини беради.

Бу борада А.Б.Лисюткин фикрига кўра: “Маъмурий ҳужжатдаги хатоларни аниқлаш, олдини олиш ва тузатиш механизми – бу мансабдор шахслар фаолиятида йўл қўйиладиган маъмурий камчиликларни аниқлаш ва барча зарур профилактик чораларни кўришга имкон берадиган ўзаро келишилган воситалар ва усуллар тизимидир”¹. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда айтиш кераки, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш институти камида уч даражали мустақил фаолият сифатида шакллантирилиши лозим.

Биринчидан, муайян ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ўз хатосини мустақил равишда тузата олиши лозим, яъни ўз хатосини аниқлаб, унга баҳо бера олиши керак.

Иккинчидан, адресатнинг камчиликни бартараф этиш учун маъмурий органга тегишлича мурожаат қилиш имконияти яратилган бўлиши зарур.

Учинчидан, хато ва камчиликларни тузатиш ва бартараф этиш муддати ва тартиб-таомилларининг аниқ механизми қонун билан белгиланган бўлиши лозим.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасига² кўра Маъмурий орган манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра маъмурий ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тушунтириб бериши, шунингдек ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига дахл қилмаган ҳолда, ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра тузатиши шарт.

Айтиш лозимки, маъмурий ҳужжат унинг шакли ва мазмунига қўйилган талабларга жавоб бериши керак. Маъмурий ҳужжатда шакл ва мазмуннинг уйғунлигини таъминлаш орқали уларни талаб этилган даражада расмийлаштиришга эришиш мумкин. Бу талаблар: қонуний, асосланган, адолатли, аниқ ва тушунарли бўлишидир. Бироқ, мазкур қоидалар умумий бўлиб, жараённинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги аҳамиятининг нисбатига мос ҳолда махсуслаштирилиши, яъни қоидалар янада аниқ баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда, хориж тажрибасида маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида қонунийликни таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамияти катта. Бу борада таҳлил қилинаётган мавзуда ҳам Ўзбекистон маъмурий қонунчилигидаги энг катта камчилик – бу мазкур соҳада жамоатчилик назоратининг етишмаслиги ҳисобланади. Айнан жамоатчилик назоратининг бўлиши маъмурий ҳужжат сифатининг ортишига сабаб бўлади. Чунки, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қабул қилинган маъмурий ҳужжат айна бир аниқ шахсга ёки шахслар гуруҳига қаратилган бўлади. Шу сабабли адресатнинг мазкур масалага муносабати муҳим ҳисобланади. Аммо, ҳали-ҳанузгача маъмурий органлар томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатдаги камчиликларга қарши курашишда фуқаролик жамияти тузилмаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмайди.

Қонунчиликда мазкур масала бўйича асосий қадам айнан давлат ташкилоти органларининг фаолиятини “жамоатчилик назорати” асосида мувоzanатлаштириш бўлиши мумкин.

Энг аввало, ушбу ҳуқуқий тоифанинг таърифи қонунда алоҳида белгиланиши лозим. Маъмурий ҳужжатдаги камчилик деганда нима назарда тутилиши, фактик ва асосий белгилари ёритилиши керак. Бу борада шаклий ва қонуний камчилик назарда тутилиши ҳам мумкин.

Мурожаатлар сонининг кўплиги туфайли уларнинг барчасини кўриб чиқишнинг иложи бўлмаслиги, жараённинг чўзилиши ортқича бюрократия ва харажатларга сабаб бўлиши мумкин, лекин жамоатчилик назоратининг мавжуд бўлиши жараён сифати ва тезлигига таъсир этиши аниқ.

Маъмурий ҳужжатдаги камчиликлар мурожаат этилиши билан имкон қадар қисқа муддатда бартараф этилиши лозим. Чунки, маъмурий ҳужжатнинг қабул қилинганлиги – фуқаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқи мавжудлигини англатади.

Ҳужжатнинг фуқаро учун аҳамиятидан келиб чиқиб, ундаги хатоликларни бартараф этиш муддати фуқаро манфаатига зарар етказмаслиги лозим.

Олимларнинг фикрига кўра идеал давлатдаги қонун ва адолат бир-биридан ажралмас бўлиши лозим³. Бу борада айнан жамоатчилик назорати иш олиб бориши керак, бунинг натижасида, фуқаролар муайян муаммолар атрофида бирлашиб, жамоат ташкилоти ёки ижтимоий ҳаракатга жамоавий шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин, бу эса муаммоларни, жумладан, маъмурий ҳужжатдаги хатолар марказини кўрсатиши мумкин. Натижада маъмурий органларнинг вазифаси содда-лаштирилади, бир масала бўйича бир нечта мурожаатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш муддати қисқартирилади. Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Биринчидан, муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ўз хатосини мустақил равишда аниқлаган пайтдан маъмурий органга мурожаат қилиши лозим, яъни ўз хатосини аниқлаганда камчиликларни бартараф этиш учун мурожаат қилиши адресатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказишнинг олдини олади ва қутилган зарарни имкон қадар камайтиради.

Иккинчидан, адресатларнинг камчиликни бартараф этиш учун маъмурий органга тегишлича мурожаат қилиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Учинчидан, хато ва камчиликларни тузатиш муддати ва тартиб-таомиллари қонун билан белгиланган бўлиши лозим.

Маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмини шакллантириш биз юқорида таҳлил этган шундай уч босқичли тузилмага асосланиши керак. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг муайян салбий натижасини маъмурий хатога йўналтириш учун асос, унинг таърифидан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг мақсадлари ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари ҳисобга олиниши керак. Бунда маъмурий ҳуқуқ механизмлари фаолият кўрсатиши учун хато ва камчиликларни аниқлаш ва тузатиш тартибини қонунчилик билан таъминлаш, тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, шу жумладан, жамоатчилик фикрини ҳам инобатга олиш зарур. Бу ерда ошкоралик, ижобий танқид, профессионал юридик фаолият каби ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни четга суриб қўймаслик соҳа ривожига истиқболни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу муаммони самарали ҳал қилиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Дастлаб, маъмурий ҳужжатни қабул қилишда камчиликка йўл қўймаслик механизмини такомиллаштириш лозим. Маъмурий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этишда бу борадаги профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, бу борада маъмурий орган ходимларининг етарлича малакага эга эканлиги соҳада ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки, камчиликлар, одатда, инсон омили таъсирида юзага келади. Маъмурий ҳужжатдаги камчиликлар эса, маъмурий орган ходимларининг ҳаракатлари натижасида содир этилади. Шу сабабли уларнинг иш фаолиятини яхшилаш камчиликларни қисқартириш учун муҳим омил бўлади. Шунинг учун бу борада давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш тартибларини қучайтириш яна бир профилактик чора бўлиб хизмат қилади.

Айнан шу мақсадда давлат хизматчиларини тайёрлаш, шу жумладан, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг пухта тизими йўлга қўйилиши лозим.

Хусусан, ишга қабул қилинган маъмурий орган ходимларининг малакаси доимий равишда ошириб борилиши, қонунчиликда содир бўлган ўзгаришлар, ўз кучини йўқотган ҳамда янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида доимий янгиланган маълумотлар бериб борилиши лозим.

Шунингдек, маъмурий ҳужжатдаги хатоларни бартараф этиш механизмининг индикатори маъмурий органлар фаолияти бўйича маъмурий регламентлар ва давлат ҳокимияти ижроия органларининг пухта тузилган маъмурий тартиб-қоидаларининг мавжуд бўлишидир.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг номувофиқлигини камайтириш ва амалдаги қонунчиликни тизимлаштириш, ҳуқуқий технологияларни такомиллаштириш талаб этилади. Яъни, маъмурий ҳужжатдаги хато ва камчиликлар юзасидан электрон тартибда мурожаат қилиш тартибини йўлга қўйиш ва ҳужжатдаги камчиликлар статистикасини юритиш лозим. Қонунчиликка бу механизмларнинг киритилиши қуйидаги ижобий ўзгаришларга олиб келади:

Биринчидан, айнан маъмурий ҳужжатларни электрон автоматик воситалар орқали қабул қилиш давлат органлари фаолиятининг самардорлигини мустаҳкамлайди ҳамда уларнинг бирлигини сақлашга, коррумпция хавфига қарши курашишга ёрдам беради.

Иккинчидан, маъмурий органларга нисбатан аҳолининг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Учинчидан, барча ташкилотлар ходимларининг ўз хизмат вазифаларини янада пухта олиб боришига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг бюрократик тўсиқларсиз, масофадан ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун шароит яратади.

Шунингдек, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасида маъмурий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 иш куни этиб белгиланган. Бироқ қонуннинг 12-моддасида⁴ белгиланган бюрократик расмийликка йўл қўймаслик манфаатдор шахснинг устунлиги принципларига зид келиб қолиши мумкин. Чунки, қабул қилинган маъмурий ҳужжат адресат қабул қилган пайтдан кучга кирган ҳисобланиб, унга нисбатан маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Камчиликларнинг мавжуд бўлиши эса, унинг ижросини кечиктириши ёки бошқача тарзда чекла-нишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда эса манфаатдор шахснинг ҳуқуқларига зарар етади. Шу сабабли, аризани имкон қадар қисқа муддат ичида аммо уч кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, замонавий-ҳуқуқий технологияларни соҳага жалб этиш, маъмурий ҳужжатни рўйхатга олувчи ягона электрон платформа яратиш лозим. Яъни, қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар билан бир-галикда тузилган маъмурий ҳужжатлар ва уларнинг статистикасини юритиб бориш ва домий очиқ эълон қилиб борилишини таъминлаш лозим. Бу инсон омилининг ва шу билан биргаликда маъмурий ҳужжатларда юзага келадиган хатоликларни, бундан ташқари, ҳужжат қабул қилишга сарфланадиган вақт ҳамда харажатларни тежаш имкониятини беради.

Сардорбек ЮСУПОВ,

*Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири,
юридик фанлар доктори, профессор.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лисюткин А.Б. Юридическое значение категории «ошибка»: теоретико-методологический аспект. С. 333.
2. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son
3. Бочарникова Н. А. Административная ошибка: правовое содержание, значение и основные направления преодоления : монография / Н. А. Бочарникова. – Воронеж : Издательско-полиграфический центр «Научная книга», 2013. – 180 с. ISBN 978-5-4446-0000-0.
4. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son

МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ ҚОЗИЛИК ВА АДОЛАТ ТЎҒРИСИДА: ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРБЛИК

АННОТАЦИЯ: мақолада ўзбек жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёниси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қозилик, суд адолати ва инсон қадрига оид ҳуқуқий-ахлоқий қарашлари таҳлил этилган. Муаллиф Беҳбудийнинг “Тарбия”, “Шуро” ва “Оина” нашрларида чоп этилган мақолалари, хусусан, қозилар фаолияти, ҳалоллик, шариатга мувофиқ, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик олдидаги масъулияти тўғрисидаги фикрларини замонавий ҳуқуқий модернизация жараёнлари билан таққослаб ўрганади. Унинг ғоялари бугунги суд ислохотлари, хусусан, инсон қадрини улуғлаш, суд органларига ишончни ошириш ва миллий ҳуқуқий онгни юксалтириш жараёнларида илмий-амалий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Калит сўзлар: Маҳмудхўжа Беҳбудий, қозилик, суд адолати, инсон қадри, ҳуқуқий модернизация, судья этикаси, жадидчилик, ҳуқуқий таълим.

Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланишида XIX–XX асрлар чорраҳасида яшаб ўтган ислохотпарвар зиёлилар, жумладан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўрни беқийс. Унинг фаолияти фақат маориф, театр ёки матбуот билан чекланиб қолмаган, балки у қозилик институти, адолат ва ҳуқуқий ислохотлар ҳақида ҳам илғор қарашларни илгари сурган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875–1919) – нафақат маърифатпарвар, журналист ва драматург, балки жамиятда адолат, ҳуқуқий онг ва замонавий қозилик тизимини шакллантириш масалаларига жиддий ёндашган ислохотчи ҳисобланади. Беҳбудийнинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар яратган эди. Бу ўз навбатида Маҳмудхўжага таъсир ўтказмай қолмади. У кейинчалик бу ҳақда сўзлаб, ҳатто мақолаларидан бирида отаси ёзган “Ҳидоя” (“Ислом ҳуқуқига шарҳлар”) асарининг ўз тақдирида катта роль ўйнаганини алоҳида қайд этган. 1912–1913 йилларда Беҳбудий Самарқандда “Самарқанд” газетаси, “Оина” журнаliga асос солади. Шунингдек, Беҳбудий ўзбек ва форс тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган.

Унинг 1901-йилдан бошлаб “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хуррият”, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Нажот”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Тирик сўз”, “Вақт”, “Самарқанд”, “Оина” каби газета ва журналларда чоп этилган мақолалари эса тараққийпарвар кишилар ва айниқса, ёшларнинг диққат-эътиборини қозонган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз ҳаёти давомида миллат, маърифат ва адолат учун курашди. Бироқ унинг бу кураши тоталитар, мустамлакачиликка мойил кучлар томонидан таҳдид деб баҳоланди. 1919 йил 25 март куни

Беҳбудий Шаҳрисабзда қўлга олинди ва қисқа муддатда Қаршига олиб борилиб, зиндонга ташланди. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғига биноан, у подшолик чорбоғи деб аталувчи ҳудудда қатл этилган. Афсуски, бу вафот ҳақидаги хабар бир йилдан сўнггина Самарқандга етиб борди. Бу нафақат жисмоний қатл, балки маънавий жиноят ҳам эди — чунки у миллатнинг ақл-заковатини, адолатга чақирувчи овозини ўчирди.

Манбаларга кўра, Беҳбудий ўлими арафасида издошларига васиятнома ёзиб қолдирган. Унда “Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингиз! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингиз!” . деб хитоб қилади улуғ маърифатпарвар сўнгги мактубида.

Беҳбудий учун қозилик – бу фақат фатво бериш эмас, балки жамиятда адолатни таъминлаш, халқ дардини тинглаш, қонунни билиш ва ҳукм чиқаришда маърифатпарварлик позициясини ушлаш демак эди. У қозилар замонавий билимларга эга, адолатпарвар, мустақил ва жамият эҳтиёжини аниқлайдиган шахслар бўлиши кераклигини таъкидлаган. Бу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Беҳбудий диний ва урф-одатларга асосланган суд тизимини танқид қилиб, қозиларнинг янги ҳуқуқий билимларга, фуқаролик ва жиноят қонунларига эга бўлиши зарурлигини ёзади. Шу билан бирга, у қозиларнинг чет эл ҳуқуқ тизимлари ва замонавий ислохотлар ҳақида хабардор бўлишини талаб қилади. Унга кўра, қози фақат фатво чиқариш эмас, жамиятда ҳуқуқий тартибни сақлаш учун етарли билим ва маданиятга эга бўлиши шарт.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қозилар (яъни ҳукм чиқарувчи шахснинг) одил ва замонавий қонунлардан бохабар бўлиши зарурлиги ҳақидаги ғоялари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. У қозиликни фақат диний-урфий ҳукм бериш эмас, балки адолат, маърифат ва жамият эҳтиёжларига мос фикр юритиш масъулияти сифатида кўрган. Беҳбудийнинг ҳуқуқий қарашларида инсон қадри, маърифат, эркин фикр, тенглик ва ижтимоий масъулият тарафдори эканлигини кўриш мумкин.

Жумладан, “Илмга эгалик инсоннинг энг табиий ҳаққи сифатида” талқин этилади, шунингдек, маорифни демократия ва эркинлик асоси деб билган ҳолда “Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз!”-деган мазкур фикрларни таҳлилий асосласак, унга кўра, жамиятда инсон қадри ҳурмат қилиниши, шахснинг ички ва ташқи озодлиги таъминланиши жамият тараққиётининг бош шарт ҳисобланган. Маҳмудхўжа Беҳбудий “Инсон илмсиз яшай олмайди” деган мазмунда таъкидлар экан, инсонни илм билан қуроллантиришни унинг қадрини юксалтириш йўли деб билган.

Бу ғоя Ислом фалсафасидаги “Аҳсану тақвим” (яъни, инсон Аллоҳ томонидан энг гўзал суратда яратилган) тамойилига таянади. Жадидлар

*Ўзбекистон –
шонли диёр,
Булбуллар
ишиқинда ёнар,
Ҳамма фаслинда
навбаҳор,
Эсар Жайхун
шамоллари.
Ибройим ЮСУПОВ*

ушбу дунёқарашни янги ижтимоий шарт-шароитларга мослаштириб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қадрини дунёвий асослар билан ҳам асослашга ҳаракат қилдилар.

Бехбудий маориф орқали инсонни юксалтириш, адолатли жамият куриш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга уринади. У каби таниқли жадидлар фаолияти, айниқса, судьялар, ҳуқуқшунослар ва ижтимоий фаоллар учун улкан маънавий ва амалий сабоқдир.

Бехбудийнинг қозилик ва адолатга оид фикрларида у қозининг адолатли бўлиши, нафсдан устун бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Замон талабларини англаш, фақат шаръий эмас, балки замонавий ҳуқуқий билимларга эга бўлиш зарурлигини таъкидлаган. Қозилик фақат ҳукм чиқариш эмас, балки халқ ишончини қозониш, ҳолислик, билим ва маданиятни талаб қиладиган касб сифатида баҳоланади. Ҳақиқий қозилик — фатво бериш эмас, инсоф билан муаммони ҳал этиш деган фикрни илгари сурган. Шу билан бирга қозининг мақоми ва жавобгарлиги хусусида ҳам ўз қарашларида "Қозилик — фақат диний шахслар ваколати эмас, балки юксак ҳуқуқий масъулиятга эга жамият хизмати" бўлиб, "Қози илмий салоҳиятга, адолат ва замон қонунларини билишга эга бўлиши шарт" — деган фикрлари бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бехбудий "Тарбия-и атфол" (1909) асарида адолат тушунчасини фақат судда эмас, балки ҳар бир фуқаро ҳаётидаги асосий мезон сифатида таърифлайди. Қозилар эса бу адолатни амалий тарзда ҳаётга татбиқ қилувчи инсонлар бўлиши шартлигини қайд этади.

Қозилик фақат ҳуқуқий билим эмас, балки маънавий масъулият ҳамдир. Бехбудий қозиларни халқ олдида ҳисобдор, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашувчи инсон сифатида тасвирлайди. Бу фикр уз давринг энг илғор ғояси эди. Шунингдек, — "Оина" газетасидаги мақолаларида (1913 йил, №4–6) қозилар ҳақида ёзиб, қуйидагича таъкидлаган: "Қози бўлмоқ деган ўзга юзлар олдида улғайиб юрмоқ эмас, балки халқ эшигида дарду арзу-ҳол тинглаб, ҳақ йўлини кўрсатмоқ демакдир." Унингча, "жаҳолатда қолган қози халқни тўғри ҳукмга етаклай олмайди". Жумладан, "Меъмори нафъ" мақоласида (1911) у шундай ёзади: "Қози сирасида бўлмоқчи бўлган шахс улуғ тажриба, турли мамлакат қонунлари, умуминсоний қадриятлардан бохабар бўлмоғи лозим." Бехбудий таълимотида қозиликнинг мақомига назар ташласак, у қозини дин хизматчиси сифатида эмас, балки жамият манфаатларини кўзлаган маърифатпарвар ва ҳуқуқшунос шахс сифатида баҳолайди. Қозиликнинг қадри адолат билан белгиланади, деб ёзган. "Таълим ва тарбия" асарида: "Ҳар бир қози муаллим каби жамиятни тарбия қилувчи, бир неча авлод тақдирига таъсир қилувчи маънавий масъулдир."

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, Бехбудийнинг фикрича, қозилик оддий расмий лавозим эмас, балки илмий салоҳият, кенг дунёқараш, тарбия ва маданият билан тўлдирилган касбдир. Қозининг шахсий фазилатлари унинг ҳуқуқий нуфузини белгиллаган. "Оина" нашридаги мақолаларида у қуйидагича ёзади: "Қози ҳар тарафлама билимли, адабиёт ва фалсафадан бохабар бўлмоғи керак. Чунки ҳар ҳукм — фақат қонун эмас, маърифатнинг ёруғи ҳам бўлмоғи лозим." Ушбу фикрлари бугунги кунда муҳим ва ўта долзарбдир.

Бехбудий суд-ҳуқуқ тизимида масъулиятни юксалтириш учун аввало ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, жамиятдаги ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши, судда уни ҳимоя қилиш имконига эга бўлиши шарт. Бу — ҳуқуқий давлатнинг тамал тошидир.

У қозиларнинг мустақил ва манфаатдор тарафлардан эркин бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Унингча, қозилар суд жараёнида ҳолис ва адолатли қарор чиқаришлари керак. "Қози ёки адолатсиз бўлса, фақат бир шахс эмас, бутун миллат зулмда қолади".

Бехбудий сингари шахслар бизнинг ҳуқуқий ва маънавий меросимиздир. Унинг қозиликка оид ғоялари бугунги суд-ҳуқуқ ислохотлари учун ҳам мафкуравий асос бўлиб хизмат қилади. У адолатнинг фақат китобда эмас, ҳаётда таъминланишини истаган қаҳрамон эди. 2025 йил — буюк маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати пешқадами, ислохотчи ва адолат сўзининг фидойиси Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган қарор асосида Бехбудийнинг бой илмий-маърифий меросини, ҳуқуқий ва маданий фикрлари, адолат, таълим ва озодлик тўғрисидаги ғояларини янада чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида бир қатор амалий ва маънавий лойиҳалар режалаштирилган. 2025 йил октябрь ойида Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида "Маҳмудхўжа Бехбудий мероси ва жадидлик ҳаракатини ўрганишнинг долзарб масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилади. Буюк мутафаккирнинг ҳуқуқий ғоялари асосида ҳуқуқшунослик, маориф, миллий қадриятларни тиклаш соҳаларида янги лойиҳалар ишлаб чиқилади. Шунингдек, ноябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий хотира кечаси ташкил этилади. Бу жараён Бехбудий сингари юрт фарзандларининг маънавий меросини янги авлодга етказишнинг таъсирли усулларида бири бўлади. Самарқанд шаҳрида жойлашган Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музеи ҳудудини ободонлаштириш ва музей экспозициясини бойитиш бўйича ҳам амалий ишлар белгиланган. Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига Маҳмудхўжа Бехбудий номи берилиб, махсус ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Бу нафақат ватанпарвар жадиднинг номи абадийлашуви, балки тарихий хотира ва фуқаролик фаҳрининг юксалишидир. Бехбудийнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг асарлари орқали ёш авлодни ватанпарварлик, адолатпарварлик ва маърифатга содиқ руҳда тарбиялаш — Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим маънавий устуворлик сифатида қаралмоқда.

Бехбудий шахсиятида қозилик фазилати, маърифатпарварлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик бирлашган. Унинг ҳаёти — фақат ўтмиш эмас, балки бугунги ҳуқуқий жамият учун сабоқдир. Қозилик ғоясини миллий қаҳрамонлик руҳи билан уйғунлаштирган Бехбудий каби сиймоларнинг тажрибаси — ҳар бир ҳуқуқшунос, судья ва жамият аъзоси учун ибратдир.

Фирюза МУХИТДИНОВА,

ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судьялар мақоми тўғрисида"ги Қонуни. – Т.: Адлия, 2021.
3. Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи ва Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музеини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 13.04.2021 йилдаги 206-сон <https://lex.uz/docs/5370794>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш" тўғрисида қарори, 27.12.2024 йилдаги ПҚ-462-сон <https://www.lex.uz/docs/7287373>
5. Бехбудий М. Тарбия, 1911–1915 йиллар сонлари. – Самарқанд: "Турон" нашриёти, қайта нашр.
6. Солиҳжонов Ш. Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. – Т.: Фан, 2012. – 168 б.
7. Қосимов Б. Жадидлар фаолияти ва ҳуқуқий фикрлар эволюцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 224 б.
8. Мухитдинова Ф.А. Инсон қадрини улуғлаш — суд ислохотларининг маънавий пойдевори. // Судьялар олий мактаби журнали. – 2023. – №2. – Б. 35–42.
9. Жумабоев Ҳ. "Қозилиқдан судьяликкача: тарихий-таҳлилий ёндашув". // Ҳуқуқ ва ҳаёт журнали, 2022, №4. – Б. 19–24.
10. Хамидов Б. Жадидларнинг ҳуқуқий мероси ва унинг замонавий интерпретацияси. – Т.: "Ҳуқуқий дунё", 2021. – 144 б.

ИҚТИСОДИЙ СУД ЖАРАЁНИДА ПРЕЮДИЦИЯ ИНСТИТУТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада иқтисодий процессуал ҳуқуқ соҳасида преюдиция тушунчаси, унинг моҳияти, хорижий мамлакатларда преюдицияни қўллашдаги умумий ва фарқли жиҳатлар таҳлил қилинган. Преюдициянинг суд ишларини самарали кўриб чиқишдаги ўрни ва суд қарорларининг уйғунлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: преюдиция, *res judicata*, *прецедент*, *исботлаш*, *далиллар*, *суд ҳужжати*, *процессуал тежамкорлик*, *тортишув тамойили*.

Одил судлов фаолиятида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш ва суд жараёнларида исботлаш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини янада ошириш борасида преюдиция принципи ўзига хос ўрин тутати.

Преюдиция — аввалги суд қарорларида белгиланган фактлар ва ҳуқуқий баҳолар кейинги ишлар учун мажбурийлиги, далил сифатида баҳоланиши ва қайта исботлашдан озод қилишни англатади. Бу эса суд тизимининг барқарорлигини, қарорларнинг изчиллигини таъминлашга, суд жараёнларини тезкор ва самарали юритишга ёрдам беради.

Бугунги кунда иқтисодий низолар сонининг ортиши, бизнес муҳитининг халқаро интеграциялашуви ва янги иқтисодий шароитлар суд қарорларининг аниқ ва самарали ижро этилишини талаб этмоқда. Преюдиция институтининг тўғри қўлланилиши суд жараёнларининг сифатини ошириш, ортиқча вақт ва ресурсларни тежаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур институт дунё мамлакатларида турли ҳуқуқий анъаналар ва процессуал нормалар асосида шаклланган. Замонавий глобаллашув жараёнларида ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги таъсир ва уйғунлашув, преюдиция институтларига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг моҳияти ва амалиётида янги тенденциялар намоён бўлмоқда.

Дунё ҳуқуқий тизимида преюдиция тушунчаси биз қўллайдиган далиллар ҳуқуқидаги исботлашдан озод қилиш институтидан ташқари, балки ундан бир мунча кенгроқ доирада мавжудлигини кўриш мумкин.

Умумий ҳуқуқ тизими (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия) мамлакатларида преюдиция институти “*res judicata*” доктринаси (*claim preclusion* – аввал ҳал қилинган низо қайта кўриб чиқилмайди) ва “*issue preclusion*” (*collateral estoppel* – аввалги ишда ҳал қилинган масала (*issue*) кейинги ишда тарафлар ўртасида қайта кўриб чиқилмайди) орқали амалга оширилади. Ҳар иккала тамойил ҳам суд ишларининг якунийлигини ва ресурсларнинг тежалишини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Континентал ҳуқуқ тизими (масалан, Германия, Франция, Япония) да моҳияти преюдицияга ўхшаш таъсирга процессуал кодексларда мустаҳкамланган “қарор авторитети” (французча – *autorité de la chose jugée*; немисча – *Rechtskraft*; японча – *киханрёку*, қарорнинг ҳуқуқий кучи) институти орқали эришилади. Бу институт қонуний кучга кирган суд қарорининг мажбурийлигини ва унинг кейинги судлар томонидан ҳурмат қилинишини англатади.

Францияда “қарор авторитети” (*autorité de la chose jugée*) Фуқаролик кодексининг 1355-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра суд қарори фақат қарор предмети бўлган нарсага нисбатан кучга эга: даъво бир хил, асос бир хил ва томонлар бир хил сифатда ҳаракат қилишлари керак. Франция ҳуқуқида фақат қарорнинг ҳал қилув қисмидаги хулосалар мажбурий ҳисобланади, асослантирувчи қисмидаги фактлар бўйича хулосалар бошқа суд учун мажбурий аҳамиятга эга эмас¹.

Германия Фуқаролик процессуал кодексининг 322-327-моддалари тасдиқланган қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини тартибга солади: “*materielle Rechtskraft*” амал қилади, бу эса судлар низони бошқача ҳал қила олмаслигини (*Sperwirkung* – тақиқловчи таъсир) ва аввал аниқланган фактик ҳолатларни тан олиши шартлигини (*Bindungswirkung* – боғловчи таъсир, яъни преюдициявийлик) англатади. Германия ҳуқуқида қонуний кучга кирган суд қарори, нафақат айти шу низо бўйича такрорий даъвони тақиқлайди (*Sperwirkung*), балки аввалги суд томонидан аниқланган фактик ҳолатлар кейинги ишларни кўришда судлар учун мажбурий ҳисобланади (*Bindungswirkung*)².

Россия ҳуқуқ тизимида арбитраж (иқтисодий судлов) жараёнида преюдиция институти Россия Фе-

Биз хом сут эмган бандаларни алдоқчи тақдир дунёнинг қайси бир бурчагига улоқтириб ташламасин, битта жой инсонни доимо ўз бағрига чорлайверади. Бу жойнинг номи отаюрт деб аталади...

Мухтор ШОХОНОВ

дерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг "Исботлашдан озод қилиш асослари" деб номланган 69-моддасида ўз ифодасини топган. Хусусан, АПК 69-моддасининг 2-қисмига кўра, аввал кўриб чиқилган иш бўйича қонуний кучга кирган арбитраж судининг қарори билан аниқланган ҳолатлар ўша шахслар иштирокидаги бошқа ишни кўришда қайтадан исбот қилинмайди. Бошқача айтганда, бир хил томонлар ўртасидаги арбитраж қарори аввалги жараёнинг фактларини (фақат фактларни) автоматик равишда "преюдиция қилади"³.

Тадқиқот доирасида ўрганилган хорижий мамлакатларда преюдиция институти субъектлар таркиби, қамров кўлами ва инкор қилиш имкониятига кўра фарқланади:

Субъектлар таркиби – умумий доктринага кўра, преюдиция фақат аввалги суд жараёнининг томонлари ва уларнинг ҳуқуқий ворисларига нисбатан қўлланилади. Масалан, АҚШ ва Канадада "томонларнинг айнанлиги" критерийлари қўлланилади; Англияда ишонч фақат томонларга (ёки ихтиёрий равишда қўшилган шахсларга) тааллуқлидир; Австралия ҳуқуқи тўғридан-тўғри "томонлар ёки уларнинг вакиллари"ни кўрсатади. Францияда – ўша иштирокчилар (mêmes parties).

Россия АПКнинг 69-моддасида "ўша шахслар" (аввалги иш иштирокчилари) ҳақида, ФПКнинг 61-моддасида ("фуқаролик жараёнидаги арбитраж фактлари") эса "ишда иштирок этганлар" ҳақида гапирилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ворислик ҳолатларидан ташқари, учинчи шахсларга нисбатан ҳал қилувчи хулосалар бевосита тааллуқли эмас.

Қамров кўлами (claim vs issue)га мувофиқ, умумий қонун айни шу даъво предметини қайта кўриб чиқишдан қочади. Умумий ҳуқуқ тизими мамлакатларида прецедент нафақат аввал ҳал қилинган ишдаги масалаларга (issue), балки "res judicata" (cause of action) ҳолатида айни шу асослар бўйича барча талаблар мажмуига ҳам қўлланилади.

Континентал мамлакатларда ёндашув одатда қатъийроқ: фақат қарор билан бевосита белгиланган нарсага тўсқинлик қилади. Франциянинг "autorité de la chose jugée"си фақат қарор предмети бўлган нарсага нисбатан кучга эгаллигини айтади, билдирилиши мумкин бўлган барча нарсага кенгаймайди.

Россия АПКга кўра преюдиция фақат аввал аниқланган иш ҳолатларига нисбатан қўлланилади (АПКнинг 69-моддаси 2-қисми: "аввал кўриб чиқилган иш бўйича қарор билан белгиланган ҳолатлар... янгидан исботланиши талаб этилмайди").

Инкор қилиш имкониятига кўра, барча ўрганилган ҳуқуқий тизимларда преюдициянинг қатъий амал қилишдан истисно ҳолатлар мавжудлигини қайд этиш лозим.

Масалан, умумий ҳуқуқда қарор билан келтирилган фактлар, агар биринчи иш томонларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолда (жараён бузилиши, суднинг коррупцияси ва бошқалар) ўтказилган бўлса, преюдиция

таъсири инкор қилиниши мумкин. АҚШда "due process exemption" мавжуд: агар биринчи ишда томонлар тўлиқ иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, "res judicata" қўллаш нотўғри бўлиши мумкин.

Россия ҳуқуқида янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта тиклашга, шу жумладан кучга кирган қарорни инкор қилишга имкон беради.

Шундай қилиб, солиштирилаётган барча хорижий мамлакатлар юрисдикцияларида преюдиция институти ўхшаш мақсадларни кўзлайди – айни бир хил ҳолатлар юзасидан кўп марталик суд жараёнларини тугатиш ва ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистондаги преюдицияга оид қоидаларни бошқа хорижий давлатлар қонунчилиги билан солиштирар эканмиз, бизнинг модел континентал ҳуқуқ тизимидаги ёндашувга яқинроқ: преюдиция фақат аввал аниқланган аниқ ҳолатларга (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 73-моддаси) тегишли ва фақат ўша шахсларга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган глобаллашув шароитида ҳуқуқий тизимлар ўзаро таъсир қилмоқда. Европа Иттифоқи суди (CJEU) ва Европа инсон ҳуқуқлари судининг қарорлари миллий судлар учун преюдиция вазифасини бажара бошлади.

Бугунги кунда суд қарорларининг рақамлаштирилиши ва оммавий очиқлиги (ECLI, Судакт ва бошқалар) преюдициянинг реал таъсирини кучайтирмоқда.

Айрим юрисдикцияларда, жумладан АҚШда – "non-mutual collateral estoppel" қўлланилиши орқали ҳатто аввалги ишда қатнашмаган шахслар ҳам кейинги ишда преюдиция билан боғланмоқда⁴.

Ҳаётимизнинг кўплаб жабҳалари сингари, ҳуқуқий соҳаларга ҳам сунъий интеллект кириб келди ҳамда ҳозирда преюдицияга асосланган алгоритмлар суд қарорларини тахмин қилишда қўлланилмоқда (Франция, Хитой ва Корея мисолида).

Преюдиция институти ҳар бир ҳуқуқ тизимида ўзига хос механизмлар орқали такрорий судловни чеклаш, ҳуқуқий аниқлик ва самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Замонавий тенденциялар унинг қўлланилишини кенгайтиради, уни рақамлаштириш ва глобал ўзаро таъсир орқали янада такомиллаштирмоқда. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида ушбу институт ҳали чекланган доирада қўлланилмоқда, аммо унинг амалий ва назарий аҳамияти ортиб бормоқда.

Ислом ҲАМРОКУЛОВ,

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг раиси,

Бобур ТАДЖИБАЕВ,

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Code civil (Франция), art. 1355. legifrance.gouv.fr
2. Zivilprozessordnung (ZPO), § 322⁵ [juracademy.de](http://juracademy.de/juracademy.de)
3. "Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации" от 24.07.2002 N 95-ФЗ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/
4. Blonder-Tongue Labs., Inc. v. Univ. of Ill. Found., 402 U.S. 313 (1971).

ТИББІЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий табиати, унинг объекти ва субъектлари, шунингдек, мазмуни ҳамда бошқа шартномалардан фарқловчи ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади. Тиббий хизматлар шартномасининг натижага эмас, балки малакали ҳаракатга асосланганлиги, соғлиқни сақлашда тиббий сир ва этик тамойилларнинг ўрни алоҳида кўриб чиқилган. Мақола соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни илмий таҳлил қилишга ва тиббиёт амалиётига доир шартномавий ёндашувларни чуқур ўрганишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси, шартноманинг объекти, субъекти, мазмуни, соғлиқни сақлаш, бемор, шифокор, соғлиқ, Фуқаролик кодекси.

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг саломатлигини сақлаш соҳасида ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашуви муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тиббий хизматлар кўрсатишга доир шартнома муносабатлари ҳам шундай йўналишлардан бири бўлиб, улар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутати. Шу нуктаи назардан, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг объектив ва субъектив жиҳатлари, мазмуни ҳамда ўзига хос хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”¹. Айнан ижтимоий давлат тушунчаси бевосита тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида тиббий хизматлар кўрсатишга доир шартномавий муносабатлар бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг объектини беморга кўрсатиладиган диагностика, даволаш, профилактика, реабилитация ва бошқа соғлиқни сақлаш хизматлари ташкил этади. Бу хизматлар номоддий неъматлар сирасига киради, чунки улар натижаси кўпинча моддий шаклда ифодаланмайди, балки инсон саломатлигига таъсир кўрсатади. Бироқ, аксарият соҳа билан махсус шуғулланган назарийетчи олимлар орасида мазкур масалада хилма-хил фикрлар мавжуд.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг субъектлари масаласида фикр юритар эканмиз уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Биринчи гуруҳга - тиббий хизмат кўрсатувчи томон – бу жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин: Давлат ва нодавлат тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари, шахсий амалиёт юритувчи лицензияга эга бўлган шифокорлар.

Иккинчи гуруҳга бемор ёки истеъмолчи – бу тиббий хизматдан фойдаланаётган фуқаро. Айрим ҳолларда унинг вакили (ота-она, васий, ишончли вакил) ҳам шартнома тузишда иштирок этади.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг мазмуни қуйидаги элементларни ўзида мужассам этади:

- Биринчи элемент сифатида қандай тиббий хизмат кўрсатиш масаласи назарда тутилади (масалан, умумий терапевтик ёрдам, жарроҳлик амалиёти, лаборатория таҳлиллари ва бошқалар);

- Иккинчи элемент сифатида эса тиббий хизмат кўрсатувчининг мажбурияти – касб этикаси ва профессионал стандартларга риоя қилган ҳолда сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши, беморнинг мажбурияти – шифокор кўрсатмаларига амал қилиши, ўз соғлиғи ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этиши аҳамиятга эга.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларида тўлов шартлари – хизматлар нархи, тўлов усули ва муддат масаласи ҳам муҳим контрагентлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари фикримизча, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг муҳим хусусиятларидан яна бири тарафлар ўзаро масъулият, хизмат сифатининг талаб даражасида эмаслиги, тиббий хизматнинг етарлича бажарилмаслиги, беморга етказилган зарар учун жавобгарлик каби масалаларда ҳам келишиб олишган бўлиши керак.

Бундан ташқари тиббий хизмат кўрсатиш масаласи махсус тадқиқотлар сифатида кам ўрганилган. Хусусан, тадқиқотчи А.А.Каримов томонидан

қуйидагилар қайд қилинади: “ҳуқуқшунослик фанида соғлиқни сақлаш тизими ва соҳаси ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида кенг ва атрофлича ўрганилмаган. Кўпчилик ҳолатларда фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар муайян даражада ҳуқуқшунослик фанларида бир томонлама ўрганилган. Шу сабабли ҳам фуқаролар соғлигини сақлашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида ўрганиш ушбу соҳада юзага келаётган ижтимоий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларини аниқлаштириш мавжуд илмий ва амалий бўшлиқни тўлдиришга замин яратди”².

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси ўзига хос жиҳатларининг қуйидаги томонларини алоҳида қайд этишимиз мумкин:

Биринчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг якуний пировард натижаси соғлиқ – номоддий бойликдир. Шартнома объекти моддий эмас, балки соғлиқни сақлаш билан боғлиқ.

Иккинчидан, натижага эмас, ҳаракатга асосланган мазкур шартномада шифокор хизмат кўрсатган тақдирда, бемор тўлиқ соғаймаслиги мумкин – бунда хизмат кўрсатиш сифати эмас, соғлиқ ҳолатининг индивидуал хусусиятлари инobatга олинади.

Учинчидан, тиббий хизмат кўрсатиш этикаси ва махфийлик: шартнома доирасида тиббий сирни сақлаш, ахлоқий тамойилларга риоя қилиш мажбурий ҳисобланади.

Тўртинчидан, тиббий хизмат кўрсатишда хатолик эҳтимоли ёки белгиланган тиббий хизматнинг лозим даражада бажарилмаслиги айрим ҳолларда, касалликнинг нотўғри ташхиси ёки даволаш усули танланиши мумкинлиги фактларидан келиб чиқиб, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш муҳим ҳисобланади. Мазкур ҳолат(лар)да тиббий хизмат кўрсатувчи субъект – шифокорнинг айби аниқланса, қонунда белгиланган асосида жавобгарлик юзага келади.

Бешинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасида эпидемия, фавкуллода вазиятлар каби ҳолларда шартнома тузмасдан ҳам шифокор томонидан тиббий хизмат ёхуд ёрдам кўрсатилиши кераклиги қайд қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси — жисмоний шахснинг соғлигини муҳофаза қилишда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб, унинг самарали амалга оширилиши инсоннинг соғлом турмуш тарзини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мазкур шартномавий муносабатларнинг барча босқичларини тўлақонли тартибга солиши лозим. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатувчи ва буюртмачи – бемор ҳамда бир пайтнинг ўзида истеъмолчи ўртасидаги ўзаро ишонч ва масъулият мазкур шартноманинг муваффақиятли ижросини таъминлайди.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

“Адлия аълочили”, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон.
2. А.А.Каримов. Фуқаролар соғлигини сақлашнинг фуқаролик ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалалари. 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020. Б.12.

“РАСМИЙ ҲУЖЖАТ” ТУШУНЧАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-моддасида мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг гаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ҳамда тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат, жамоат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлса, ЖКнинг 228-моддасида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадиди муайян ҳуқуқ берадиган, муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳар қандай давлат органи ёки мансабдор шахс ўз фаолиятини ҳужжатлаштириш орқали амалга ошириб, бу ҳужжатлар орқали ҳуқуқий, маъмурий ёки ташкилий қарорлар қабул қилади ва ижро этади. Шундай ҳужжатлар расмий ҳужжатлар деб аталади. Уларнинг тушунчасини аниқлаш ва ҳуқуқий асосларини билиш ҳуқуқий амалиётда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, суд-тергов амалиётида ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриш жараёнида қонунчиликда “расмий ҳужжат” тушунчаси батафсил ёритиб берилмаган.

Жумладан, “расмий ҳужжат” термини Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) ва 228-модда (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш)ларида учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам “расмий ҳужжат” тушунчаси аниқ ёритиб берилмаган.

Лекин баъзи норматив ҳужжатларда унинг айрим белгиларини кўришимиз мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарорига 1-Илова билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра расмий ҳужжатлар бланкалари, шу жумладан бунга Вазирлар Маҳкамаси, ваколат берилган матбаа корхоналари ва “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланиши, расмий ҳужжатлар муайян серияга ва тартиб рақамига эга бўлган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланиши назарда тутилган.

Расмий ҳужжат - ҳуқуқий, маъмурий ёки ташкилотчилик аҳамиятига эга бўлган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган, давлат органлари, ташкилотлар ёки мансабдор шахслар томонидан тузилган ёзма ёки электрон шаклдаги ҳужжат ҳисобланади ва расмий ҳужжатлар маълумотларни аниқлаш, тасдиқлаш, ваколатларни юклаш ёки ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда асос бўлади.

Расмий ҳужжат:

1) юридик кучга эга бўлади ва қонун, фармон, қарор, буйруқ, шартнома каби ҳуқуқий асосга эга бўлади;

2) давлат тилида, гербли бланкда, рақамланган ҳолда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган, ҳужжатда реквизицлар санаси, рақами, имзо, муҳр ва ҳ.к. тўлиқ акс этган бўлиши шарт;

3) муайян мансабдор шахс томонидан тасдиқланади ва маълумотни аниқ, расмий ва ишончли тарзда баён этади.

Расмий ҳужжат турлари:

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари);

2) маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, баённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);

3) суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);

4) нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);

5) иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар даволатномалари ва ҳужжатлари).

6) лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари.

7) ташкилотнинг ички буйруқ ва фармойишлари кабилар.

Қонунчиликда ва Пленум қарорларида “расмий ҳужжат” тушунчаси аниқ белгиланмаганлиги айрим ҳолатларда суд-тергов органлари томонидан бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда қийинчиликлар туғдиради.

“Расмий ҳужжат” тушунчаси алоҳида бир қонун билан таърифланмаган бўлсада, амалдаги қонун ҳужжатларида унинг ҳуқуқий моҳияти ва турлари аниқ белгиланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларига “расмий ҳужжат” тушунчасини киритиб, унда “расмий ҳужжат”га қўйиладиган таъриф бериш таклиф этилади.

“Расмий ҳужжат - давлат органи, давлат иштирокидаги ташилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд нодавлат тижорат ташилотининг ёки бошқа нодавлат ташилотининг мансабдор шахси томонидан тузиладиган ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва маълумотларни аниқлаш, тасдиқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган юридик кучга эга бўлган ҳамда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган ёзма ёки электрон шаклдаги ҳужжат

Расмий ҳужжатларга қўйиладиган қиради:

- давлат гербли гувоҳномалари (тузилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома, вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома);

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашига рухсатнома, хорижга чиқиш паспортлари);

- ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари (чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий билет, офицер ва захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси);

- маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар (тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаходатнома, ўрта маълумот тўғрисида аттестат, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом, олий маълумот тўғрисида диплом, фан номзоди ёки доктори дипломи);

- ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ногиронлик гувоҳномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари, транспорт воситаси ҳужжатлари ва бошқалар);

- маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, баённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);

- суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);

- нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);

- иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар даволатномалари ва ҳужжатлари) ва бошқалар.

Фуқаролар томонидан тузилган ҳужжат (масалан, тилхат, блокнот ёки дафтардаги маълумотлар, ёзишмалар, шартнома кабилар)ни сохталаштириш Жиноят кодексининг 209 ёки 228-модда тартибини бермайдиган, бунда мазкур ҳужжат бошқа жиноятни енгиллаштириш мақсадиди фойдаланилган восита сифатида баҳолалиши мумкин.”

Хулоса қилиб айтганда, “расмий ҳужжат” тушунчасининг қонунчиликка киритилиши ёки белгиланиши суд-тергов органлари томонидан шу турдаги жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўғри ва аниқ малакалашда яқиндан ёрдам беради.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг раиси,
юридик фанлар доктори, доцент

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ВА СУД АМАЛИЁТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олишга оид қонун ҳужжатлари бўйича суд амалиётидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, боланинг моддий ва маънавий манфаатлари, оила, ота-она, фарзандликка олувчилар, фарзандликка олинувчи, васийлик ва ҳомийлик.

Фарзандликка олиш бир томондан маълум бир сабабларга кўра ўз ота-онаси бағрида ўсиш имкониятига эга бўлмаган болаларни оила муҳитида тарбиялаш имконини берса, бошқа томондан, фарзандликка олувчиларга ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиш, оилани сақлаб қолиш имконини беради.

Фарзанд асраб олиш учун бўлажак ота-она оилавий-ҳуқуқий муносабатда бўлиши лозимлиги азалдан мавжуд. Яъни, уларнинг ўзаро никоҳда бўлиши оилавий муносабат вужудга келганлигидан далолат беради. Фарзандликка олиш натижасида бола учун янгидан оилавий-ҳуқуқий муносабат вужудга келади, худди оилада янгидан фарзанд дунёга келгани каби фарзандликка олувчи ота-онага қонун томонидан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади.

Менталитетимизга хос бўлган “болажонлик” нафақат ўз фарзандларига, балки барча болаларга бўлган ўзбекона меҳрни ифодалайди. Халқимизнинг болажонлиги ҳақида сўз очилганда бундай бағрикенгликнинг юксак намунаси бўлган Шомаҳмудовлар оиласини ёдга оламиз.

Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш масалалари Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига фарзандликка олиш қоидалари тўғрисида алоҳида боб ажратилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарорида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Болани асраб олиш фақат суд қароридан сўнг расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилганлигини инобатга олиб, фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосани судга тақдим этиш мажбурияти туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг зиммасига юклатилган.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари ва албатта, прокурор иштирок этган ҳолда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар фарзандликка олиш билан боғлиқ бўлган маълум бир маълумотларни сир сақлашлари зарур.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилганда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Шу сабабли судлар фарзандликка олинаётган бола манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фарзандликка олиш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмини фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги қайд қилинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайд этилган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига мувофиқ ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмини фарзандликка олувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Ижтимоий воқелик тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг келиб чиқиши объект ҳолатдир.

Бинобарин, бундай шароитда мавжуд муносабатлар янгича тус олади ҳамда янги муносабатлар вужудга келади. Улар эса, ўз навбатида ҳуқуқий тартибга солинишни талаб этади. Шу жиҳатдан олганда, норма ижодкори бўшлиқлар келиб чиқишининг олдини олиш учун ижтимоий муносабатларни доимий равишда кузатиб, зарур ҳолларда уларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириб бориш зарур.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Зеро, ислохотлар самараси қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг мукамаллиги, ўзаро мувофиқлиги ва нуқсонсиз ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда судлар вояга етмаганлар манфаатларига доир фуқаролик ишларини ҳал этиш жараёнида тегишли қонунчиликда кўрсатилмаган ва ўз ечимини топиши керак бўлган масалаларга тўқнаш келмоқдалар.

Хусусан, фарзандликка олиш, алимент ундириш, уйдан кўчириш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, бола билан кўришиш тартибини белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриш вақтида вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб масалани ҳал этмоқдалар.

Оила кодексининг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур талаблар фарзандликка олинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла даражада ҳимоя қила олмайди.

Бошқача айтганда, фарзандликка олувчи шахсларга қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқиши лозим. Фарзандликка олувчиларнинг ёшига нисбатан энг кичик ёш ва энг катта ёш цензини ўрнатиш, агар турмуш қурмаган эркак ва аёл фарзандликка олиш бўйича мурожаат қилган бўлса, уларнинг энг кичик ёшини белгилаш, эр-хотиннинг турмуш қуриб бирга яшаётганлик даврини белгилаш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, қуйидаги муаммолар вужудга келиши мумкин.

- Фарзандликка олинган бола билан ота-она ва биологик фарзандлар ўртасида муносабатлар мураккаб бўлиши мумкин.
- Боланинг келиб чиқиши, руҳий ҳолати ва олдинги ҳаёти оилада ноқулайлик яратиш эҳтимоли бор.
- Асраб олинган болаларда кўпинча зўравонлик, қаровсизлик, етишмовчилик оқибатида руҳий муаммолар пайдо бўлиши мумкин.
- Уларни қайта ижтимоийлаштириш ва ҳаётга мослаштириш учун ота-онага билим, сабр ва психологик тайёргарлик керак.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини 152-моддаси 2-қисмига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

“Фарзандликка олувчи ва олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги, олти ёшдан ошмаган бўлиши шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.”

Барчамиз бола ўз оиласида тарбияланишини хоҳлаймиз. Бироқ, баъзи сабабларга кўра, биз болани қайсидир оиладан оламиз ва худди шундай шароитдаги бошқа оила қарамоғига бериб қўйишда тўғри қарор қабул қилишимиз зарур.

Суд қароридан сўнг олиб бориладиган назорат қилиш вазифаларни суд қарори чиқиб, кучга киргунга қадар махсус ваколатли органлар зиммасига юклаш бу борадаги ишларни самардорлигини оширади, деб ўйлаймиз.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судлар томонидан кўриб чиқишда боланинг янги оилага мослашувини инобатга олиб, болани фарзандликка олувчиларга суд томонидан бериш тўғрисида суд қарори қабул қилишдан олдин;

■ вояга етмаганни оилага фарзандликка олувчиларга вақтинчалик бериш тартибини жорий қилиш, бунда олти ойгача бўлган муддатни жорий этиш;

■ ушбу вақтда психологлар томонидан фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинаётган болани маслаҳат марказларида тайёргарликни ошириш курсларидан ўтказиш;

■ боланинг оилага мослашувини баҳолаш;

■ болага нисбатан оиладаги муҳитни баҳолаш (боланинг соғлиғи, таълим ва умумий ривожланиши);

■ фарзандликка олувчилар билан муносабати, меҳр ва диққат-эътибор даражаси;

■ боланинг ўзини янги оилада қандай ҳис қилиши — психологик ҳолати;

■ жисмоний тарбия ва овқатланиш ҳолати;

■ жисмоний/руҳий зўравонлик белгилари бор-йўқлиги каби ҳолатларни махсус ваколатли органнинг зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига фарзандликка вақтинчалик бериш (вақтинчалик тарбияга олиш)нинг ҳуқуқий тартиби мавжуд эмас.

Фарзандликка вақтинчалик оилага олиш тартибини белгилаш келгусида боланинг доимий фарзандликка берилишигача бўлган даврда уни оила муҳитида парваришлаш, руҳий ва жисмоний ривожланишига хизмат қилади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 154¹-моддасини “Фарзандликка вақтинчалик олиш” тўғрисида қуйидаги бандлар билан тўлдириш таклиф қилинади:

“Фарзандликка олувчиларга фарзандликка олинувчи вақтинчалик олти ой муддатга берилади.

Фарзандликка вақтинчалик олиш суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Фарзандликка вақтинчалик олиш фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасига унга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидан маҳрум этмайди, фақат уни амалга ошириш вақтинча тўхтатилади.

Фарзандликка вақтинчалик олган шахсларда фарзандликка олинувчига нисбатан вақтинчалик ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.”

Асосан фарзандсиз оилалар, турмушидан фарзанди бўлмай ажрашган аёллар бола асраб олишни исташади. Айрим оилалар борки, улар фарзандлари бўла туриб, етим болага ғамхўрлик қилишади.

Махфийлик ва шаффофлик мувозанатини бузмаган ҳолда фарзанд асраб олиш жараёнини автоматлаштириш, фарзандликка олувчиларнинг электрон ариза топшира олишлари ва унинг электрон кузатувини ташкил этиш учун ягона интерактив давлат хизматини ташкил қилиш, болаларнинг жисмоний, руҳий зўравонлик белгилари тўғрисида мустақил равишда шикоят қилиш имконига эга бўлган тезкор платформани яратиш зарур.

Болани бегона оила ва яқин қариндошлари томонидан асраб олинишдаги фарқли жиҳатларни тизимлаштириш, бу борада ҳужжатларни йиғиш жараёнларини ҳам соддалаштириш ва тартибга солиш зарур.

Мазкур қоидаларнинг киритилиши фарзандликка олинаётган болаларнинг келажакдаги ҳаётини яхшилашда муҳим ўрин тутади. Эртамиз эгалари бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, келажакда уларнинг Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотиржамлик, меҳр-муҳаббат, ишдаги барака, рўзгордаги тўқинлик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти... Буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиради: Оилавий бахт...

Зиёдахон СОЛИЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди судьяси, юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент – Ўзбекистон-2025 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2022.

МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСКАНИ

АННОТАЦИЯ: мақола ўзини ўзи бошқариш органларида айрим ижтимоий имтиёз ва ёрдам турларини бериш бўйича тажрибани илмий таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда мазкур имтиёзларни амалда татбиқ қилишдаги айрим мунозарали масалалар ўрганилган.

Калит сўзлар: маҳалла, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий имтиёз, ижтимоий ёрдам, уй-жой.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда “маҳалла” институтининг нуфузи қайтадан тикланди ва янги Конституцияда ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, дунёда илк бор республика “Маҳалла” фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашлари тузилди.

Давлатчилик асосларини ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, амалдаги ҳудудларда ижтимоий ҳимояни ва бизнесни ташкил этиш ваколатларини кенгайтириш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўриб борилди. Пировардида, бу йўналишдаги сиёсат мазкур тизимни истиқболда ривожлантиришга катта таъсир қилди.

Мазкур ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам атрофлича ҳал этилган. Масалан, бугунги кунда жойларда фуқаролар йиғинлари давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашиб, аҳолига турли хил ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатилишида, нафақа ва бошқа хил моддий ёрдам турларини етказишда, ишсиз шахсларни иш билан таъминлаш, маҳаллаларда тадбиркорлик ва кичик оилавий бизнесни йўлга қўйишда ўзига хос мавқега эга. Маҳалла тадбиркорлик маслаҳат марказлари ташкил этилган.

Ижтимоий ҳимояда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этиб, уларга ўтказилган ваколатлар эса ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Чунки, давлат ва жамият кўмагига муҳтож, кам таъминланган оилаларни маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёрдамида аниқлаш ва уларга кўмак кўрсатишнинг амалдаги тизими орқали ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги, ҳар бир ёрдам турининг ўз эгасига тўлатқис этиб бориши таъминланди.

Т.Матиев кайд этганидек, жамиятнинг заиф табақалари, ночор қатламлари, шунингдек кам даромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, қариялар, ёлғиз оналар, етим ва қаровсиз болалар ҳатто тенг имкониятлар шароитида ҳам ёрдамга муҳтож бўлади.

Айни вақтда юртимизда бундай ижтимоий сиёсат тобора ривожланиб бормоқда. Бунда бевосита “Маҳалла еттилиги” кўмагидан фойдаланилмоқда.

Унинг таркибида давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари қатнашиб, ҳудуд аҳолисига 60 хил турдаги ижтимоий ёрдам чораларини кўрсатмоқда. Хусусан, аҳолига имтиёз ва ёрдам чоралари грант, субсидия, фойсиз ссуда, имтиёзли кредит, тўлов-контрактни тўлаб бериш, моддий ёрдам, ўқиш ва ижара учун компенсация, реабилитация воситалари билан таъминлаш, стационар ёки амбулатор даволаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш,

ҳатто гаровсиз кредит ажратиш учун кафилик каби шаклларда амалга ошириб келинмоқда.

Кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ҳамда тадқиқотчилар ўз илмий ишларида қайд этиб ўтганларидек, бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги функцияси тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган бўлиб, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда, ёшлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда фаол ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ҳуқуқшунос Қ.Қодировнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда аҳолига нафақалар ва моддий ёрдамлар фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали етказиб берилаётганлиги боис, ижтимоий кўмак беришнинг амалдаги тизимида маҳалла асосий мавқега эга бўлиб бормоқда.

Ш.Маҳмудбеков фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоя қилишда етакчи ўрин тутаяётганлигини таъкидлайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан давлат вазифаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари иштирокини таъминлаш Япония, Германия, Швеция, Швейцария, Италия каби тараққий топган мамлакатлар тажрибасида ҳам мавжуд.

Б.Страшун маълумотларига кўра, Швейцарияда аҳоли ижтимоий таъминоти масаласи жойлардаги жамоалар ваколатига берилган бўлса, Швецияда маҳаллий органлар нафақат маҳаллий иқтисод ва коммунал хизмат, шунингдек давлат функцияларига кирувчи ижтимоий ҳимоя, таълим тизими, тиббий хизмат ва соғлиқни сақлаш учун ҳам жавобгар ҳисобланадилар.

Ижтимоий ҳимоя бўйича Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тажрибасини акс эттирган “маҳалла еттилиги” модели ўзбек маҳаллаларига хорижий мутахассисларнинг қизиқиши янада ортишига олиб келиши шубҳасиздир.

Фуқаролар йиғинларининг ваколатларини кенгайтириш уларнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш имкониятини бермоқда. Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга асосан фуқаролар йиғини кенгаши кичик корхоналар, сартарошхоналар, поябзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ хунармандчилиги цехлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиб, ҳудудда ишсиз шахсларни ишга жойлаштиришга, касаначиликни ташкил этишга, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришга кўмаклаша оладилар.

Маҳаллаларда тадбиркорликни йўлга қўйиш, шунингдек оилавий бизнесни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини

оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 18 майда қабул қилинган ПФ-3878-сонли фармони муҳим ўрин тутди. Унда ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш, ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки куриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш вазибалари белгиланди. Маҳаллалар мазкур фармон талабидан келиб чиқиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини жадал равишда олиб борди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли фармонига мувофиқ, Республикада ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш мақсадида жаҳон тажрибасида аналоглари бўлмаган “Маҳалла еттилиги” тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

“Маҳалла еттилиги” таркиби маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспекторидан ташкил топган. Ижтимоий ходимлар томонидан “Маҳалла еттилиги” орқали ижтимоий эҳтиёжманд ва хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, 2024 йил 1 мартдан бошлаб “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га аҳолини киритиш, дафтарлар орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва субсидияларни рўйхат бўйича тақдим этишнинг янги тартиби жорий қилинди. Унга кўра эндиликда имтиёзлар “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида берилади.

Кейинги пайтларда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳаллаларда асосий иқтисодий жиноятчилик ошганлиги маълум бўлмоқда. Айниқса, ўғирлик жинояти ёки аёллар томонидан фирибгарлик жиноятлари содир этилиши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур еттиликни, шу жумладан ижтимоий ходимнинг ҳудуд ва аҳоли тоифаси билан ишлаш услуби ва ёндашувини ўзгартириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бизнингча, бу йўналишда “Маҳалла еттилиги” қуйидаги асосий вазибаларга эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилалар-

га (ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли) профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш;

юқоридаги тоифа билан ишлашда индивидуал ижтимоий хизмат режасини ишлаб чиқиш;

индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг кўрсатилишини ташкил қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига тегишли тузатишлар киритиб бориш;

ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгилчиларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтерлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш бериш.

Бу ишларни ташкил қилишда маҳалла ички ишлар бўлими, туман (шаҳар) адлия бўлимлари, туман тиббиёт бирлашмаси, ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари, Нуруний жамғармаси, “Баркамол авлод” маркази, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, Маданият бўлими, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллаларга ҳар томонлама ёрдам бериш том маънода ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик хотиржамлиги кафолатидир. Биз ислохотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш масалаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислохотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиғидир.

Бекзод БАБАКУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матиев Т. Демократия ва ижтимоий адолат. // Ҳуқуқ ва бурч – Тошкент, 2006. - № 8-9. - Б. 40-41.
2. Қодиров Қ. Маҳалланинг истиқболи. // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. - № 2-3. – Б. 71.
3. Маҳмудбеков Ш. Ўзини-ўзи бошқариш тизими – демократия маҳсули. // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. - № 1. – Б. 10.
4. Страшун Б.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. – М.: БЕК, 1998. – 476 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 18 майда қабул қилинган ПФ-3878-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2023 й., 06/23/209/0966-сон.

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУД ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

2025 йилнинг 16-17 май кунлари Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва суд жараёнларини рақамлаштириш” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференция қонун устуворлиги соҳасида СОИЛ (Очиқ дунё) дастурини тамомлаган судьялар учун ташкил этилди ва Мўғулистон, Арманистон, Эстония, Индонезия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Сербия, Ўзбекистон ҳамда АҚШ адлия органлари вакиллари ўртасидаги профессионал мулоқот учун энг йирик минтақавий платформага айланди.

Тадбирда Евроосиё ва Ҳинд-Тинч океани минтақаси мамлакатлари жадал технологик тараққиёт шароитида ўзаро тажриба алмашиш ва долзарб муаммоларни муҳокама қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманнинг бой дастури ва мазмунли тақдимотлари туфайли Ўзбекистонлик иштирокчилар суд фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлашга ёндашувлар, рақамли трансформация механизмлари ва киберхавфсизлик бўйича қимматли билимларга эга бўлдилар. Бу миллий қонунчиликнинг айрим жиҳатларини қайта кўриб чиқиш ва суд жараёнини ташкил этиш учун мустаҳкам замин яратди.

Олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибанинг алоҳида элементларини Ўзбекистон Республикаси миллий амалиётига жорий этиш имкониятлари бўйича қуйидаги тақлифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини халқаро андозалар, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси вазифалари ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

1. Сунъий интеллект – юридик ёрдамчи

Фуқаролар, шунингдек, суд процессининг профессионал иштирокчилари – адвокатлар, ташкилотлар ва давлат органлари вакиллари учун интеллектуал ёрдамчи вазифасини бажарадиган чатбот ёки сунъий интеллект алгоритмлари асосидаги мобил илова форматдаги инновацион рақамли воситани жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

AI Legal Assistantнинг асосий мақсади фойдаланувчиларга суд билан шахсий алоқа ёки маслаҳат бериш хизматларини талаб қилмасдан, қулай, тезкор ва интерактив шаклда асосий юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишдан иборат.

Интеллектуал ёрдамчининг асосий вазифалари:

- ўрнатилган маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари ва суд амалиёти маълумотлари базасидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳуқуқий вазиятнинг дастлабки таҳлилини ўтказиш;
- ишнинг муайян тури (фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва бошқалар) доирасидаги тартиблар, муддатлар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини босқичма-босқич тушунтириш;
- статистик маълумотлар ва шунга ўхшаш вазиятлар бўйича илгари қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш асносида ишнинг ижобий натижаси эҳтимолини баҳолаш;
- қонун талабларини инобатга олган ҳолда процессуал ҳужжатларни (даъво аризалари, илтимосномалар, шикоятлар) ишлаб чиқиш ва шакллантиришда автоматлаштирилган ёрдам кўрсатиш;
- электрон ёки анъанавий шаклда ҳужжатларни топшириш бўйича талаб қилинадиган аризалар ва тавсиялар рўйхатини шакллантириш.

Амалга оширишдан кутилаётган натижалар:

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва мустақиллигини сезиларли даражада ошириш, айниқса, юридик ёрдам олиш имконияти чекланган ҳудудларда;
- судлар, қабул қилиш ва ахборот хизматлари зиммасига маъмурий ва маслаҳат юкини камайтириш;

- судга тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш сифатини ошириш, бу қайтаришлар ва соддалаштирилган рад этишлар сонини камайтиради;

- рақамли адлия хизматларини кенгайтириш ва суд тизимига ишончни ошириш орқали қулай ҳуқуқий муҳитни яратиш.

2. Кичик ишларни кўриш учун автоматлаштирилган суд буйруғи (Робот судьяси)

Мураккаб ҳуқуқий таҳлилни талаб қилмайдиган ишлар бўйича суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш мақсадида автоматлаштирилган рақамли ечим — суд қарорларини чиқариш тизимини (Робот судьяси) жорий этиш тақлиф этилмоқда. Ушбу ташаббус, масалан, аҳамиятсиз пул суммаларини (5 та асосий ҳисоб-китоб қийматига) ундириш тўғрисидаги даъволар, тарафлар ўртасида низосиз алимент тўлаш бўйича даъволар, коммунал тўловлар бўйича қарзлар ва бошқа шунга ўхшаш тоифалар каби олдиндан белгиланган ҳуқуқий метёрларга эга бўлган баҳссиз, типик ишларни кўриб чиқишни автоматлаштиришга қаратилган.

Тизимнинг ишлаш принципи:

- Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар электрон портал (масалан, mysud.uz) орқали тақдим этилади;

- машинани таҳлил қилиш алгоритмларидан фойдаланган ҳолда тизим қуйидагиларни текширади:

- тақдим этилган материалларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги;
- даъвони қондириш учун қонуний асосларнинг мавжудлиги;
- қарши даъволар, эътирозлар ёки бошқа қарама-қаршилик белгиларининг йўқлиги;
- барча белгиланган шартлар бажарилган тақдирда, тизим автоматик равишда суд буйруғини ишлаб чиқаради ва уни томонларга юборади;
- судланувчидан асосли эътирозлар бўлса, буйруқ бекор қилинади ва иш умумий суд процессига ўтказилади.

Фойда ва кутилган натижалар:

- судьяларнинг иш юкини камайтириб, мунтазам жараёнларни автоматлаштириб уларга эътиборни янада мураккаб ва устувор ишларга қаратиш имконини беради;
 - ишларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш: бутун жараён - ариза беришдан суд қарорини олишгача - 1-3 иш кунидан кўп бўлмаган вақтни олиши мумкин;
 - одил судловдан фойдаланиш имкониятларини ошириш: фуқаролар ва ташкилотлар судга шахсан келмасдан ўз мулккий манфаатларини тезкорлик билан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўладилар;
 - инсон омилини минималлаштириш: қарор қатъий қонун ҳужжатлари ва стандарт тартиб-қоидалар доирасида қабул қилинади, бу эса ҳуқуқни қўллашнинг объективлиги ва бир хиллигини таъминлайди;
 - ресурсларни оптималлаштириш: вақтни, қоғоз ресурсларини ва адлия идораларининг меҳнат харажатларини сезиларли даражада тежаш имконини беради.
- Шундай қилиб, робот судья тизими суд жараёни рақамли трансформациясининг замонавий воситаси бўлиб, одил судлов самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

3. Суд-ҳуқуқ тизимидаги коррупция хавфларини рақамли таҳлил қилиш ва мониторинг қилишнинг интеллектуал тизими

Шаффофликни ошириш, аҳолининг одил судловга ишончини мустаҳкамлаш ва судлар фаолиятида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Big Data ни қайта ишлаш технологиялари ва машиналарни ўрганиш асосида юзага келиши мумкин бўлган коррупция хатарларини таҳлил қилиш ва мониторинг қилишнинг интеллектуал рақамли тизимини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Ечимнинг моҳияти:

катта ҳажмдаги суд-тиббиде статистикаси ва ишларнинг рақамли изларини автоматик равишда тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, назорат қилувчи органларнинг эътиборини талаб қиладиган нақшларни, оғишларни ва потенциал шубҳали ишларни аниқлашга қодир дастурий платформа яратиш;

Таҳлилнинг асосий параметрлари:

- ишларни кўриб чиқишнинг ностандарт муддатлари: шубҳали қисқа ёки асоссиз равишда узайтирилган муддатларга эга ишларни автоматик равишда аниқлаш;
- апелляцияларни рад этишнинг такрорий шакллари: худди шу судья томонидан шикоятларни мунтазам равишда қаноатлантиришни рад этиш ҳолатларини кузатиш;
- манфаатлар тўқнашуви: процесс иштирокчилари — адвокатлар, экспертлар ёки тарафлар ва аниқ судьялар ўртасида тез-тез учрайдиган тасодифларни аниқлаш;
- ҳолатларни тақсимлаш таҳлили: ишларни автоматлаштирилган ёки қўлда тақсимлашда мумкин бўлган нотўғрилиқни аниқлаш;
- процессуал интизомни бузиш: хабар бериш муддатини бузиш, судьяларнинг узрли сабабларсиз келмаганлиги ва бошқа процессуал камчиликларни қайд этиш.

Мақсадлар ва қўтилган самара:

- назорат функциясини кучайтириш: суд кенгашлари, инспекциялари ва адлия органлари фаолиятини таҳлилий воситалар билан таъминлаш;
- коррупцион хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш: хавфларни эрта аниқлаш ва суд органларининг масъулиятини ошириш;
- ҳолислик ва тенгликни таъминлаш: асоссиз устунлик, тарафкашлик ёки ҳокимиятни суиистеъмол қилишни бартараф этиш;
- обрў кўрсаткичларини шакллантириш: таҳлил асосида шаффофлик ва профессионал ўсишга ёрдам берадиган яхлитлик профиллари яратилади.

Ушбу тизим мавжуд электрон суд платформалари билан интеграциялашган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий маданият ва жавобгарликни кучайтирувчи профилактик ва таҳлилий восита бўлиши мумкин. Бундай ташаббуснинг амалга оширилиши очик, адолатли ва юқори самарали адлия тизими йўлида муҳим қадам бўлади.

4. "Суд-аналитика ва очик маълумотлар" рақамли платформаси

Судлар фаолиятининг шаффофлигини ошириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва LegalTeach ташаббусларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида тизимлаштирилган ва анонимлаштирилган суд маълумотларидан кенг фойдаланиш имконини берувчи "Суд таҳлили ва очик маълумотлар" интерактив рақамли платформасини яратиш тақлиф этилмоқда.

Платформанинг асосий мақсади:

Тадқиқотчилар, таҳлилчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари ва технология стартаплари чуқур таҳлил ўтказиш, тақлифлар ишлаб чиқиш ва ечимларни амалиётга татбиқ этиш учун ҳуқуқни қўллаш амалиёти массивлари билан онлайн режимда ишлашлари мумкин бўлган очик ахборот маконини яратиш.

Асосий функционаллик:

- очик API ва маълумотлар тўпламлари — суд ишлари бўйича, кўриб чиқиш муддатлари, низолар тоифалари, қарорлар статистикаси ва бошқалар бўйича машина томонидан ўқиладиган маълумотлар;

- ҳуқуқий тенденцияларни визуаллаштириш — суд фаолияти асосий кўрсаткичларининг динамик графиклари, диаграммалари ва иссиқлик хариталари;

- LegalTeach ишланмалари учун база — рақамли ёрдамчиларни, башоратли таҳлил воситаларини, тренинг моделларини ва фикр-мулоҳазалар платформаларини яратиш.

Қўтилаётган натижалар:

- судлар фаолиятида ҳисобдорлик ва ошқоралик муҳитини яратиш;
- қонунчилик ва институционал ислохотларни ахборот билан таъминлаш;
- суд процесси соҳасида ҳуқуқий тадқиқотлар ва наشرларни рағбатлантириш;
- суд тизимининг рақамли етуқлигини ошириш ва уни ривожлантириш жараёнларига профессионал ҳамжамиятни жалб қилиш.

Платформа суд тизими, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти ўртасида кўприк бўлиб хизмат қиладиган, одил судловга объектив, тадқиқотга асосланган ва натижага йўналтирилган ёндашувларни ривожлантиришга қўмаклашади.

5. Суд мажлисларининг овозли транскрипцияси ва автоматик таржимаси

Лингвистик инклюзивликни, суд жараёнининг шаффофлигини ва барча иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш мақсадида сунъий интеллект асосида суд мажлисларини овозли транскрипция ва автоматик таржима қилиш тизимини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Ушбу технология жараён иштирокчиларининг оғзаки нутқини бир зумда таниб олиш, сўнгра матнни транскрипция қилиш ва реал вақтда турли тилларга синхрон таржима қилиш учун AI алгоритмларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Асосий вазифалар:

- Ўзбекистоннинг давлат ва расмий тилларини (шу жумладан ўзбек, рус, қорақалпоқ), шунингдек, халқаро тилларни (инглиз ва бошқалар) қўллаб-қувватлаш;

- электрон архивда таҳрирлаш ва сақлаш имкониятига эга бўлган матн форматида автоматик тарзда йиғилиш баённомаларини яратиш;

- масофавий иштирок этиш пайтида йиғилиш залидаги экранларда ёки рақамли платформаларда кўрсатиладиган синхрон таржима;

- видео сессияларда ва масофавий адолатда фойдаланиш имконияти.

Бу:

- процесс юририлаётган тилни билмайдиган иштирокчилар учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини ошириш;

- эшитиш қобилияти заиф шахслар ва чет эл фуқароларининг тенг иштирокини таъминлаш;

- суд таржимонларининг иш юкини камайтириш ва суд муҳокамаси самарадорлигини ошириш;

- далиллар базасини такомиллаштириш ва нутқни аниқ транскрипция қилиш орқали процессуал ёзувларни юритиш имконини беради.

Бундай тизимнинг жорий этилиши суд-ҳуқуқ жараёнини инсонпарварлаштириш, очиклик ва энг яхши халқаро стандартларга мос технологик модернизация қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Фаррух ТўРАХЎЖАЕВ,

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судьяси,

Суҳроб ЙЎЛДОШЕВ,

Тошкент туманлараро маъмурий суди раиси.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН – МУСТАҚИЛЛИК ВА АДОЛАТ САРИ МУСТАҲКАМ ҚАДАМЛАР

Сўнгги йиллар юртимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга йиллар бўлмоқда. Ушбу йилги мустақиллик тантаналари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” шиори остида нишонланди.

Бу сўзлар, аввало, мустақиллик ғоясининг моҳиятини, давлатчилик тамойилларини, халқ манфаатларига хизмат қилишга қаратилган улкан ислохотларнинг асосий мақсадини ифода этади. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислохотлар айнан халқ учун, миллат фаровонлиги ва ватан келажиги учун хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда оила жамиятининг асосий бўлини экани, давлат оиланинг тўлиқ ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни яратиши, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорларида ҳам бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш талаби ўз ифодасини топган. Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ Олий суд, Судьялар олий кенгашининг илғор хорижий тажриба асосида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда оилавий низоларни кўришга ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш ҳақидаги таклифига розилик берилиб, 2024 йил 1 февралдан мавжуд штат бирликлари доирасида фуқаролик ишлари бўйича оилавий низоларни кўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда судларда оила судьялари жорий қилиш белгиланди.

Оила судьялари институти суд ислохотларининг мантикий давоми бўлиб, бу тизим фуқароларнинг судга мурожаат қилишини осонлаштиради, адолатли қарорлар қабул қилинишига замин яратади ва оилавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, иқтисодий судларнинг фаолиятидаги тизимли ислохотлар, очиқлик ва ҳолислик тамойиллари асосида тадбиркорлар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларни тез ва самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Тадбиркорларнинг давлатга, хусусан, суд органларига бўлган ишончи мустаҳкамланди. Бу эса тадбиркорлик муҳитини сезиларли даражада яхшилаб, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир давлатда иқтисодий судларнинг ҳолис ва мустақил фаолияти хорижий инвесторлар учун муҳим кафолат ҳисобланади. Инвесторлар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган низола-рининг адолатли ҳал этилиши, уларнинг мулк ҳуқуқларининг қонуний ҳимоя қилиниши уларнинг мамлакатимизда узоқ муддатли ва барқарор бизнес юритишини таъминлайди.

Шу маънода бугун иқтисодий судларимизни тадбиркорларнинг ишончли ҳимоячиси ва хорижий инвестициялар кафолати сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инobatга олган ҳолда юртимизда самарали маъмурий одил судлов тизими яратиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самара-

дорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Шу асосда туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Айни пайтда маъмурий судлар фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилиш орқали фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида самарали тиклашга қаратилган.

Ҳар бир давлатда суд ҳокимияти адолатни таъминлаш ва ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнида маъмурий судлар давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги оммавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда махсуслашган, алоҳида суд тизими бўлиб, жамиятимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йиллардаги суд ислохотлари самараси эса айнан мана шундай инсонпарвар ва ихтисослашган ёндашувлар орқали намоён бўлмоқда. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суд органларининг масъулияти тобора ортаётир. Бу борада судьялар нафақат қонун доирасида, балки адолат, виждон ва ҳалоллик асосида қарор қабул қилишда ўрнатилган кўрсаткичларга эришиб, инсон ҳуқуқлари ва қонунийликни таъминлаш борасида давлат сиёсатида шаффофлик ҳамда ҳолисликка катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрқин намунаси сифатида судлар томонидан чиқарилаётган оқлов ҳукмлари сонининг ортишини кўрсатиш мумкин.

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстанция ҳамда юқори инстанцияларида 2021 йилда 40 шахс, 2022 йилда 37 шахс, 2023 йилда 30 шахс, 2024 йилда 22 шахс ҳамда 2025 йил 1 ярмида 17 шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилган.

Судлар томонидан чиқарилаётган оқлов ҳукмларининг ортишини юртимизда демократик жамиятнинг юксалиш белгиси сифатида баҳолашимиз мумкин. Бу аввало, суд-ҳуқуқ ислохотлари самараси, судьяларнинг мустақил ва ҳолис фаолият юритишлари, инсон ҳуқуқларига бўлган эътиборнинг ортаётганини англатади.

Хулоса ўрнида айтганда, Мустақилликнинг ҳар бир йили халқимизга ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда янги имкониятлар эшигини очди. Бугун мамлакатимизда ҳуқуқ устуворлигига асосланган демократик жамият барпо этилаётгани барча жаҳонларда намоён бўлмоқда. 34 йиллик мустақиллик тарихида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқлари, қонунийлик ва адолатни таъминлашда етук ва мустаҳкам тизим сифатида шаклланди.

Абдукаюм МАХКАМОВ,

Қашқадарё вилоят суди раиси.

КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

Конституция ҳар қандай демократик давлатнинг ҳуқуқий асосидир. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамиятнинг асосий принциплари, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида адолат тамойилининг асослари белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ушбу умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган.

2023 йилда қабул қилинган Конституциянинг янги таҳририда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади» деган қоида (15-модда) мустақил нормалар қаторига киритилиши унинг аҳамияти ва устуворлигини янада мустаҳкамлади. Бу норма, суд тизими, жумладан, жиноят ишларини юритиш соҳасида алоҳида аҳамият касб этади.

Конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш тартибига амал қилиниши шахснинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг механизми деб ҳисобланади. Конституциянинг VII-бобида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган бўлиб, 29-моддасида қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, 26-моддасида эса, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Жиноят процессуал қонунчиликда инсон ҳуқуқлари ва кафолатларини кучайтириш, иш бўйича тарафларнинг қонун ва суд олдида тенглигини таъминлаш, уларнинг ўзаро тортишувларига имконият яратиш масаласи энг муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахснинг ҳуқуқларини чеклашга асос бўлган ҳужжатларнинг тўпланиши қонунчилигини текшириш судлар томонидан дастлабки эшитув ўтказиш тарзида амалга оширилса, ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайдиган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар учун шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш учун маъмурий жазо чоралари ҳам тайинланиб келинмоқда. Шу маънода жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид муносабатлар бўйича ишларни кўриб чиқишда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1. Дастлабки эшитув жараёнида чиқариладиган суд ҳужжатлари

2021 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-675 сонли қонунга асосан Жиноят-процессуал кодекси 491-боб билан тўлдирилиб, процессуал қонунчиликка дастлабки эшитув институти қўшилди. Мазкур институт судга келиб тушган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг дастлабки эшитувда иштирок этишини таъминлаб, жиноят ишларини умумий асосларда кўриб чиқилиши ёхуд иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилишига монелик қилувчи сабабларни ўз вақтида бартараф

этиш имконини тақдим қилишга қаратилган бўлиб, келгусида фуқароларнинг сарсон бўлишларининг олдини олишга хизмат қилади.

2. Суд мажлиси якуни бўйича чиқариладиган суд қарорлари

Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланган. Шу муносабат билан, инсон ҳуқуқлари кафолатлари жиддий равишда кучайтирилиб, инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги мустаҳкамланган. Мазкур нормалар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон манфаатлари устувор бўлишини амалда таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, жиноят процессида инсон ҳуқуқлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилиб, шахснинг суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, («Хабеас корпус» институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги («Миранда қоидалари») ҳақидаги қоидалар ҳам белгиланди. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш соҳасидаги ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади ҳамда уларни давлат органларининг суиистеъмоликларидан ишончли ҳимоя қилади, шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймаслиқни кафолатлайди.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича чиқариладиган суд қарорлари

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода – фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи ҳулқ-атвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Конституциямизда жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказувчи айрим ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этиш тўғридан-тўғри тақиқланган. Масалан, Конституциянинг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир, деган инсонпарвар норма мустаҳкамланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Конституция нормаларининг жиноят ишлари бўйича судларда тўғридан-тўғри қўлланиши судларга:

- инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш;
- қонунлар зиддиятида Конституцияни устувор қўллаш;
- ҳуқуқий бўшлиқларда қарор қабул қилиш имконини беради.

Бу принцип суд адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий давлат қуришда муҳим механизм ҳисобланади.

Элдор АКБУТАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг судьяси.

ЖИНОЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят процессида тортишув принципининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Тадқиқот мавзуси жиноят-процессуал ҳуқуқда тортишув принципининг тарихий ўзгаришлари ва унинг амалиётга таъсирини ўрганишга қаратилган. Ишнинг мақсади ушбу принципнинг жаҳон ҳуқуқий тизимларида шаклланиш жараёни ҳамда Ўзбекистон Республикасида жиноий суд ишларини юритишдаги ўрнини таҳлил қилишдан иборат.

Калит сўзлар: жиноят процесси, тортишув принципи, инквизиция, айблов ва ҳимоя, суд ислоҳоти, жиноят-процессуал ҳуқуқ, адвокатура, ҳимоячи, прокуратура, айбсизлик презумпцияси, процессуал тенглик.

Тортишув принципи асосан инглиз жиноят процессида шаклланган бўлиб, хусусан, 1679 йилда Англия конституциясида ўз аксини топади. Дастлабки тергов ва суд босқичи асоси бўлган ушбу принцип жиноят процессининг асосий тамойили ҳисобланган. Сўнг, 1789 йилдаги буржуа инқилобидан кейин Франция жиноят процессида тортишув типдаги жиноят процесси шаклланиши бошланади¹.

Киев Русида жиноят процесси тортишувлик шаклида, яъни ҳарбий демократиянинг давлатга бўлган давридаги урф-одатларга асосланган бўлиб, унда барча ҳокимият, шу жумладан судловни амалга ошириш ваколати ҳам халқ йиғилишларига, яъни сайланган оқсоқоллар ва қабила бошчиларига тегишли бўлган². Князь бошқаруви даврида ушбу шакл инквизиция шакли билан алмаштирилган бўлиб, у кейинчалик шох ҳукмронлиги даврида жадал ривожланади. 1864 йилги жиноят процесси Устави қабул қилингунга қадар Россия империяси ҳудудида қидирув шаклидаги жиноят процесси ҳукмронлик қилади.

XIX асрнинг биринчи ярми Россия халқларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеалар ва муҳим ўзгаришларга жуда бой бўлган давр ҳисобланади. Ушбу даврда феодализм аста-секин капитализмга йўл очиб беради. Илм-фан ва техниканинг янги кашфиётлари кетма-кет жиноят процессига жорий этилади. Янги капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қиролни 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилишга мажбур қилади.

Крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан сўнг, эски инквизиция шаклидаги жиноят процесси узоқ вақт давом эта олмади. Демократик тамойилларга асосланган суд тизими ва одил судлов тўғрисидаги янги қонунлар ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Жамият бу мақсадга жуда узоқ вақт тайёргарлик кўрган. Уша даврнинг илғор мутафаккирлари томонидан суд ислоҳоти ғояси, жиноят процессини демократик тамойиллар асосида, яъни тортишув тамойили асосларида қайта ташкил этиш фикрлари билдирилган.

1864 йилдаги жиноят процесси Устави Россия жиноят процессининг тарихида янги даврни очиб беради. Унда тортишув, ошкоралик, оғзаки ва бевосита усулда далилларни текшириш ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи кафолати каби демократик тамойиллар акс эттирилган.

Ушбу принциплар Устав қабул қилинишидан олдин рус жиноят процессига бегона бўлган десак муболаға бўлмайди. Судларда жиноят ишлари тўпланган ёзма материаллар асосида томонларнинг иштирокисиз яширинча кўриб чиқилган³. 1832 йилги Қонунлар тўпламига кўра, қийноқ айбланувчининг айбини тан олиш воситаси сифатида чиқариб ташланган, аммо қийноқларсиз тергов сифати самараси паст, яъни айбланувчининг айбига оид далилларни тўплаш қийин бўлган. Судья ҳақиқатни аниқлашга интилмаган, у фақатгина олдиндан тайёрланган тергов материаллини ўқиб, ҳукм чиқарган.

Ушбу даврнинг таникли процессуалист олими Н.Н. Розин кўйидагича ёзган: "Судьянинг кўлида айблов, ҳимоя ва суднинг мос келмайдиган функцияларини бирлаштирган суд ишларини юритишни ўзида мужассамлаган қидирув шаклидаги жиноят процесси Россияда тинч ва холис одил судловни амалга оширишга психологик тўсиқ яратди"⁴. Ислохотлардан олдинги одил судлов мазмун-моҳияти шу тарзда ифодаланган. Жиноят процессининг Устави қабул қилинганидан сўнг, судда жиноят иши айблов ва ҳимоя тарафлари иштирокида кўриб чиқилган. Айблов функцияси суд ваколатидан прокурор, жабрланувчи ва хусусий тартибда қўллаб-қувватловчи шахсларга ўтади. Улар судда айбловни қўллаб-қувватлаш, жиноят содир этганликда айбдорни фош этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бизнинг фикримизча, ислохотдан кейинги Россиянинг жиноий процесси инквизиция ва тортишув шакллари муросаси асосида қурилган. Уни процесснинг аралаш шакли деб аташ мумкин. Барча ислохотларга қарамасдан дастлабки терговда ҳимояга йўл қўйилмаган. Ҳимоя ва айблов функциялари терговчи кўлида қолади. Жиноят процесси Уставини тузувчиларнинг дастлабки терговда тортишувни жорий этишга уриниши натижасиз бўлди. Шунга қарамай, Устав қабул қилиниши процесснинг тортишув тамойиллари асосида қурилишида катта роль ўйнади ва уни янада демократлаштириш учун имкониятлар очади.

1917 йилда Россиядаги октябрь инқилоби инсоният тарихида муҳим воқеа бўлди. Ушбу воқеа бўйича босма нашрларда бу табиий юзага келган давр талаби ёки тарихдаги хатоми?, деган мунозаралар юзага келади. Аммо совет жиноий процесси 70 йилдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлганлиги ҳақиқатдир. Ҳозирда совет жиноят процесси амалда мавжуд эмас. Фикримизча, бу жиноят процесси тарихида жиноий суд ишларини юритишнинг бир тури бўлиб қолади.

Совет жиноят процессининг тарихи Халқ комиссарлари советининг 1917 йил 24 ноябрдаги 1-сонли "Суд тўғрисида"ги Декретини қабул қилишдан бошланади⁵. Бу жиноят процесси янги шаклининг биринчи ҳужжати бўлиб, унда процесснинг олдинги шаклларида фарқ қилувчи асосий қоидалар ва тамойиллар акс эттирилган. Ушбу ҳужжат ўз моҳиятига кўра жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга йўл очиб берган.

Декрет совет давлати манфаатларини ҳимоя қилувчи мажбурий аппаратнинг янги тизимини яратиш мақсадида эски судлар тизимини, прокуратура ва адвокатурани бекор қилди. Унга назар соладиган бўлсак, эски тортишув тамойилларини сақлаб қолишга уринишларини кузатамиз. Мазкур Декретда фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланадиган ҳар жинсдаги барча айбсиз фуқароларга дастлабки тергов босқичида айбловчилар ва ҳимоячилар ролида иштирок этишга рухсат берилганлигини кўришимиз мумкин.

2-сонли суд Декретида жиноят ишлари бўйича суд ишлари 1864 йилги суд уставлари қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши кўрсатилган, чунки улар Марказий ижро комиссияси ва Халқ комиссарлари совети декретлари билан бекор қилинмаган ва ишчи синфларнинг ҳуқуқий онгига зид бўлмаган. Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, суд жараёнида айблов ва ҳимоя тарафлари тўсиқларсиз иштирок этишган, чунки жиноят процесси Устави айбловчи ва ҳимоячига фақат суд жараёнида иштирок этишга рухсат берган.

Шундай қилиб, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, суд тизими ва суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек, маҳаллий судлар ва инқилобий трибуналлар фаолиятида айбловчилар ва ҳимоячилар иштирок этганлар. Жиноят процессининг бошқа демократик принциплари билан бир қаторда тортишув принципи босқичма-босқич бузилиши суд халқ назарида совет давлатининг қораловчи органларидан бирига айланишига олиб келди.

Инқилобий трибуналлар фаолиятида тортишув тамойилининг қўпол бузилиши юз берди. Бундай демократик принципнинг бузилиши совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий кураш кучайганлиги билан оқланган. РСФСР Марказий ижро комиссияси ҳузуридаги инқилобий трибунал тўғрисидаги декретда ҳимоячининг жиноят ишлари юритишда бевосита иштирок этиши назарда тутилмаган.

1922 йилга келиб Россияда биринчи кодекслар қабул қилиниб, унда дастлабки тортишув принципи ўз аксини топади.

Маълумки, жиноят процесси тортишув шаклида деб тан олиниши учун, аввало, айблов ва ҳимоя тарафлари иштирок этишига ва суд уларга нисбатан

мустақил мавқега эга эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Ушбу кодексларда "томонлар" атамаси мавжуд бўлиб, баъзи тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячининг мажбурий иштироки белгиланган.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг, 1926 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг янги Жиноят-процессуал кодекси кучга кириди⁶. Унда жиноят процессининг объективлик, ошкоралик, айбланувчини ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш, айбсизлик презумпцияси каби демократик принциплари мустаҳкамланган. Эътиборли жиҳати вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳимоячининг мажбурий иштироки қондаси белгиланади. Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган пайтда Ўзбекистон ССРда айблов ва ҳимояни амалга ошириш учун махсус органлар мавжуд эмас эди, хусусий ва жамоат айбловлари ҳамда ҳимояси мавжуд бўлмаган.

1927 йилгача Ўзбекистон ҳудудига совет халқ судлари билан бир қаторда қози судлари ҳам фаолият кўрсатган, улар ўз қарорларини мусулмон ҳуқуқ манбаи – шариат асосида чиқарган⁷. Ушбу судларда жиноят ишларни кўриб чиқишда айблов вазифасини содир этилган жиноятнинг гувоҳлари бўлган гувоҳлар, жабрланувчининг ўзи ва унинг вакиллари бажарган. Ҳимоя функциясини асосан оқсоқоллар, айбланувчининг қариндошлари ва айбланувчининг ўзи бажарган. Қози судларида далилларнинг асосий манбаи сифатида гувоҳларнинг кўрсатувлари, айбланувчининг ўз айбини тан олиши ва топилган жиноят қуроллари тан олинган.

1928 йил 1 декабрда Ўзбекистон ССР Марказий ижро комиссияси "Ўзбекистон ССР Судлар тўғрисидаги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қарор қабул қилади. Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССР прокурори бошчилигидаги Давлат прокуратураси таъсис этилади.

Прокуратуранинг вазифаларидан бири суд муҳокамасида айбловни қўллаб-қувватлаш бўлган. Аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ҳимоя функциясини амалга ошириш учун суд муҳокамасида адвокатлар хайъати тузилади. Шундай қилиб, айблов ва ҳимояни амалга ошириш учун махсус органлар вужудга келади. Шуни таъкидлаш керакки, 1920 йилларнинг охирида Ўзбекистонда, бошқа иттифок республикаларида бўлгани каби, хусусий адвокатура ҳам таъкидланган.

1958 йилда ССР Иттифоқи ва иттифок республикалари жиноят процессининг янги асослари қабул қилинади. Ушбу асосларга мувофиқ 1959-1961 йилларда иттифок республикаларининг жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Иттифок республикаларининг асослари ва жиноят-процессуал кодекси "томонлар" атамасидан воз кечади (1959 йил Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал кодекси бундан мустасно; 321-моддага қаранг). Шуни таъкидлаш керакки, янги асослар ва жиноят-процессуал кодекслари тортишув тамойиллини муваффақиятли рўйга чиқариш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирмади ва уни жиноят процессининг мустақил принципи деб тан олмади.

Мустақилликка эришгандан сўнг, 1995 йилнинг 1 апрель куні Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси кучга кириди. Ушбу кодексда илк бор тортишув принципи 25-моддасида ўз аксини топади. Эътиборли жиҳати шундаки, янги қабул қилинган кодексда ҳам тортишувга оид бир неча нормалар киритилган бўлса ҳам, аммо модда "Суд ишларини юритишда тортишув" деб номланиб, унда асосий урғу суд ишини юритишга қаратилади. Мустақил Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси дастлаб қуйидагича тахрирда баён этилган: биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Мазкур модданинг биринчи банди матнида айнан айблаш ва ҳимоя бир-биридан алоҳида амалга оширилиши белгиланган, битта орган ёки мансабдор шахс иккала функцияни амалга ошириши мумкин эмаслиги таъкидланган. Айнан шу

тартибни белгилловчи норма ҳалигача Жиноят-процессуал кодексида сақлаб қолинган бўлиб, унга ҳеч қандай қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилмаган.

Ушбу принципнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига жорий қилиниши муносабати билан, прокуратура ва адвокатура институти бир-биридан мустақил ривожлана бошлайди.

Мазкур норманинг шаклланишида асосий бош қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1992 йилда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилиниши ва унда инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан устунлиги, давлатнинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилишининг белгиланиши собиқ совет тузуми мафқурасидан фарқли равишда давлатнинг жазоловчи эмас, балки ҳимояловчи функциясининг устунлиги мустаҳкамланишига олиб келди. Бу эса суд-ҳуқуқ тизимининг демократик талабларга жавоб берадиган тортишув принципи асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий ва халқаро ёндашувга асосланган янги модели вужудга келишига хизмат қилди.

Шу янгиланишлар асосида ҳуқуқий тизимнинг ажралмас қисми бўлган халқаро ҳужжатларда (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 10-м., Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 14-м.) ўз аксини топган тарафлар тортишуви принципи жиноят суд иш юритувининг етакчи принципларидан бири сифатида эълон қилинди, яъни 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тортишув принципи жиноят процессининг принциплари сафидан жой олди ва биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши белгиланди. Ушбу норманинг белгиланиши ҳимоячида далилларни тўплаш, тақдим этиш ва текшириш, уларни таҳлил қилиш, муайян иш учун аҳамиятга молик бўлган далилларни илгари суриш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилишига ҳуқуқий замин сифатида намоён бўлди.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, жиноят процессида ҳимоячи иштирокининг таъминланиши ҳимоя институтининг узоқ йиллар давомида шаклланиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиноят процессида тортишув принципининг таъминланиши ҳимоя институтининг тараққий этишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Совет даврида ушбу принцип босқичма-босқич йўқолиб, прокуратура ва давлат органлари таъсирида тортишув имкониятлари чекланган. Бироқ, мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикасида жиноят процессининг демократик асосларини тиклаш жараёни бошланди. 1995 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси тортишув принципини мустаҳкамлаб, суд иши тарафларнинг тенг ҳуқуқли тортишуви асосида юритилишини белгиледи. Прокуратура ва адвокатура институтилари мустақил ривожланиб, айблов ва ҳимоя тарафлари ўз ваколатларини эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида тортишув принципи мустаҳкамланиши инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Давлат айбловини қувватлаш ва адвокатура институтининг мустақиллигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар суд жараёнининг адолатли ва очиқ бўлишига хизмат қилмоқда. Тортишув принципининг такомиллаштирилиши суд ислохотларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, судловнинг холислиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қурбанбай СЕЙТНАЗАРОВ,

Қорақалпоқ давлат университети доценти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чельцов-Вебутов М.А. Курс Советского уголовно-процессуального права. - М., 1957, т. I. С. 414; Боботов С.В. Буржуазная юстиция. Состояние и перспективы развития. - М...1989. С.30.
2. Курс Советского уголовного процесса. Часть общая. - М. 1989. С.370.
3. Чельцов-Вебутов М.А. Преступление и наказание в истории и в советском праве. Харьков: Юрид. изд. НКЮ УССР. 1925. - III с.
4. Розин Н.Н. Уголовное судопроизводство. - СПб. 1916. С.56;
5. Декреты Советской власти. Т. I. М., 1957
6. История советского государства и права Узбекистана. - Ташкент, 1963, т.П. С.336.
7. Исхаков С. А. Фикх – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ-Право-Law. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 83;

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Муаллиф миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги ногиронлик тушунчаси, унинг ҳуқуқий таърифи ҳамда ижтимоий интеграция масалаларини ўрганган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштириши зарурлиги, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш ва инклюзив ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, давлат сиёсатида ушбу йўналишнинг устувор аҳамияти ва комплекс чора-тадбирлар зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, ҳуқуқий мақом, ижтимоий интеграция, халқаро ҳуқуқ, инклюзия, тўсиқсиз муҳит, Ўзбекистон қонунчилиги.

Замонавий жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи халқаро ҳуқуқий-сиёсий доирада устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу масалада фақат тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот чоралари билан чекланиш эмас, балки ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида тўлақонли, самарали ва тенг ҳуқуқли иштирокини кафолатлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий механизмларни такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк йилларданок мазкур йўналишда комплекс ҳуқуқий база яратишга алоҳида эътибор қаратди. Бироқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ногиронлик тушунчаси асосан тиббий мезонларга таянган ҳолда ифода этилиб, масаланинг ижтимоий интеграция, инклюзивлик ва тенг имкониятлар каби муҳим йўналишларини етарли даражада қамраб олмаётгани халқаро ҳуқуқ стандартларига уйғунлаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масаласи жаҳоннинг аксарият давлатлари учун кун тартибидagi сиёсий-ҳуқуқий мавзулардан бирига айланмоқда. Бинобарин, замонавий жамиятнинг вазифаларидан бири ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларни жамиятнинг бошқа аъзолари сингари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Дунёнинг барча мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишига тўсқинлик қиладиган ва жамият ҳаётидаги иштирокини қийинлаштирадиган тўсиқлар мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга интеграциялашувида жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий тўсиқларнинг мавжудлиги, уларнинг жамиятдан ажратилиши, пассивлиги ва функционал жиҳатдан қарамлиги, уларга нисбатан жамиятнинг муносабати, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари каби омиллар ҳам масаланинг долзарблигини яна бир маротаба тасдиқлайди. Шу муносабат билан ногиронлиги бўлган шахслар учун жамиятнинг турли хил ижтимоий тизимлари, хусусан, турли хизматлар кўрсатиш, ахборот ва транспортдан фойдаланишдаги тенг имкониятларини таъминлаш орқали тўсиқларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш талаб этилади¹.

Бу борада мамлакатимиз мустақилликка эришгач, МДҲ давлатлари ичида энг биринчилардан бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар масаласига алоҳида эътибор қаратди ва 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилди. Мазкур қонун қўшни давлатлар учун ушбу соҳадаги қонунларни қабул қилишда муайян даражада намуна вазифасини ўтади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритишдан аввал “ҳимоя қилиш” тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш мақсадга мувофиқдир. Ҳимоя қилиш инсонларнинг бу ҳаётда мавжуд бўлиши ва яшаб қолишлари учун зарур бўлган тирикликнинг муҳим қисмидир. Ҳимоя жисмоний ҳодиса сифатида атрофимиздаги жонли табиатга хос ҳодиса бўлиб, барча тирик мавжудотларда яшашга бўлган ишончни вужудга келтириб қолмай, балки табиатда биологик қонунларнинг амал қилишини таъминлайди².

Шахс ҳаёти мобайнида давлат ҳимояси остида бўлади ва у орқали ҳаёт кечиради. Бу эса шахс ва давлат ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий ҳодиса сифатида ҳимоя қилиш ўзида субъектив ҳуқуқларнинг эркин ва тўғри амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан суд, қонунчилик ва бошқа воситалар орқали ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс чора-тадбирларни ташкил этади. Давлат ҳимояси ҳимоя остидаги шахсларни уларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлардан сақлайди. Ушбу ҳимоя хавфсизлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд тизими каби давлат тузилмаларини жамлайди.

Инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини ва моддий таъминотини замон талабларига мос равишда қондириш учун меҳнат ва аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, пенсия тизими воситасида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий хусусиятдаги таъминоти каби ижтимоий ҳимоя чоралари амалга оширилади. Давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг мавжудлиги, айниқса, бунга аҳолининг бошқа қисмидан кўра кўпроқ муҳтож бўлган ногиронлиги бўлган шахслар учун жуда муҳимдир.

Жисмоний ёки ақлий-руҳий ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ишлатиладиган ибора борасида жаҳон

хамжамиятида кенг муҳокамалар олиб борилмоқда. Бир қатор мамлакатлар ва халқаро экспертлар, ушбу соҳадаги махсус ташкилотлар ва ОАВ томонидан уларга нисбатан ишлатиладиган “ногирон” атамаси инсон ҳуқуқларини чекловчи, ушбу тоифадаги шахсларни камситувчи атама деган хулосага келинган ва унинг ўрнига “ногиронлиги бўлган шахслар” атамасини қўллаш кераклиги таклиф қилинган³.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ушбу масалада ўзининг қатъий позициясини илгари сурмоқда, яъни “ногирон” ёки “ногирон шахс” атамаси аввало инсонга эмас, балки унинг саломатлик ҳолатига, яъни ногиронлигига урғу берган ҳолда ифодалангани учун ҳам инсон ҳуқуқларини чекловчи атама деб ҳисоблайди⁴.

Ногиронлиги бўлган шахслар аҳолининг шундай тоифасидирки, уларда ногиронлиги сабабли, соғлиғида, турмуш даражасида ва жамиятга мослашиб кетишида кўплаб муаммолар вужудга келади. Ушбу муаммоларни бартараф қилишда уларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида ёндашиш давлат олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ушбу мураккаб ва кўп ресурс талаб қиладиган тизимини яратиш қонун чиқарувчидан ушбу тизим билан қамраб олинadиган шахслар доирасини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ қилиб белгилашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда “ногиронлар” ва “ногиронлик” тушунчаларига таъриф берилмаган. Унинг муқаддимасида ва биринчи моддасида ногиронлар ва ногиронлиқнинг белгилари келтирилган бўлиб, унга кўра, “Ногиронларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг ҳолда жамият ҳаётида бўла ва самарали иштирок этишига халақит берадиган барқарор жисмоний, психик, интеллектуал ёки сенсор бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир”⁵.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ногиронлиги бўлган шахсларга аниқ таъриф беради. Унга кўра, “ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг бўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс”⁶. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат ва жамият томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг долзарблиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, “ногиронлиги бўлган шахс” тушунчаси илк марта Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунида ишлатилган.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун сифатида қабул қилинди ва унга кўра, “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси қўлланилиши белгилаб қўйилди. Бироқ, ушбу қонунда ногиронлиги бўлган шахс тушунчасига берилган таъриф “Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциядаги таърифдан тубдан фарқ қилади:

Ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг, бўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс⁷.

“Ногиронлиги бўлган шахс” тушунчасига берилган таърифни таҳлил қилар эканмиз, ушбу таърифни ишлаб чиқишда шахсни ногиронлиги бўлган деб топишда тиббий мезонлардан келиб чиқилган ва ўз-ўзидан ушбу тоифадаги шахслар ҳаётининг ижтимоий жиҳатларига эътибор берилмаган. Бироқ, ногиронлик бугунги кунда янгиланиб бораётган тушунчаки, давлат ва жамиятнинг асосий эътибори ногиронлиги бўлган шахсларга фақатгина ачиниш ва раҳм-шафқат кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг жамият ҳаётида ҳамма билан бир хилда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун эҳтимолий тўсиқларни бартараф қилиш ҳам тушунилади.

Фикримизча, юқоридалардан келиб чиқиб, қонунчиликимиздаги ногиронлиги бўлган шахсларга берилган таърифта халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда керакли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар учун яратиладиган шарт-шароитлар давлатнинг инсон ҳуқуқларига содиқлиги ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш даражасини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мавжуд ҳуқуқий таъриф ва механизмлар тиббий йўналишдаги мезонларга кўпроқ таянгани сабабли, улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бўлақонли ижтимоий ҳаётга интеграциясини таъминлаш борасида етарли самара бермайди. Шу боис миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда концептуал ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, инклюзив ижтимоий инфра-тузилмани ривожлантириш ва уларнинг салоҳиятини бўлиқ бўлиб чиқаришни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиши лозим.

Шухрат ҲИКМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атовуллоев Р. Ногиронлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий кафолатлар. Электрон манбаа: <https://insonhuquqlari.uz/uz/news/rights-of-persons-with-disabilities-international-and-national-guarantees>.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортқ сўз ва сўз бирикмаси/ Таҳрир хайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.531.
3. Камиллов Ф.О. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш. Соц. фан. док...дисс. – Тошкент, 2022. – Б.35.
4. Юсупов А.С. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг амалга оширилиши: муаммо ва ечимлар // Битирув иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – Б.73.
5. Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/5501227>.
6. Юсупов А.С. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг амалга оширилиши: муаммо ва ечимлар // Битирув иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – Б.76.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада мустақиллик даврида прокуратура органлари тергов тузилмаларининг ривожланиш босқичлари, прокуратура тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, соҳага берилаётган эътибор ва прокуратура терговчиларининг масъулиятини ошириш юзасидан қабул қилинган қонунлар ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: прокуратура, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармон, тергов органи, терговчи, прокурор, Бош прокурор, тергов судьяси.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг муҳим жиҳати шундаки, унга кўра ҳақиқатдан ҳам фуқаролар прокурор назоратининг объектлари қаторидан чиқарилди. Прокуратура органлари томонидан фуқаролар ҳуқуқларининг чекланиши фактларини ўз вақтида бартараф этиш мақсадида бошқарув ва текширув (контроль) органлари чиқарган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш фаолияти кучайтирилди. Бу мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокурорларнинг бош вазифаси, шунингдек беvosита бурчига айланиб бормоқда.

2001 йил 08 апрель куни қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”-ги қонунда бир қатор илғор ва ижобий жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар биринчи навбатда:

- фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини (процедурасини) янада муфассал тартибга солишга;

- мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органларининг аниқ вазифаларини ва уларнинг жавобгарлик доирасини аниқлаштиришга;

- мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

Жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов жараёнининг сифатини яхшилаш ва бу фаолиятдаги терговчилар мустақиллигини ошириш ҳамда терговдаги тезкорликни таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатини узайтириш ҳуқуқи олиб ташланди.

Дастлабки тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ваколати мазкур қонунга мувофиқ фақатгина вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари зиммасида қолдирилди.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтирувчи ҳуқуқий омиллар мустаҳкамланди. Жумладан, илк бор ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори қабул қилган индивидуал хусусиятга эга бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва амалдаги қонунчиликка мослиги устидан Конституциявий суд томонидан суд назоратининг ўрнатилиши ҳақидаги қоида жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган ишларга баҳо бериб, иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш каби масъулиятли вазифани ҳам прокуратура органлари зиммасига топширди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ушбу вазифалардан келиб чиқиб, давлат, инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига асосланган ҳолда мамлакатимиз биринчи Президенти томонидан 2005 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2005 йил 8 августда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонлар қабул қилинди. Шунинг таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда жамиятда зарур ижтимоий муносабатларнинг вужудга келганлиги,

ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий дунёқарashi такомиллашганлиги, ўз навбатида, “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши учун шарт-шароит яратди.

Судлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримлари бекор қилиниши ҳолатлари кўпайди. Бу ҳолатлар қандайдир фавқуллодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам, шахснинг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан ҳолислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир. Бунда прокуратура органларининг тергов ходимлари ўз фаолиятларида кўпроқ тўқнаш келадилар.

Дастлабки терговга тергов судьялари янги институтининг 2025 йил 1 январидан жорий қилиниши прокуратура органларининг тергов аппаратларига янада юксакроқ масъулият юклайди, чунки шу даврдан бошлаб терговчиларнинг фуқароларга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш масаласига бўлган эътибор юз чандон ошиб бориши шубҳасиздир.

Мазкур ўзгаришлар давр талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда юзага келган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазият, воқеликни сезгирлик билан баҳолаш асосида ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг барча жаҳалардаги, шу жумладан, бу жараёнинг узвий бир қисми бўлган прокуратура органларидаги ислоҳотларни ҳам халқаро тажрибalar билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришмоқда.

Сардор ТУРСУНБОЕВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 29.08.2001 йилдаги 257-III-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001й. 9-10-сон. <https://www.lex.uz/docs/106197>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида”ги 20.12.2002 йилдаги ПФ-3178-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/155072>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги 01.08.2005 йилдаги ПФ-3641-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/1264447>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги 08.08.2005 йилдаги ПФ-3644-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/754979>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 11.07.2007 йилдаги УРҚ-99-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1317847>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 11.07.2007 йилдаги УРҚ-100-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/1322717>

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчалари таърифи, келиб чиқиш тарихи, олимларнинг у ҳақидаги фикрлари, уларнинг юридик табиати ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: халқаро ҳуқуқ нормалари, резолюция, цивилизация, норма.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўзига хос усулда шаклланади: биринчидан, агар миллий ҳуқуқ нормалари бир давлат органлари томонидан қабул қилинса, халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқнинг субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) томонидан яратилади. Иккинчидан, халқаро ҳуқуқ ўз моҳияти билан миллий ҳуқуқий тизимдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқ нормалари муайян бир давлатнинг мазмун-моҳияти ва табиатини намоён этса, халқаро ҳуқуқ нормалари умуминсоний ва умумдемократик хусусият касб этади. Учинчидан, халқаро ҳуқуқ ўзининг тартибга солиш объекти билан ҳам ажралиб туради. Агар миллий ҳуқуқ нормалари бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатларни, шу жумладан, чет эл элементи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солса, халқаро ҳуқуқ нормалари, авваломбор, давлатлараро муносабатларни ёки кенгроқ маънода давлатлараро тизим субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ ўз фаолияти кўлами ва воситалари билан ҳам миллий ҳуқуқдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқнинг ҳаракати ва унинг қўлланиши муайян бир давлатнинг ижроия ва суд органлари билан боғлиқ бўлса, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳаракат қилиш механизмида эса ижроия ва суд органлари йўқдир. Халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш давлатлар томонидан бевосита ёки билвосита мажбурлаш орқали амалга оширилади¹.

Халқаро ҳуқуқ нормалари тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ва уларнинг келиб чиқиш тарихи қадимий даврларга бориб тақалади. Тарихда давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга бўлган эҳтиёж қадимдан мавжуд бўлган. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган ушбу нормалар қуйидаги даврларда ривожланган ва ҳар бир давр учун алоҳида муҳим воқелик билан қайд этилган:

Қадимги даврлар: Бу давр халқаро ҳуқуқ пайдо бўлган пайтдан то милодий V асргача бўлган узок давом этган вақтни қамраб олади. Дунёнинг турли минтақаларида давлатларнинг пайдо бўлиши билан бирга уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам пайдо бўлган. Қадимги даврда халқаро ҳуқуқ икки дарё оралиғи бўлган Бобил ва Мисрда, Хитой ва Ҳиндистонда, Марказий Осиёда, қадимги Греция ва Римда тараққий этган. Бу минтақаларда ўзига хос ҳуқуқий институтлар ривожланган. Масалан, Миср фиръавни Рамзес II ва Ҳеттлар шоҳи Хаттушил III қуллар қўзғалониға қарши кураш бўйича ҳарбий иттифок тузиш ҳақидаги шартномани имзолаганлар. Халқаро ҳуқуқнинг бошланғич шаклларида бири ҳисобланган ушбу шартномага кўра, қочок қуллар қайтариб берилган. Милоддан аввалги XXIII асрда тузилган Аккадлар шоҳи Нарамсин билан Элам ҳукмдорлари ўртасида тузилган халқаро шартнома ҳозирги кунга қадар етиб келган. Рим ҳуқуқшунослари қадимги халқаро ҳуқуқ, яъни "халқлар ҳуқуқи"га катта ҳисса қўшганлар. Рим ҳуқуқшуноси Улпиан "халқлар ҳуқуқидан барча халқлар фойдаланади ва у табиий ҳуқуқдир" деган².

Месопотамия, Миср ва Ҳиндистон каби қадимий цивилизациялар ўртасидаги савдо ва дипломатик муносабатларни тартибга солувчи қоидалар пайдо бўлган. Масалан, милоддан аввалги XVIII асрда яшаган Бобил шоҳи Хаммурапи томонидан яратилган ва кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олган 282 та моддадан иборат Хаммурапи қонунлари халқаро ҳуқуқнинг бошланғич шакллари ҳисобланади.

Қадимги дунё халқаро ҳуқуқининг ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат бўлган:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқ жуда содда бўлиб, ягона тизимга эга бўлмаган ва минтақавий хусусият касб этган, чунки у турли жўрофий минтақалар доирасида ривожланган;

Иккинчидан, халқаро ҳуқуқ асосан одат ҳуқуқи нормаларидан иборат бўлиб, диний хусусият касб этган;

Учинчидан, қадимги дунёда замонавий халқаро ҳуқуқнинг анъанавий институтлари ва соҳалари пайдо бўлган ҳамда улар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Булар қаторига уруш олиб боришнинг қонунлари ва одадларининг адолатли бўлиши, урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилиш, шартномаларга риоя қилиш, чет элликларга нисбатан меҳмондўст муносабатда бўлиш, ажнабийларни ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар элчиларини ҳақорат қилмаслик, чет элликлар билан никоҳ тузмаслик каби институтлар кирди.

Ўрта асрлар даври: бу давр милодий V—XII асрларни ўз ичига олади. Европа ва Ислон олами ўртасидаги муносабатлар, хусусан, савдо ва уруш қоидалари бўйича маълум тартиблар ишлаб чиқилган. Ислон ҳуқуқи ва католик черкови қоидалари ҳам ўша даврларда халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос турлари сифатида фаолият кўрсатган. Хусусан, Дания ва Норвегия феодаллар ўртасида тузилган шартномалар ва иттифок битимлари орқали давлатлар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланди.

Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ ўз тараққиётининг навбатдаги босқичига кўтарилган. Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат эди:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқ ва унинг таълимотларига диннинг таъсири катта бўлган, христианлик кенг тарқалган давлатларда дин давлатлараро муносабатларда етакчи мавқега эга бўлган, бу даврда мусулмон халқаро ҳуқуқи пайдо бўлган;

Иккинчидан, халқаро ҳуқуқ ривожига салб юришлари, диний-ҳарбий иттифоклар сезиларли таъсир кўрсатган;

Учинчидан, халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши таъсири остида халқаро ҳуқуқнинг янги институтлари ва соҳалари, жумладан, халқаро денгиз ҳуқуқи ривожланган;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ ривожланиш марказлари янги минтақаларга, яъни Фарбий Европа, Византия, Ҳиндистон, Хитой, мусулмон Шарқи ва Америка қитъасига кўчган;

Бешинчидан, халқаро ҳуқуқ турли хил давлат бошқаруви шаклларида мос равишда ривожланган;

Олтинчидан, халқаро ҳуқуқнинг анъанавий институтлари ва соҳалари янада тараққий этган.

Суверенитет принципининг пайдо бўлиши. Европада XII асрда давом этган 30 йиллик уруш натижасида (1618-1648 йиллар) имзоланган Вестфалия сулҳ шартномалари (1648) Европа давлатлари ўртасидаги урушларни тугатиш ва давлатларнинг тенглиги ва суверенитетини таъминлашга қаратилган. Бу, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири – давлатларнинг тенглиги ва мустақиллигига асос солди.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши (XVIII-XIX асрлар). Европада индустриализация, савдо ва мустамлакачилик сиёсати ортидан халқаро муносабатлар кенгайди. Давлатлар ўртасидаги савдо, уруш қоидалари ва дипломатик муносабатларни тартибга солувчи қонунлар шакллантирилди. Мисол учун, 1864-йилдаги Женева конвенцияси³ уруш вақтидаги инсонпарварлик принципларини белгилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро ҳуқуқ нормалари қадимги дунё тарихида ҳам мавжуд бўлган ва бу жараён тараққий этиб, ҳуқуқ нормаларининг бугунги кунда пайдо бўлиши учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилган.

Эльбрус ШАРИПОВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Тошкент: Адолат. 2006. – Б. 24-25.
2. Rtveladze E.V., Saidov A.X. O'zbekiston hududida eng qadimgi davrda diplomatik munosabatlarning rivojlanishi. – T. 2001.
3. Женевская конвенция 10/22 августа 1864 г.: Положительный международный закон об участии больных и раненых воинов во время войны/ [соч.] Канд. законоведения И. А. Ивановского. - Киев : Унив. тип. , 1884. - II, 191 с.

ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий асослари, турлари ва амалга оширилишидаги ўзига хос жиҳатлар таҳлил қилинган. Хусусан, тугатиш жараёнидаги ихтиёрий ва мажбурий ҳолатлар, суд ва ваколатли органлар қарори асосида тугатиш тартиблари ҳамда юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшилиш, қўшиб олиш, бўлиниш, ажралиш ва қайта тузилиш) шакллари ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *юридик шахс, тугатиш, қайта ташкил этиш, ихтиёрий тугатиш, мажбурий тугатиш, ҳуқуқий жараён, корпоратив ҳуқуқ.*

Юридик шахснинг тугатилиши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бутунлай тугашини англатса, қайта ташкил этишга эса, юридик шахснинг фаолиятини бошқа шаклда давом эттиришга йўналтирилган ҳуқуқий ҳаракатлар мажмуаси сифатида қаралади. Мазкур жараёнларнинг ҳар иккаласи ўртасидаги фарқлар, ўхшашликлар ва ҳуқуқий натижаларни аниқлаш ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Тугатиш – юридик шахснинг ташкилотчилик, иқтисодий ва ҳуқуқий фаолиятига тўлиқ барҳам беришни назарда тутувчи мураккаб ҳуқуқий жараёндир.

Фуқаролик кодексида юридик шахсни тугатиш “ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий ворисларига ўтказилмасдан тугатилиши” сифатида белгиланган (ФК, 53-модда)¹. Бошқача айтганда, тугатиш натижасида субъектнинг ҳуқуқий шахс сифатидаги мавжудлиги якунланади. Бу жараён юридик шахснинг “ҳуқуқий ўлими” сифатида ҳам изоҳланади.

Юридик шахснинг тугатилиши – бу унинг фаолиятини тўхтатиш натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсларга универсал ворислик тартибида ўтказилмасдан бекор қилиниши демакдир. Фуқаролик кодексининг 53-моддасида қайд этилишича, юридик шахснинг тугатилиши унинг ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий ворисига ўтмайдиган ҳолда бекор қилинишига олиб келади. Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши (реорганизацияси) – уни ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсларга ўтказиш йўли билан тугатиш жараёнидир.

Илмий адабиётларда юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида турли назарий қарашлар мавжуд. Айрим ҳуқуқшунослар қайта ташкил этишга ҳуқуқан юридик шахсни тугатиш деб қарашади, яъни унинг ҳуқуқ ва бурчларини бошқа шахсга топшириш жараёни сифатида эмас, шахснинг тўлиқ якуний бекор қилиниши тариқасида кўришади². Бошқа муаллифлар эса қайта ташкил этишни ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир шахсдан бошқага ўтказиш (универсал ҳуқуқий ворислик) жараёни деб билади, яъни ташкилий ўзгартириш фақат шахслар воситасида амалга оширилади³. Умуман оладиган бўлсак, қайта ташкил этишни алоҳида ҳуқуқий режим сифатида кўрувчи олимлар ҳам бор: уларга кўра, қайта ташкил этиш фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг муайян мақсадини таъминлаш учун амалга оширилади ва унинг натижаси ҳуқуқий ворислик деб қаралмайди⁴. Масалан, Ф. Қутлымуратов қайта ташкил этишни асосан ихтиёрий ҳолда амалга оширилади, лекин тажрибага кўра ваколатли давлат органи ёки суд томонидан шахс ажратиб чиқариш ёки бўлиш шаклида мажбурий реорганизация бўлиши ҳам мумкинлиги қайд этилган⁵.

Ҳуқуқшунослар орасида юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш тартибига оид бир қатор полемик масалалар мавжуд. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 53-моддасида ихтиёрий ва мажбурий тугатиш алоҳида нормалар билан кўзда тутилмагани танқид қилинмоқда. Н.Мухиддиновнинг таъкидлашича, юридик шахсни ихтиёрий ёки суд орқали мажбурий тугатиш жараёнлари ҳуқуқий жиҳатдан фарқланган ҳолда алоҳида нормаларда акс этиши лозим. Бу ҳуқуқий муаммолар ва тушунмовчиликлар камайишига хизмат қилади. Е.А. Суханов тугатишни юридик шахс фаолиятини тугатишга доир ҳуқуқий ҳаракатлар мажмуаси сифатида изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, тугатиш натижасида юридик шахс ҳуқуқий муносабатларда субъект сифатида қатнашиш қобилиятини йўқотади⁶.

Ю.К. Толстой тугатиш тушунчасини ҳуқуқий ворислик йўқ бўлган ҳолда фаолиятни тўхтатиш деб таърифлайди. У юридик шахс тугатилишини “субъектликнинг чекка нуқтаси” сифатида баҳолайди⁷.

Фикримизча, юридик шахс тугатилиши бу юридик нормаларда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда, унинг ташкилотчилик асосларини йўқотиш жараёнидир. Шу жараёнда шахснинг мол-мулк ҳуқуқлари ва бурчлари якунланади ва улар ўзгаларга ўтмайди. Қайта ташкил этишда шахснинг ўзи ўзгаришга учрайди, тугатишда эса субъектнинг ўзи йўққа чиқади.

Юридик шахс тугатилиши фақат ташкилий ечим эмас, балки ҳуқуқий субъектликнинг якун топишини англатувчи жараёндир. Ушбу жараёнда юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бекор қилинади, мол-мулк тақсимланади, давлат реестридан ўчирилади ва ҳуқуқий муносабатлардан чиқарилади. Олимлар орасида ушбу жараённинг табиати, ҳуқуқий оқибатлари, ворислик имконияти масалалари борасида илмий тортитувлар мавжуд. Бу эса унинг назарий ва амалий аҳамиятини янада оширади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш – унинг фаолиятидаги ўзига хос трансформация жараёни бўлиб, бу жараёнда шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа шахсга ёки шахсларга ўтади, аммо субъектлик ҳолати тўлиқ тугамайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида қайд этилганидек, юридик шахс қайта ташкил этилиши қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: қўшилиб кетиш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайтадан тузиш.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш – бу юридик субъектнинг ўз ҳуқуқий шаклини, ташкилий тузилишини, иштирокчилар таркибини ёки функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиш

йўли билан модификация қилиш жараёнидир⁸. Қайта ташкил этиш жамиятни тугатишдан фарқли равишда ҳуқуқий ворисликни таъминлайди ва субъектликни тиклайди. Е.А. Суханов эса бундай жараённи “универсал ҳуқуқий ворислик асосида мулкӣ ва шартномавий ҳуқуқлар, мажбуриятлар бир субъектдан иккинчисига ўтиши” деб таърифлайди. Уни ворислик институтини қайта ташкил этиш тушунчасининг марказий мезони сифатида кўради.

Амалдаги Фуқаролик кодексида қайта ташкил этишга оид нормалар кўпроқ ташкилий шаклда белгиланган бўлиб, ҳар бир шаклнинг ҳуқуқий оқибатлари алоҳида кўрсатилмаган. Масалан, кўшилиб кетишда – иккита юридик шахснинг битта янги шахсга айланиши; кўшиб олишда – бир шахс бошқасига кўшилади; бўлишда – юридик шахс бир неча янги ташкилотларга ажралади; ажратиб чиқаришда – асосий шахс сақланиб қолади, бир қисми алоҳида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади; қайтадан тузишда – юридик шахснинг ҳуқуқий шакли ўзгартирилади (масалан, МЧЖ – АЖ).

Юридик шахсни қайта ташкил этиш жараёнининг энг муҳим ҳуқуқий хусусияти – универсал ҳуқуқий ворисликдир. Универсал ворислик тушунчаси ўзаро фикрлар тортишувига сабаб бўлган. Рус ҳуқуқшуноси В.В. Лаптевнинг фикрига кўра, қайта ташкил этишда юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиш эмас, балки унинг ҳуқуқий шакли ўзгариши бўлиб, юридик субъективликни сақлаб қолиш шарт билан амалга оширилади⁹. У қайта ташкил этишни юридик шахснинг “қайта туғилиши”га тенглаштиради. Д.И. Мейер эса XIX асрдаёқ юридик шахсни “ҳаётга келадиган, фаолият кўрсатадиган ва оқибатда тузатилиши ёки тугатилиши мумкин бўлган шахс сифатида” таърифлаган ва реорганизацияни табиий ҳуқуқий жараён сифатида баҳолаган¹⁰.

Юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш фақат ташкилий ўзгариш эмас, балки ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартирадиган мураккаб юридик жараёндир. Бундай жараённинг ҳуқуқий натижалари, хусусан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ворислик асосида ўтиши, мулкӣ мажбуриятларни тақсимлаиши, қарздорлик ҳолатларининг қандай ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ.

Фуқаролик кодексида (49-модда) юридик шахсни қайта ташкил этиш шакллари қайд этилган бўлиб, ҳар бир шаклда ҳуқуқий ворислик даражаси турлича бўлади. Кўшилиб кетиш ва кўшиб олишда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги ташкилотга ўтади; бўлиш ва ажратиб чиқаришда – тегишли “тақсимлаш баланси” асосида тақсимланади; қайта тузишда – юридик шахснинг ўзи сақланиб қолган ҳолда, ташкилий шакли ўзгаради.

Қайта ташкил этиш шакллари бўйича ворислик даражасини куйидагича тавсифлашимиз мумкин:

кўшиб юбориш – 100% универсал ворислик;
кўшиб олиш – фаол ва пасив активларнинг тўлиқ ўтиши;
бўлиш – селектив (танлаб ўтиш) ворислик;
ажратиб чиқариш – фрагментли ворислик (фақат алоҳида мажбуриятлар);

ўзгартириш – ҳуқуқлар сақланади, ворислик эмас.

Агар юридик шахс қайта ташкил этилса, мулкӣ мажбуриятлар “тақсимлаш баланси” асосида янги ташкилот(лар)га ўтади. Бунда ҳар бир шахс қандай мажбуриятларни олиши тақсимлаш ҳужжатида аниқ кўрсатилиши шарт. Агар бу ҳужжатда

аниқлик бўлмаса, суд мажбуриятларни “муносабатлар ўртасидаги алоқадорлик” асосида тақсимлаши мумкин.

Юридик шахс тугатилганда унинг мулкӣ, қарзлари ва бошқа мажбуриятлари тугатиш комиссияси орқали тақсимланади. Бу комиссия Фуқаролик кодексининг 54-моддаси асосида тузилади ва у жамиятнинг мол-мулкӣни инвентаризация қилади, актив ва пасивларини белгилайди, қарздорларга даъво юборилади ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинади.

Юридик шахсни тугатиш ёки қайта ташкил этишда бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, кўп ҳолларда юридик шахс ўз мажбуриятларини тўлиқ адо этмасдан, тугатиш қарорини қабул қилади ёки активларни бошқа шахсга ўтказиб, қайта ташкил этиш орқали кредиторларни алдашга уринган ҳолатлар учрайди. Яна бир ҳолатда, фаолиятни амалга ошира олмаётган ташкилотлар аксар ҳолларда молиявий хатарлардан қочиш учун “қайта тузиш” шаклидан фойдаланиб, номи, иштирокчиларини, ҳатто фаолият турини ўзгартириб, аслида ўша ташкилотни сақлаб қоладилар. Бу ҳолда кредиторлар ва ижтимоий шериклар манфаати бузилиши мумкин.

Фикримизча, юридик шахс тугатилганда солиқ органлари қарздорлик ва жавобгарликни ташкилот раҳбари ёки таъсисчилар зиммасига ўтказиш масаласида етарли қонунчилик механизмига эга эмас.

Юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнида қонунчиликда белгиланган процессуал қафолатлар фуқаролик ва тижорат муносабатларида ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан биридир. Бундай қафолатлар шаффофлик, кредиторлар манфаати, ишончли ҳуқуқий муҳит ва давлат рўйхатининг аниқлиги учун хизмат қилади. Бундан ташқари, бу жараёнларда турли ҳуқуқий хатарлар, суиистеъ-молчиликлар ва номутаносибликлар юзага келиши мумкин. Шу сабабли, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, электрон рўйхат тизимини яхшилаш, суд амалиётида “иқтисодий мазмун”га асосланган ёндашувни жорий этиш зарур.

Шоҳрух КАРИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 21.12.1995 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.04.2025 й., 03/25/1060/0373-сон.
2. Правовое обеспечение российской экономики: Учебник для студентов экономических специальностей / Отв. ред. Н.Г. Маркалова. М., 2002. С. 130.; Гражданское право. Учебник для вузов. Часть первая. М., 1998. С. 96.
3. Шиткина И. Создание холдинговой компании на базе имущественного комплекса единой коммерческой организации // Хозяйство и право. 2002. N 11. С. 61.
4. Мухиддинов Н. “Тижоратчи юридик шахсларни тугатиш тушунчаси ва хусусиятлари”, Oriental Renaissance, 2022, №7.282-бет.
5. Юридические лица в российском гражданском праве. В 3-х т. Т. 3. Создание, реорганизация и ликвидация юридических лиц: монография / А.В. Габов, К.Д. Гасников, В.П. Емельянцева, Ю.Н. Кашеварова; отв. ред. А.В. Габов. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: ИНФРА-М, 2019. 74-б. (-280 с.).
6. Кутлымуратов Ф.К. Проблемы гражданско-правового регулирования принудительной реорганизации юридических лиц: Дисс....канд.юрид. наук. – Т., 2009. -С.104 -106.
7. Суханов Е.А. Гражданское право. Том I. – М.: БЕК, 1998. – С. 279.
8. Толстой Ю.К. Гражданское право. Курс лекций. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 211.
9. Низамходжаев Т.Н. “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслиги. – Тошкент: ТДЮИ, 2018. – 160-б.
10. Лаптев В.В. “Проблемы реорганизации юридических лиц”, Государство и право, №4, 2005.
11. Мейер Д.И. “Русское гражданское право”. – Т. I. – Санкт-Петербург, 1887. – С. 228.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ОИД ШАРТНОМАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон қонунчилиги доирасида уй-жой қурилишига оид шартномалардан келиб чиқадиган низоларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Низоларнинг асосий сабаблари сифатида шартнома шартларининг ноаниқлиги, қурилишдаги камчиликлар, муддат бузилиши ва тўлов муаммолари кўрсатилади. Фуқаролик ва Уй-жой кодекслари нормалари ҳамда суд амалиёти асосида муаммо ва ечимлар ёритилиб, қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар берилади.

Калит сўзлар: уй-жой қурилиши, қурилиш пудрат шартномаси, лойиҳа-смета ишлари, шартнома муҳим шартлари, суд амалиёти.

Ўзбекистон Республикасида уй-жой масаласи жамият ҳаётида устувор ва долзарб аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий масалалардан биридир. Чунки, Конституциямизнинг 47-моддасида ҳар бир фуқаронинг яшаш учун уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу ҳуқуқнинг амалда таъминланиши давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шаҳарсозлик ва инфратузилмани ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Янги турар жой массивлари, кўп қаватли замонавий уйлاردан иборат уй-жой мажмуалари барпо этилмоқда. Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган қурилиш ва инвестиция лойиҳалари доирасида қурилиш компаниялари билан шартнома асосида муносабатлар шаклланимоқда. Айниқса, пудрат шартномалари асосида қурувчи (пудратчи) ва буюртмачи ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда бугунги кунда кўплаб фуқаролик-ҳуқуқий низолар келиб чиқмоқда.

Бу муносабатларда, қурилишнинг муддати, сифати, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлик, молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши каби техник ва ҳуқуқий жиҳатлари мураккаб бўлганлиги сабабли низоли ҳолатлар кўп учрайди. Фуқаролар, тадбиркорлар ва қурилиш ташкилотлари ўртасидаги бундай можаролар кўпинча судгача ёки суд тартибида ҳал этилмоқда.

Уй-жой қурилиш шартномаларидан келиб чиқадиган низолар ишлаб чиқариш пудрат шартномаларидан фарқли ўлароқ маълум хусусиятларга эга.

Биринчидан, бундай шартномалар кўпинча узок муддатли ва кўп босқичли бўлади: лойиҳалаштиришдан бошлаб лойиҳа-смета ишларини тасдиқлаш, ер таъминоти, қурилиш, тамомлаш ва топширишга қадар бир неча босқични ўз ичига олади. Фуқаролик кодексининг 632-моддасида пудрат шартномаси “ашёни тайёрлаш ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш” ҳақида тузилиши белгиланган, яъни қурилиш ҳам пудратга киради.

Иккинчидан, қурилиш шартномалари кўпинча давлат ёки маҳаллий бюджет маблағлари, кооператив ва хусусий жамғармалардан, квартира сотиб олиш бўйича иштирокчилар орасидаги қўшимча тўловлардан молияланган йирик лойиҳалар доираси-

да амалга оширилади. Бундай лойиҳаларда алоҳида қоидаларга риоя қилиниши талаб этилади: масалан, давлат буюртмачиси шартномалари учун Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (ПФ 3240, 302, 395 сонли қарорлар ва бошқалар) қўлланилади.

Учинчи жиҳат: қурилишда конструкцион материал, техника ва экологик хавфсизлик каби махсус меъёрлар мавжуд. Судлар қурилиш пудрати шартномаси низоларини кўриб чиқаётганда нафақат Фуқаролик кодексини, балки Ер, Шаҳарсозлик кодекси ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда иқтисодий процессуал кодекс меъёрларини қўллаши лозимлиги Пленум қарорларида белгиланган. Демак, бу низолар фуқаролик ҳуқуқи билан бирга маъмурий ва корпоратив-иқтисодий меъёрларни ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқий жиҳатдан, қурилиш шартномалари бўйича муносабатлар умумий мезон сифатида Фуқаролик кодекси (пудрат бўлими) ва Уй-жой кодекси доирасида тартибга солинади. Масалан, Уй-жой кодексининг 1 моддаси уй жой масалалари айнан мазкур Кодекс ва тегишли қонунлар ёрдамида тартибга солинишини белгилайди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2001 йилги қарорида “уй-жой қуриш ... билан фуқаролар ўртасидаги келиб чиқадиган низолар” уй-жой муносабатларидан келиб чиқувчи низолар қаторида санаб ўтилган. Бу шуни англатадики, уй-жой қурилиши борасидаги шартномалар туфайли юзага келган даъволар (пудрат, кооператив битимлар, улушга ажратиш каби) қаторида кўрилиши керак.

Фуқаролик кодексининг 364-моддасига мувофиқ, шартнома фақат унинг барча муҳим шартлари тўлиқ келишилган тақдирда тузилган ҳисобланади. Қурилиш пудрати шартномасида эса асосий шартлар – объект тавсифи, ишлар ҳажми, муддат ва баҳо каби элементлардир. Агар суд судланувчи томонидан муҳим шартлар ҳалигача келишилмаганлигини аниқласа, шартнома тузилмади деб қаралади ва низони шартномадан ташқари мажбуриятлар меъёрларидан келиб чиқиб ҳал этади. Бундай ёндашув шартнома ҳужжати етарли бўлмаган ҳолатда иш ҳажми ёки тўланмаган маблағ масалаларини Фуқаролик кодексининг асоссиз бойлик орттириш ёки зарар етказиш моддаларига мувофиқ ҳал қилиш имконини беради.

Уй-жой курилишида низоларга асосий сабаблардан бири сифат талабларининг поймол этилишидир. Мустаҳкамлик ва эстетик кўрсаткичлардаги камчиликлар аниқ бўлганда тортишувлар пайдо бўлади. Масалан, пудратчи сифатсиз материаллардан фойдалангани ёки лойиҳа меъёрларига мувофиқ иш тутмагани айtilса, буюртмачи ишлардан воз кечиш ва зарар ундиришни талаб қилади.

Иккинчи сабаб – муддат бузилиши. Фуқаролик кодексининг 642-моддасига биноан пудратчи ишни белгиланган муддатда тугатмаса, буюртмачи шартномадан чекиниб, зарар ундиришни талаб қилиши мумкин.

Учинчи омил – молиявий масалалар; масалан, тарафлар шартномада назарда тутилмаган қўшимча ишлар ва уларга боғлиқ смета ошиши юзасидан келишолмаслиги тўқнашувга олиб келади.

Тўртинчи сабаб – шартнома шартларини тўлиқ амаллашмаслиги, масалан, нарх янада ошишини муддатида билдирмаганлик туфайли низо келиб чиқиши мумкин.

Бешинчидан пудратчининг тежами (яъни ҳақиқатда кам харажат билан бажарилган иш ҳажми) сифатга таъсир қилгани аниқланса, буюртмачи тўловни камайитиришга ҳақли. Шунингдек, пудратчининг тўловни кечикитириши ёки буюртмачининг пул етказмаслиги низоларни келтириб чиқаради.

Суд амалиётида курилиш шартномасидан келиб чиқадиган низолар кўпинча пудратнинг турли босқичлари (лойиҳалаш, куриш, қурилган объектни топшириш)даги муаммолар атрофида тўпланади. Масалан, ишдан тўлиқ фойдаланишга топшириш пайтида яширин камчиликлар аниқланса, Фуқаролик кодексининг 646-моддаси бўйича келиб чиққан талабларга кўра ишлар қайта бажарилади ёки харажатлар ундирилади. Пудрат корхоналарининг экспертизани тўлиқ ўтказмаслиги, ҳужжатларни тўлиқ тўлдирмаслиги ҳолатлари ҳам суд томонидан салбий баҳоланади. Шу боис Олий суд Пленумининг қароридан пудрат шартномаси шартларини ва асосий ҳужжатларни текширишда эҳтиёт бўлиш зарурлиги қайд этилган.

Юртимизда уй-жой курилиши билан боғлиқ низолар иқтисодий ва фуқаролик судларида ҳал этилади ва улар ҳам Фуқаролик кодексига асосланади. Қонун олдида шартномани асосий ҳужжат деб билган ҳолда, судлар меъёрларнинг аниқ қўлланилиши ва бирликни таъминлаш учун Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг қарорларига таянган ҳолда иш юритадилар. Масалан, 2016 йилдаги 306-сонли Пленум қароридан курилиш пудрати шартномаси судланувчилар муносабатларини белгиловчи ҳужжат экани, муҳим шартлар бўйича келишув зарурлиги, назорат қилиш ва асоссиз бўлақларга бўлиб қўйиб ҳаракат қилиш мумкин эмаслиги таъкидланган.

Миллий ҳуқуқшуносларнинг фикрича, бундай низоларнинг олдини олиш учун шартномаларни пухта тузиш, иш сифати ва муддатларига нисбатан қўшимча кафолатларни белгилаш муҳим. Масалан, кўплаб тадқиқотларда курилишда сифат ва муддат масъулияти мунтазам равишда кўрсатилган бўлиб, пудратчи ва

буюртмачи мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланади. Шунингдек, ишловчилар (архитектор, лойиҳа-муҳандислар)нинг объектив назорати, курилиш-пудрат эксперти жалб этилиши ҳам ижобий ечим сифатида саналган.

Уй-жой курилишига оид шартномалардан келиб чиқадиган низолар маънан мураккаб бўлиб, бир томондан пудрат соҳасининг махсус техник ва лойиҳа талаблари, иккинчи томондан уй жой соҳасидаги жамият ҳаёти ва давлат манфаатларининг уйғунлиги билан боғлиқ. Энг асосий муаммолар сифат назорати бузилиши, лойиҳалаштиришдаги хато, муддатларнинг кечикиши, нарх ошиши ҳамда шартнома шартларининг ноаниқ келишилиши натижасида келиб чиқади. Юқорида кўрсатилган муаммоларга қуйидаги ечимлар таклиф этилади:

пудрат шартномасининг мажбурий шартларига аниқлик киритиш (масалан, асосий ва муҳим шартлар рўйхатини белгилаш), электр ва газ таъминоти каби қўшимча шартларни ҳам ҳужжатда кўрсатиш; шартнома бузилишида товон миқдорини аниқроқ белгиловчи меъёрлар қабул қилиш;

судлар учун ўтказилган ўқув семинарларида курилиш нормативларини, шаҳарсозлик талабларини чуқур ўргатиш, экспертиза натижаларидан кенг фойдаланиш лозим;

шартнома тузишдан олдин ишлар ҳажми, муддат ва баҳо борасида барча тафсилотларни батафсил келишиб олиш ҳамда пудратни бажаришдан аввал лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш;

пудратчи ва буюртмачи ташкилот раҳбарларини курилиш тўғрисидаги қонун норма ва шаҳарсозлик қоидаларига амал қилишга чақириш, сифатсиз ишлар бўйича мутаносиб жазо механизмларини жорий этиш.

Ушбу тавсиялар амалга оширилиши низоларнинг олдини олишга, судларда шу тоифадаги даъволар кўламини камайитиришга ва курилиш соҳасида ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Тадқиқот давомида асосий натижа шундан иборатки, уй-жой курилишига оид шартномалар устидан келиб чиққан низолар бир томондан фуқаролик ҳуқуқи, иккинчи томондан махсус норматив-қонун ҳужжатлари билан бирга ҳал қилиниши лозим. Қонунчилик базасининг чуқур ўрганилиши ва суд амалиётида қўлланишига эътибор қаратилиши – бу масаладаги энг муҳим илмий-амалий ҳулосалардир.

Нурулло АБДУСАМАТОВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Фуқаролик кодекси.
3. Уй-жой кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти" 22-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/-1452371>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2016 йил 23-декабрдаги "Иқтисодий судлар томонидан курилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 306-сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/-3106543>

ЖИНОЯТ ТЎҒРИСИДА БИЛА ТУРИБ ЁЛҒОН ХАБАР БЕРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддасида назарда тутилган — жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар беришнинг ҳуқуқий ва криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг оқибатида инсон ҳуқуқлари ва суд-тергов органлари фаолиятига етказиладиган зарар, жавобгарликни дифференциация қилиш зарурати ҳамда жазони индивидуаллаштириш масалаларини атрофлича ёритади. Шунингдек, амалдаги қонун нормасини қайта ишлаш бўйича муаллифлик таклифлари илғари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят тўғрисида ёлғон хабар, тухмат, жавобгарлик, суд амалиёти, ижтимоий хавф, дифференциация.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддасида назарда тутилган жиноят — била туриб ёлғон хабар бериш — нафақат тергов органлари фаолиятида процессуал бузилишларга сабаб бўлади, балки жиноят содир этмаган, айбсиз инсонни асоссиз айблаш орқали унинг конституциявий ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати оғир зиён етказилади.

Англиялик нуфузли ҳуқуқшунос Эндрю Эшворт таъкидлаганидек, бундай қилмиш “икки баробар таҳдид” касб этади: бир томондан, у суд адолати тамойилларини издан чиқарса, иккинчи томондан, айбсиз шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми ва обрўсига шикаст етказилади. Бу эса айбсизлик презумпцияси ва суднинг ҳолислиги тамойилларини инкор этиш демакдир.

Россиялик олим В.В. Лунёв ҳам бу жиноятни фақат адолат тизимига эмас, балки шахснинг ўзига қарши йўналтирилган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, била туриб ёлғон хабар бериш – бу икки томонлама жиноят: бир томондан – одил судловга қарши, иккинчи томондан – инсон шахсиятига қарши қилмиш ҳисобланади.

Адолат тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принципларига таянадиган ҳолда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни устувор йўналиш сифатида белгилаб олган.

Шу боисдан ҳам шахсни бошиданоқ асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолати ижтимоий адолат мувозанатининг жиддий бузилишига олиб келади.

Бундан ташқари, айбсиз шахсни жавобгарликка тортиш ҳолати кенг маънода адолат тизимига, шу жумладан давлат органларига нисбатан ишончнинг сусайишига, таназзулга олиб келиши мумкин.

Шу тариқа, била туриб ёлғон хабар бериш оқибатида юзага келадиган турли даражадаги ижтимоий оқибатларни ажратиш лозим. Масалан, микродаража – агар била туриб ёлғон хабар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки жиноят тўғрисидаги маълумотларни уларга етказиш мажбурияти юклатилган бошқа ваколатли органларга келиб тушгандан сўнг тез орада фолс этилса.

Бундай ҳолларда ёлғон хабар беришнинг оқибатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нор-

мал фаолиятига нисбатан маълум ноқулайликлар туғдириши мумкин. Бироқ, бу ноқулайликлар айнан органларнинг катта иш юки туфайли кейинчалик жамият учун ҳақиқий хавф туғдирадиган жиноятларни тергов қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддасида назарда тутилган жиноятни тўғри ва асосли равишда малакашдаги қийинчиликлар, асосан, бундай қилмишни содир этувчи шахснинг нияти, мақсади ва ички психологик ҳолатининг етарлича ўрганилмаганлиги билан боғлиқдир. Чунки, айрим шахслар бундай ёлғон маълумотларни фақатгина жиноий жавобгарликдан қочиш ёки ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳатто шахсий муносабатлардаги адоват туфайли бериши мумкин. Шу сабабли, ҳар бир ҳолатда жавобгарликни индивидуаллаштириш, шахснинг ички мотивларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Худди шу фикрни Россия Федерацияси ЖК 306-моддаси мисолида ҳам айтиш мумкин. Ҳар доим ҳам шахс бошқа бир аниқ шахсга нисбатан жиноий жавобгарликнинг юзага келишини истаб ҳаракат қилмайди – баъзи ҳолларда бу фақат содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан қочиш истаги билан боғлиқ бўлади. Бу борада англиялик тадқиқотчи Никола Лейси ўз ишларида таъкидлаганидек, ёлғон хабар бериш, тухмат ёки ёлғон гувоҳлик каби жиноятларда мотивация ва шахснинг феъл-атвори контексти жиноят-ҳуқуқий квалификацияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шунингдек, россиялик олим Е.В. Хохлованинг фикрича, бундай тоифадаги қилмишларни тўғри ҳуқуқий баҳолаш субъектив томон — яъни ният, мотив ва шахснинг руҳий ҳолатини тўлиқ таҳлил қилишсиз имконсиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят содир этганликда бошқа шахсни айблаш мақсадида гумонланувчи томонидан берилаётган била туриб ёлғон кўрсатмалар, агар улар жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида айбловдан ҳимояланиш усули сифатида амалга оширилган бўлса, била туриб ёлғон хабар бериш таркибини шакллантирмайди.

Шу билан бирга, жиноий оқибатларга қараб жамият учун хавф даражаси турлича бўлади. Яъни, микродаражада адолат органлари фаолиятидаги вақтинча-

лик нокулайликлар бўлса, макродаражада – айбсиз шахсга нисбатан асоссиз равишда жавобгарлик юзага келиши мумкин.

Шу сабабли, агар била туриб ёлгон хабар бериш натижасида фақат суд-тергов фаолиятига эмас, балки айбланган аниқ шахснинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам зарар етказилса, бу ҳолат албатта Жиноят кодексидаги модданинг алоҳида қисмида қонуний ифодасини топиши лозим.

Шу тариқа, била туриб ёлгон хабар бериш жиноятининг таркибий хилларини дифференциация қилиш, яъни:

- бир томондан, ҳар қандай мақсадда номаълум шахсга нисбатан ёлгон хабар бериш,
- иккинчи томондан, аниқ шахсга нисбатан, унинг жиноятга алоқадор эмаслиги маълум бўлган ҳолда ёлгон хабар бериш ҳолатларини ҳуқуқий жиҳатдан фарқлаш ҳамда аниқ шахсга нисбатан бундай хатти-ҳаракатларни амалга оширган жиноят субъектига нисбатан қаттиқроқ санкция қўллаш мақсадга мувофиқ.

Чунки, аниқ шахсга нисбатан ёлгон маълумот тарқатиш, бир вақтнинг ўзида бир нечта ижтимоий аҳамиятга молик объектларга таъжовуз қилишга олиб келади:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг нормал фаолиятига,
- шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ижтимоий нуфузига.

Шу билан бирга, номаълум шахсга нисбатан ёлгон хабар бериш, асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиш билан кифояланади.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, жиноий таъқибга учраётган шахснинг ўзига нисбатан қўйилган айб бўйича бошқа, аниқ бир шахс жиноятда айбланиш мақсадида бераётган била туриб ёлгон кўрсатмаси (ғараз ниятда) ҳимоянинг йўл қўйиб бўлмайдиган шакли ҳисобланади.

Чунки бундай ҳаракат натижасида тухмат қилинаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда чекланади, бу эса ушбу хатти-ҳаракатни жиноийлаштириш (криминализация қилиш) зарурлигини талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида била туриб ёлгон хабар бериш жиноятининг турли шакллари – уларнинг мотиви ҳамда етказиётган ижтимоий зарари даражасига қараб жиноий жавобгарлигининг дифференциацияси (фарқли тарзда белгиланиши) назарда тутилмаган.

Ҳолбуки, била туриб ёлгон хабар беришда қуйидаги айрим мотивлар:

- манфаатдорлик (моддий ёки бошқа шаклда),

- жиноят содир этган шахсга қасддан яшириш,
- ҳокимият вакилининг қонуний ҳаракатлари учун интиқом мақсади, ушбу жиноятнинг жамият учун хавф даражасини кескин оширади. Бироқ, амалиётда бундай омиллар жазо тайинлашда судлар томонидан етарлича инобатга олинмайди.

Шу муносабат билан, била туриб ёлгон хабар бериш жиноятининг малакали таркибларини янада аниқ ва батафсил белгилловчи, шунингдек, унинг мотиви ва оқибатларига қараб турли даражадаги жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни жиноят қонунчилигида мустаҳкамлаш лозим.

Назаримизда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддаси объектив томони белгилари сифатида қуйидагиларни акс эттириш таклиф этилади:

- била туриб ёлгон хабар бериш мазмуни ва мотивига қараб жавобгарликни дифференциация қилиш,
- санкцияларда жиноий жазо турлари ва ўлчамларини ўзгартириш,
- жиноятнинг объектив томони белгиларига аниқ таъриф бериш.

Жаъсурбек САТТАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупов А.А. Жиноятнинг субъектив томони: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДЮИ, 2019. – 246 б.
2. Мухаммаджонов М.Т. Одил судлов тамойиллари ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси. – Т.: "Адлия", 2020. – 188 б.
3. Юсупов А.А. Жиноятнинг субъектив томони: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДЮИ, 2019. – 246 б.
4. Правосудие в современном мире: монография / В.М. Лебедев, Т.Я. Хабриева, А.С. Автономов и др.; под ред. В.М. Лебедева, Т.Я. Хабриевой. 2-е изд., доп. и перераб. Москва: Норма, 2017. 784 с.
5. Каршиев Б.Б. Жиноят ҳуқуқи назариясида жавобгарлик асослари ва чегаралари. – Тошкент: "Ҳуқуқ", 2016. – 312 б.
6. Холмуратов Ж.А. Суд-тергов фаолиятида далилларнинг процессуал аҳамияти. – Тошкент: Юридик нашр, 2021. – 214 б.
7. R. v Williscroft, Weston, Woodley and Robinson. 1975 // Victorian Reports. URL: <https://victorianreports.com.au/judgment/view/1975-VR-292>
8. com.au/judgment/view/1975-VR-292
9. Ashworth A. Principles of Criminal Law. – Oxford University Press, 2013. – 576 б. ISBN: 9780199672684
10. Лунёв В.В. Уголовная ответственность за преступления против правосудия. – Москва: Юрлитинформ, 2020. – 228 б. ISBN: 978-5-9516-0977-2
11. Смолин С.В. Уголовная ответственность за заведомо ложный донос: монография / под ред. В.Д. Ла ричева. Москва: Юрлитинформ, 2012. 216 с.
12. R. v Williscroft, Weston, Woodley and Robinson. 1975 // Victorian Reports. URL: <https://victorianreports.com.au/judgment/view/1975-VR-292>
13. Цепелев К.В. Обвиняемый как субъект заведомо ложного доноса // Уголовное право 2018. № 1. С. 111 – 115.
14. Lacey, N. Women, Crime, and Character: From Moll Flanders to Tess of the d'Urbervilles. – Oxford University Press, 2008. – 336 б. ISBN: 9780199205332
15. Хохлова Е.В. Мотивация преступного поведения: уголовно-правовой и психологический аспекты. – М.: Норма, 2021. – 240 б. ISBN: 978-5-91768-396-9

КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада концессия шартномаси тушунчаси, унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама ўрганилган. Турли мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро тажрибага асосланиб концессия шартномасининг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган. Муаллиф концессия шартномасининг комплекс ҳуқуқий табиатга эга эканлигини, унда оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий элементлар уйғунлашганлигини асослаб берган. Концессия шартномаларининг ВОТ, ВТО, ВОО, ВООТ, РОТ, ДБФО, О&Мкаби асосий моделлари батафсил ёритилган. Ҳар бир моделнинг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва қўлланилиш соҳалари кўрсатилган. Концессия шартномасининг моҳиятли белгилари: ўзига хос субъект таркиби, специфик объект, муддатлилик, пуллик, инвестиция ва мақсадли характер алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: концессия шартномаси, ВОТ модели, ВТО модели, концессия моделлари, шартнома табиати, оммавий-ҳуқуқий шартнома, хусусий-ҳуқуқий шартнома, инвестиция лойиҳаси, инфратузилма объекти, шартнома шартлари, концессия муддати.

Замонавий юридик адабиётларда концессия шартномаси тушунчасини аниқлашга турли ёндашувлар мавжуд, бу ушбу ҳуқуқий ҳодисанинг кўп қирралилиги, шунингдек турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимларидаги фарқлар билан боғлиқ.

Кенг маънода концессия шартномаси деганда давлат (ёки бошқа оммавий-ҳуқуқий таълим) хусусий шахсга маълум фаолиятни амалга ошириш ёки давлат мулкидан пуллик ва муддатли асосда фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасида концессия – давлат-хусусий шериклиكنинг бир шакли бўлиб, унда давлат хусусий шерикка мулк ва ер участкаларини концессия шартномаси билан кўзда тутилган маълум хўжалик фаолияти туруни амалга оширишга рухсат бериш билан бирга тақдим этади, деб белгиланган, 1995 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг "Концессиялар тўғрисида"ги 110-II-сон қонунига (ўз кучини йўқотган) мувофиқ эса, концессия шартномаси – "концессия органи ва концессионер ўртасида тузилган, концессия шартларини белгилловчи шартнома". Бунда концессия "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки у ваколат берган давлат органи томонидан хорижий инвесторга концессия шартномаси тузиш асосида унга мулк, ер ва ер ости участкаларини бериш билан боғлиқ маълум хўжалик фаолияти туруни амалга ошириш ҳуқуқини бериш" деб таърифланади.

Шундай қилиб, концессия шартномаси тушунчасини аниқлашга турли ёндашувларни таҳлил қилиш унинг қуйидаги моҳиятли белгиларини ажратиш имконини беради:

1. Ўзига хос субъект таркиби: шартнома томонларидан бири ҳар доим давлат (ёки бошқа оммавий-ҳуқуқий таълим), иккинчиси – хусусий шахс бўлади;
2. Специфик объект: концессия шартномасининг объекти сифатида давлат ҳисобида бўлган мулк ёки давлатнинг эксклюзив монополиясини ташкил этувчи фаолият турлари хизмат қилади;
3. Муддатли характер: концессия шартномаси ҳар доим маълум муддатга тузилади;
4. Пуллик характер: концессионер концедентга концессия объектидан фойдалангани учун тўлов тўлаши шарт;
5. Инвестиция характери: концессионер концессия объектини яратиш ва (ёки) реконструкция қилишга инвестициялар киритиши шарт;

6. Мақсадли характер: концессия объектдан фойдаланиш фақат концессия шартномасида кўзда тутилган мақсадларда мумкин;

7. Оммавий манфаат: концессия шартномасини тузиш жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Концессия шартномасининг ҳуқуқий табиати масаласи юридик фанда мунозарали ҳисобланади. Ушбу шартноманинг тармоқ мансубияти ва шартнома мажбуриятлари тизимидаги ўрни ҳақида турли нуқтаи назарлар мавжуд.

Баъзи олимлар концессия шартномасини тенг ҳуқуқли бўлмаган субъектлар – давлат ва хусусий шахс ўртасида тузиладиган маъмурий (оммавий-ҳуқуқий) шартнома деб кўриб чиқишади. Ушбу нуқтаи назар континентал ҳуқуқ тизимида эга мамлакатлар, айниқса Франция учун хос бўлиб, у ерда концессия шартномаси аънавий равишда маъмурий шартноманинг бир тури сифатида кўриб чиқилади.

Ушбу позицияни қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги далиллар келтирилади:

1. Ўзига хос субъект таркиби, унда томонлардан бири сифатида ҳар доим оммавий-ҳуқуқий таълим хизмат қилади;
2. Оммавий томоннинг хусусий шерикка нисбатан ҳокимият ваколатларининг мавжудлиги;
3. Шартноманинг жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ оммавий йўналганлиги;
4. Шартномада хусусий-ҳуқуқий шартномалар учун хос бўлмаган махсус шартларнинг мавжудлиги (масалан, оммавий томоннинг шартномани бир томонлама ўзгартириш ёки бекор қилиш имконияти).

Бошқа тадқиқотчилар концессия шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга киритиб, томонларнинг тенглиги, шартнома эркинлиги ва ирода автономиясини ушбу муносабатларнинг асосий тамойиллари сифатида таъкидлайдилар. Бу нуқтаи назар ҳуқуқни оммавий ва хусусийга бўлиш мавжуд бўлмаган англосаксон ҳуқуқ тизимида эга мамлакатлар учун хосроқ.

Концессия шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати фойдасига қуйидаги далиллар келтирилади:

1. Томонлар келишувига асосланган муносабатларнинг шартнома характери;
2. Томонлар мулкый манфаатининг мавжудлиги;
3. Муносабатларнинг пуллик характери;

4. Шартномани тузишда томонларнинг тенглиги (ихтиёрийлик, мажбурлаш йўқлиги);

5. Томонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари.

Учинчи нуқтаи назар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра концессия шартномаси аралаш (комплекс) ҳуқуқий табиатга эга, унда оммавий-ҳуқуқий ҳам, хусусий-ҳуқуқий шартнома элементлари ҳам уйғунлашади. Ушбу позиция замонавий юридик фан ва амалиётда энг кенг тарқалган.

Россиялик олим В.Ф. Попондопуло таъкидлаганидек, "концессия келишуви аралаш ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, унда оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш элементлари уйғунлашади. Концессия келишувининг оммавий-ҳуқуқий характери унинг оммавий-ҳуқуқий таълим билан оммавий манфаатларда тузилишида намоён бўлади, хусусий-ҳуқуқий характери эса унинг томонлар тенглиги, ирода автономияси ва мулкий мустақиллигига асосланганлигида".

Француз тадқиқотчиси Л. Рише таъкидлайди, "замонавий концессия шартномалари маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқи элементларини уйғунлаштирувчи гибрид конструкцияларни ифодалайди, бу давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги мураккаб муносабатларни мослашувчан тартибга солиш имконини беради".

Америка олимлари Э. Савас ва Д. Хаким таъкидлайдилар, "АҚШда концессия шартномалари ўзларининг хусусий-ҳуқуқий шаклига қарамай, ҳар доим жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва тақдим этилаётган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлаш билан боғлиқ оммавий тартибга солиш элементларини ўз ичига олади".

Турли мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда концессия шартномаси концессиялар ҳақидаги махсус қонунчилик билан ҳам, фуқаролик (ёки тижорат) ҳуқуқининг умумий нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида, 2019 йил 10 майдаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-537-сонли қонуни 2-моддасининг биринчи хатбошисида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик мазкур қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат эканлиги белгиланган.

Шундай қилиб, концессия шартномасининг комплекс ҳуқуқий табиати тўғрисида хулоса қилиш мумкинки, у ўзида оммавий-ҳуқуқий ҳамда хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш элементларини уйғунлаштиради. Концессия шартномасининг оммавий-ҳуқуқий характери ўзига хос субъект таркибида, специфик объектда, оммавий йўналганликда ва оммавий томоннинг ўзига хос ваколатларида намоён бўлади. Хусусий-ҳуқуқий характер муносабатларнинг шартнома шаклида, томонларнинг мулкий манфаатида, пуллик характерда ва томонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларида намоён бўлади.

Жаҳон амалиётида концедент ва концессионер ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш, хусусий секторнинг жалб этилиш даражаси, хатарларни тақсимлаш ва бошқа параметрлар бўйича фарқланадиган бир неча концессия шартномалари моделлари шакланган.

BOT (Build – Operate – Transfer / Куриш – Эксплуатация қилиш – Топшириш) – концессионер инфратузилма объектини куриш ва маълум муддат давомида эксплуатация қилишни (одат-

да мулк ҳуқуқи асосида) амалга оширадиган модел, муддати тугагандан кейин объект концедентга топширилади. Бу модел энг кенг тарқалган бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, айниқса транспорт инфратузилмаси, энергетика, сув таъминоти ва канализация соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. BOT моделининг хусусиятлари:

- объектни яратиш ва эксплуатация қилиш учун концессионернинг тўлиқ жавобгарлиги;
- лойиҳани молиялаштириш концессионер маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- концессионер объектни эксплуатация қилишдан даромад олади (фойдаланувчилардан тўлов йиғиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва бошқалар);
- концессия муддати тугагандан кейин объект кейинги эксплуатация учун яроқли ҳолатда концедентга топширилади.

Британиялик тадқиқотчи К. Ескомб таъкидлаганидек, "BOT модели давлат ва хусусий сектор ўртасида хатарлар ва жавобгарликни тақсимлаш нуқтаи назаридан энг мувозанатлашган бўлиб, бу унинг жаҳон амалиётида кенг тарқалишини белгилайди".

ВТО (Build – Transfer – Operate / Куриш – Топшириш – Эксплуатация қилиш) – концессионер инфратузилма объектини куради, кейин уни концедент мулкига топширади, лекин маълум муддат давомида объектни эксплуатация қилишни давом эттиради. Бу модел қонунчилик инфратузилма объектига бўлган мулк ҳуқуқини хусусий шахсга топширишга йўл қўймайдиган ёки объектга хавфсизлик ва назорат бўйича махсус талаблар мавжуд бўлган ҳолларда фойдаланилади. ВТО моделининг хусусиятлари:

- мулк ҳуқуқининг (концедентга тегишли) ва эксплуатация ҳуқуқи (концессионерга тегишли) ажратилиши;
- мулк ҳуқуқи билан боғлиқ концессионер учун пастроқ хатарлар;
- концедент учун объект ҳолати ва фойдаланилиши устидан қаттиқроқ назорат ўрнатиш имконияти.

BOO (Build – Own – Operate / Куриш – Эғалик қилиш – Эксплуатация қилиш) – концессионер инфратузилма объектини куриш, эғалик қилиш ва уни концедентга топшириш мажбуриятсиз эксплуатация қилишни амалга оширадиган модел. Бу модел хусусийлаштиришга яқин, лекин ундан концессионер фаолияти концессия шартномаси билан тартибга солиниши ва концедент томонидан назорат қилиниши билан фарқланади. BOO моделининг хусусиятлари:

- объектга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз ёки жуда узоқ муддатга концессионерда қолади;
- мулк ҳуқуқи билан боғлиқ концессионер учун юқорироқ хатарлар;
- объектни эксплуатация қилишга оид қарорлар қабул қилишда концессионернинг юқорироқ автономия даражаси;
- концессионер учун объектни концедентга топшириш заруриятини ҳисобга олмасдан узоқ муддатли режалаштириш имконияти.

BOOT (Build – Own – Operate – Transfer / Куриш – Эғалик қилиш – Эксплуатация қилиш – Топшириш) – концессионер инфратузилма объектини куради, унга эғалик қилади ва уни маълум муддат давомида эксплуатация қилади, кейин объектни концедентга топширади. Бу модел BOT моделининг вариацияси бўлиб, концессионер концессия муддати давомида объектга



мулк ҳуқуқи асосида эғалик қилиши билан фарқланади. BOOT моделининг хусусиятлари:

- объектга бўлган мулк ҳуқуқи концессия мuddатига концессионерга ўтади, кейин концедентга қайтади;
- объектни эксплуатация қилишга оид қарорлар қабул қилишда концессионернинг юқориқроқ автономия даражаси;
- мулк ҳуқуқи билан боғлиқ концессионер учун юқориқроқ хатарлар.

ROT (Rehabilitate – Operate – Transfer / Реконструкция қилиш – Эксплуатация қилиш – Топшириш) – концессионер мавжуд инфратузилма объектини реконструкция қилади, уни маълум мuddат давомида эксплуатация қилади, кейин объектни концедентга топширади. Бу модел мавжуд инфратузилма объекти реконструкция ёки модернизацияни талаб қилганда фойдаланилади. ROT моделининг хусусиятлари:

- концессия объекти реконструкцияни талаб қиладиган мавжуд инфратузилма объекти ҳисобланади;
- янги объект яратишни назарда тутувчи моделларга нисбатан қурилиш харажатлари пастроқ;
- объектни эксплуатация қилиш ва даромад олишни бошлашгача қисқароқ мuddат;
- мавжуд объект ҳолати билан боғлиқ юқориқроқ хатарлар.

DBFO (Design – Build – Finance – Operate / Лойиҳалаш – Қуриш – Молиялаштириш – Эксплуатация қилиш) – концессионер инфратузилма объектини лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш ва эксплуатация қилишни амалга оширадиган модел. Бу бошқа моделлардан лойиҳалаш босқичини аниқ ўз ичига олиши ва концессионернинг лойиҳани молиялаштиришни таъминлаш мажбуриятига урғу бериши билан фарқланади. DBFO моделининг хусусиятлари:

- лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичлари учун концессионернинг тўлиқ жавобгарлиги;
- техник ва молиявий қарорлар қабул қилишда концессионернинг юқориқроқ эркинлик даражаси;
- лойиҳалаш ва молиялаштириш билан боғлиқ концессионер учун юқориқроқ хатарлар;
- концедент учун "калитга тайёр" комплекс ечим олиш имконияти.

O&M (Operation & Maintenance / Эксплуатация қилиш ва Хизмат кўрсатиш) – концессионер қуриш ёки реконструкция қилиш мажбуриятларисиз фақат мавжуд инфратузилма объектини эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатишни амалга оширадиган модел. Бу модел асосий мақсад мавжуд объектни эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш бўлган ҳолларда фойдаланилади. O&M моделининг хусусиятлари:

- концессионернинг инвестиция мажбуриятларининг йўқлиги;
- концессионер учун пастроқ хатарлар;
- қисқароқ концессия мuddати;
- эксплуатация самарадорлигини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатига эътибор.

Аниқ концессия шартномаси моделини танлаш кўплаб омилларга боғлиқ, жумладан:

- ҳуқуқий чекловлар ва талаблар;
- объектнинг техник ва иқтисодий ўзига хослиги;
- концессионернинг молиявий имкониятлари;
- концедентнинг ҳуқуқлар ва жавобгарликни топширишга тайёрлик даражаси;

- томонлар ўртасида хатарларни тақсимлаш;
- объектнинг ижтимоий ва сиёсий аҳамияти.

Британиялик тадқиқотчилар Э. Фарқуҳарсон ва К. Ескомб таъкидлайдилар, "концессия шартномасининг оптимал моделини танлаш лойиҳани амалга оширишга таъсир этувчи барча омилларни пухта таҳлил қилиш ва барча манфаатдор томонлар манфаатлари мувозанатига эришишга интилиш асосида амалга оширилиши керак".

Ўзбекистон Республикасида ўз кучини йўқотган "Концессиялар тўғрисида"ги қонунга кўра, концессия шартномаларининг турли моделлари қўлланилиши мумкин эди, чунки қонун бу борада қатъий чекловлар белгиламаган. Бироқ, амалда энг кенг тарқалган BOT модели, айниқса ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида бўлди. Ўзбек олими А.М. Раҳимов шу муносабат билан таъкидлаган, "Ўзбекистонда концессия шартномаларининг турли моделларини қўллаш амалиётини кенгайтириш концессия лойиҳаларини амалга оширишга нисбатан янада мослашувчан ёндашув ва турли иқтисодий тармоқларининг хусусиятларини ҳисобга олишга ёрдам беради".

Турли мамлакатларда қўлланиладиган концессия шартномалари моделларининг қиёсий таҳлили аниқ лойиҳалар ва тармоқларнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи мураккаброқ ва мослашувчан моделларни ривожлантириш, шунингдек концессия шартномаси томонлари ўртасида хатарларни янада пухта тақсимлаш тенденциясини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил концессия шартномасининг комплекс ҳуқуқий табиати тўғрисида хулоса қилиш имконини беради, у ўзида ҳам оммавий-ҳуқуқий ҳам, хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш элементларини уйғунлаштиради.

Концессия шартномасининг оммавий-ҳуқуқий характери ўзига хос субъект таркибида, специфик объектда, оммавий йўналганликда ва оммавий томоннинг ўзига хос ваколатларида намоён бўлади.

Хусусий-ҳуқуқий характер муносабатларнинг шартнома шаклида, томонларнинг мулкый манфаатида, пуллик характерда ва томонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларида намоён бўлади.

Элдор АНАРБАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bult M., Lindfield G. Public-Private Partnerships in Infrastructure Development: A Guide for Practitioners. – London: ICE Publishing, – 2019.
2. Bult M., Lindfield G. Public-Private Partnerships in Infrastructure Development: A Guide for Practitioners. – London: ICE Publishing, – 2019.
3. Farquharson E., Yescombe E.R. Public-Private Partnerships for Infrastructure: Principles of Policy and Finance. – London: Butterworth-Heinemann, – 2018.
4. Lichère F. Droit des contrats administratifs. – Paris: Dalloz, – 2019.
5. Richer L. Les contrats de concession et la modernisation du droit administratif // Revue de droit public. – 2021. – № 4. – P. 897-912.
6. Roth M. Public-Private Partnerships: A Comparative Analysis. – Berlin: Springer, – 2018. – P. 47.
7. Savas E.S., Hakim D. Public-Private Partnerships in the USA: Forms and Features // International Journal of Public Administration. – 2018. Vol. 41. – № 14. – P. 1172-1184.
8. Yescombe E.R. Public-Private Partnerships: Principles of Policy and Finance. – London: Butterworth-Heinemann, – 2018.
9. Yescombe E.R. The BOT Model: Advantages and Limitations // Journal of Structured Finance. – 2019. Vol. 25. – № 1.
10. Белицкая А.В. Гражданско-правовые аспекты концессионного соглашения // Юрист. – 2019. – № 10.

ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ИМО-ИШОРА ЁКИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ САВОЛЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида имо-ишора ёки йўналтирувчи савол билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Энг муҳими сўроқ пайтида йўналтирувчи ёки имо-ишора қилувчи саволларни тақиқловчи ёхуд рухсат берувчи масалаларга урғу бериб ўтилган. Миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят иши, жиноят процесси, гувоҳ, имо-ишора, йўналтирувчи саволлар, сўроқ, жиноят ишига тааллуқли маълумот, хорижий тажриба, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 442-моддасига биноан, гувоҳ судда такроран сўроққа чақирилиши мумкин. Такроран сўроқ қилишдан асосий мақсад исботлаш предметини ташкил этувчи фактларни олиш; дастлабки терговда берган кўрсатувларни тасдиқлаш ёхуд аввалги берган кўрсатувларга аниқлик киритиш; янги очилган ҳолатлар бўйича сўроқ қилиш (ЖПК 417-модда). Гувоҳ судда тўғридан-тўғри ва такроран сўроқ қилиниши мумкин¹.

Гувоҳни чақирган томон тўғридан-тўғри сўроқ қилади. Кўпинча сўроқ савол-жавоб тарзида ўтказилади. Гувоҳга бериладиган саволлар аниқ ва равшан ифодаланиши керак, имо-ишора шаклида амалга оширилса у рад этилади. Саволнинг аниқ ва равшан бўлишининг мезони гувоҳнинг саволга жавоб бериш имкониятидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 102-моддасига кўра, қўйилган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади. Йўналтирувчи савол - бу гувоҳга савол берувчи ундан олмоқчи бўлган жавобга ундайдиган савол. Йўл кўрсатиш, овознинг махсус интонацияси орқали етказиш ҳам мумкин².

Савол бераётган шахс манипуляция қилиш орқали гувоҳга маслаҳат бериши мумкин, бу эса гувоҳга қайси қисм керакли жавобни ўз ичига олганлигини айтади. Кўпгина судьялар амалиётда одатда сўроқни қўйидагича ишлаб чиққанлар: ким, қандай, қачон, қаерда, нима учун, қайси ёки нима сўроқ сўзлари билан бошланадиган савол етакчи савол эмас. Бундай саволлар камдан-кам ҳолларда жавобни таклиф қилади ва уларни одатда етакчи сифатида рад этиб бўлмайди.

Йўналтирувчи, имо-ишора қилувчи саволлар шахснинг ақлий ёки психологик томондан онгига (гувоҳ, жабрланувчи, судланувчига) таъсир қилиш саналади. Одатда, сўроққа қўйилган шахсни фикрлаш, ҳис қилиш жараёнларига сўз ўйни орқали тортиб, ўзига мақбул бўлган жавоб қўйилади. Оддий қилиб айтганда, йўналтирувчи - бу сўроққа қўйилган шахсни нима дейиши кераклигини талаб қиладиган савол.

Илмий адабиётлардан етакчи саволларга мисоллар: 1. Айбланувчининг ёнида сумкаси борми? (йўналтирувчи савол) / Айбланувчининг ёнида нима бор эди? (йўналтирувчи бўлмаган савол). 2. Х шахс оқ рангли машинани бошқарганми, эслайсизми? (йўналтирувчи савол) / Х қайси рангдаги машинани бошқарган? (йўналтирувчи бўлмаган савол)³.

Сўроқ пайтида йўналтирувчи саволларни тақиқловчи бир қатор истиснолар мавжуд. Масалан, прокурорлар кўпинча судланувчининг танишлари бўлган, яъни унга душманлик қиладиган шахсларни гувоҳ сифатида чақирадилар ва уларга йўналти-

рувчи саволлар бериш орқали кўрсатма бериш ёки буйруғига риоя қилишга ундайди.

Умуман олганда, айрим ҳолатларда йўналтирувчи ёки имо-ишора қилувчи саволлар бериш мумкин. Мисол учун, агар гувоҳ ўзи айтмоқчи бўлган нарсани аниқ ифода эта олмаса (масалан, кексалар, болалар, тилни яхши билмайдиган одамлар ва бошқалар) йўналтирувчи саволларга рухсат берилади. Дастлабки саволларни аниқлаштиришда, масалан, шахсни аниқлашда, йўналтирувчи саволга рухсат берилади. Гувоҳнинг хотирасини тиклаш учун йўналтирувчи саволлар берилиши мумкин. Гувоҳнинг хотирасини тиклаш учун сўроқ қилувчи томон ҳар қандай материалдан фойдаланиши мумкин: турли ҳужжатлар, ёзувлар, газета парчалари, хатлар, электрон ауди-видео ёзувлари, фотосуратлар ва бошқалар.

Судлар ишда далил ҳисобланувчи бундай ҳужжатларга маълум талабларни қўяди. Бунга қўйидагилар кирилади: ҳужжатда гувоҳ шахсан биладиган маълумотлар бўлиши керак; ёзув гувоҳ томонидан хабар қилинган воқеа содир бўлган вақтда ёки воқеа унинг хотирасида сақланмаган пайтда (бир неча кун ичида) киритилиши керак; ёзув гувоҳнинг ўзи томонидан амалга оширилиши ёки у томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳар қандай сўроқ пайтида гувоҳга қўшма саволлар, яъни бир вақтнинг ўзида иккита савол бериш мақсадга мувофиқ эмас. Битта савол билан фақат битта фактга ойдинлик киритиш керак. Бу гувоҳнинг кўрсатувлари аниқ бўлиши ва нотўғри сўралганда эътироз билдиришини осонлаштириш учун зарур. Такрорий саволлар (яъни, сўралганлар), агар бу саволга маълум бир тарзда жавоб берилган бўлса, судья томонидан сўраш тақиқланади. Қарши тарафга яна савол бериш жоиз, чунки гувоҳнинг бу саволга бошқача жавоб бериши эҳтимоли бор.

Мунозарали саволлар бериш тақиқланади. Бундай саволни бериш орқали сўроқ қилувчи гувоҳни далилларда келтирилган ҳолатлардан хулоса чиқаришга мажбур қилади ёки ундайди. Бундай саволларга мисол учун: Сиз бу номувофиқликларни қандай изоҳлайсиз?, Сизнингча, судьялар бунга ишонадими? Бундай савол билан адвокат хулоса чиқариш вазифасини гувоҳга ўтказмоқчи бўлади. Гувоҳни сўроқ қилишда хотирани тиклаш усули кўпинча гувоҳ бирор нарсани унутган ёки шунчаки саросимага тушиб қолганда қўлланилиши мумкин.

Азизхон ПЎЛАТОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси,
ю.ф.ф.д., доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2024.
3. <https://aif.ru/society/law/cto-takoe-navodyashchie-voprosy-na-dopros-i-nuzhno-li-na-nih-otvechat>

АДОЛАТ ВА МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлигини қарор топтириш, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган фидойи аёл ва етук олима — Фарруха Фахриддиновна Мухитдинова муборак 70 ёшни қаршиламоқда.

Инсон ҳаётининг маънавий чўққиси фақат лавозим, унвон ёки мукофотлар билан ўлчанмайди. Асосий қадрият — у қолдирган из, унинг гоялари, меҳнати ва одамлар қалбида қолдирган нуридир. Шу маънода юртимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида, ҳуқуқий давлат қуриш, адолатни тиклаш, демократик ислохотларни амалга оширишда ўзининг билимдонлиги, тинимсиз изланувчанлиги, жўшқин фаолияти билан алоҳида ўрин тутадиган шахслар бор. Ана шундай зотлардан бири — Фарруха Мухитдиновадир.



СУД ТИЗИМИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Фарруха Фахриддиновна 1955 йили Тошкент вилоятида дунёга келган. Унинг ёшлиги, илк талабалик йиллари ва кейинги меҳнат фаолияти мамлакатимиздаги сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлди. У 1977 йили Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади.

Шу йилдан у меҳнат фаолиятини Олий судда катта консультантликдан бошлаб, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси, судлов ҳайъати раиси, кейинчалик Олий суд раиси лавозимигача хизмат пиллапояларидан кўтарилган. Бу йиллар давомида қонунларни тартибга солиш ва тарғиб қилиш, суд амалиётини умумлаштириш ва статистикасини таҳлил қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Судья сифатида у фуқаролик ишларини ҳал қилишда инсон ҳуқуқлари, оила қадриятлари ва мулкий муносабатларга оид низоларни ҳал қилишда қонунийлик ва адолат мезонларини устувор деб билди, суд адолатига халқ ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ўз раҳбарлигидаги судлов ҳайъатини юксак ҳуқуқий маданият ва ҳолислик руҳида бошқарди.

2003–2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси сифатида фаолият юритиб, фуқаролик ишлари бўйича судлов амалиётини ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, судьялар малакасини ошириш, суд адолатини юксалтириш соҳаларида кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

ҚОНУН ИЖОДКОРИ СИФАТИДА

Фарруха Фахриддиновнанинг давлат бошқаруви ва парламент тизимидаги тажрибаси ҳам диққатга сазовор. У 1996–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты – Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасидаги фаолияти орқали мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда фаол иштирок этди. 2000–2003 йилларда эса Олий Мажлис раиси ўринбосари сифатида халқ вакиллиги институтларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришда фаол қатнашди.

1999–2007 йилларда у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака Комиссияси раиси сифатида фаолият юритиб, судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш, судьяларни лавозимга тайинлаш (озод қилиш) масалаларини ҳал этиш чоғида қонунчилик ва ижтимоий адолат кафолатларини, шунингдек суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор берган.

2005–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари сифатида, Сенат иш фаолиятини йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни парламент назорати орқали ҳал этиш йўналишида кўплаб ишларга бош бўлди.

ИЛМ ФИДОЙИСИ

Фарруха Мухитдинова — ҳуқуқшуносликда илмий-назарий ва амалий тафаккур уйғунлиги намунаси.

У киши — Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида назарий ва амалий таҳлилни самарали уйғунлаштирган етук олималардан бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи, суд ҳокимияти назарияси, суд мустақиллиги ва суд амалиёти масалаларида юксак даражада илмий изланишлар олиб бормоқда.

У 1997 йилда “Фуқароларнинг уй-жой мулк ҳуқуқи ва унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан суд муҳофазаси” мавзусида номзодлик ва 2012 йилда “Ўзбекистон Республикасида суд тизимининг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Унинг илмий мероси 40 дан ортиқ мақолалар, монографиялар, амалий қўлланмалар ва қонун лугатини ўз ичига олади.

Фарруха Мухитдинованинг илмий фаолиятида 1990-йилларда мамлакатдаги хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ уй-жой ҳуқуқи, мулк ҳуқуқининг шаклланиши ва нотариал тартибдаги битимлар таҳлили алоҳида ўрин тутди. Бу тадқиқотлар ўз вақтида фуқаролик ҳуқуқи ва амалиётида муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилган.

2000 йиллардан бошлаб Фарруха Мухитдинова суд-ҳуқуқ ислохотлари, судьялар мустақиллиги ва суд кадрларини танлаш жараёнларини ёритувчи мақолалар билан юртимиздаги ҳуқуқий ислохотлар жараёнига фаол ҳисса қўшди. "Суд мустақиллиги — адолат кафолати", "Конституция ва судьялар мустақиллигининг кафолати", "Ўзбекистонда суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларининг демократлашуви" каби илмий мақолалари қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги масалаларида чуқур таҳлил асосида ёзилган.

Олиманинг илмий изланишлари тарихий ҳуқуқшуносликка ҳам тааллуқли бўлиб, Туркистонда колониал судлар, Октябрь тўнтаришидан сўнгги репрессив судлар ҳақидаги мақолалари ҳуқуқий хотира ва миллий ҳуқуқ мактаби тараққиётини таҳлил қилади.

Сўнгги йилларда эса суд ҳокимиятининг вазифалари ва функцияларига бағишланган тадқиқотлари билан илмий муҳитда фаол иштирок этмоқда. "Суд ҳокимияти функциялари", "Суд ислохотларида янги босқич" сингари мақолалари ҳуқуқ назарияси ва давлатчилик фалсафасини бойитди. Шу билан бирга, унинг судьяликка номзодлар ва судьялар учун "Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш", "Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини белгилаш ва ундириш", "Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти" каби амалий қўлланмалари чоп этилди.



Фарруха Мухитдинова фаолияти — назарий билимни амалий ҳаёт билан боғлай олган, суд адолати ва ҳуқуқий тараққиётга бағишланган илмий ҳаёт намунасидир. Унинг ишлари бугун ҳам юристлар, судьялар ва ҳуқуқшунос олимлар учун ишончли назарий асос ва амалий дастур вазифасини ўтамоқда.

ЮКСАК МАҲОРАТЛИ ПЕДАГОГ

Мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан илм-фан соҳасида тўпланган бой тажрибани жамият тараққиёти ва ёш авлод тарбиясига йўналтириш, маърифат соҳасини янада жонлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Ана шундай жараёнда катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга академиклар, фан арбоблари қайта фаол ҳаётга жалб этилаётди.

Шу маънода, ўзининг юксак ҳуқуқий билим ва тажрибасини ёшларга етказишга бел боғлаган Фарруха Мухитдинова бугунги кунда "Судьяни судья ўқитади" тамойилига мос равишда Судьялар олий мактабида профессор сифатида самарали фаолият юритмоқда.

У ўнлаб ёш тадқиқотчиларнинг илмий раҳбари, судьяликка номзодларни тайёрлашда устоз сифатида фаол изланишда, замонавий билимлар тарқатишда, назария билан амалиётни мустаҳкам боғлаш орқали ўзининг педагогик фаолиятини давом этирмоқда. Унинг дарслари, суҳбатлари ва илмий раҳбар сифатидаги ёндашуви — тингловчилар қалбида ҳуқуқшуносликка муҳаббат уйғотиш, судьялик масъулиятини чуқур англаш ва адолатпарварликни ҳаёт услубига айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Фарруха Фахриддинованинг меҳнатлари муносиб эътироф этилган. У "Мустақиллик" нишони (1992), Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи (1994), "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони (1997), "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 10 йил" эсдалик нишони (2001), "Меҳнат шухрати" ордени (2003), "Мўътабар аёл" кўкрак нишони (2022), "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишони (2022), "Бенуқсон хизматлари учун" эсдалик нишонлари (2024) билан тақдирланган.

Фарруха Мухитдиновада ақл, қалб ва масъулият бирлашган. У нафақат билимли, балки одамлар дардини ҳис этувчи, танқидий фикрлаш қобилияти юқори, қатъиятли, замонавий дунёда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан хушёр, воқеликни инкор қилмай, уни англайдиган, жамият ҳаётида фаол ва онгли қатнашувчи, ҳаётда мувозанатни сақлашни уddалайдиган шахс.

Унинг фазилатларидан бири — одамлар билан меҳрибон ва мулоим муомалада бўлиш, ёшларга ибрат, катталарга ҳурмат кўрсатиш, ҳаққонийлик ва поклик тамойилларига қатъий риоя қилишидир. У нафақат билимли ҳуқуқшунос, балки самимий инсон, мураббий ва ватанпарвар фуқаро сифатида ҳурмат қозонган.

СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА

Фарруха Фахриддинованинг ҳаёти — бу илму маърифат, ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик билан йўғрилган ҳаёт. Унинг ҳаёт йўлидан ибрат олган ҳолда юртга садоқат, илмга муҳаббат ва адолатпарварлик руҳида фаолият олиб бориш ҳар бир юрт фарзанди учун намуна бўла олади.

70 йиллик юбилей — бу нафақат ўтган ҳаётнинг сарҳисоби ва муносиб баҳоси, балки янги илмий ва маънавий марраларга интилишга даъватдир.

Фозилжон ОТАХОНОВ,

Судьялар олий мактаби профессори, юридик фанлар доктори.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТОВЛАМАЧИЛИК ҚИЛГАН “ШОВВОЗ”

Бугунги кунда интернет дунёнинг энг номдор кутубхоналари ва етакчи олий таълим даргоҳларига олиб кирадиган, масофавий таълим, электрон тижорат ва бошқа қимматли воситалар эшигини очиб берадиган вазифаларни бажармоқда ва изланувчан инсон учун бениҳоя зарур ва керакли, катта наф келтирувчи манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, миллий интернет орқали таклиф этиладиган хизматлар доираси жуда чеклангани сабабли, аҳолининг аксарият қисми асосан интернетдаги “Телеграм” ижтимоий тармоғидан ёзишма учун фойдаланмоқда.

Қачонки интернетдан тўғри фойдаланилса, унинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш мумкин.

Қашқадарё вилоятида яшовчи Зариф Шарипов (исми-фамилияси ўзгартирилган) эндигина 25 ёшни қаршилаган. Билим юртида таҳсил олган. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Унинг илми ва юриш-туришига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Бироқ...

Бироқ, у ўзига тегишли савдо дўконига сотувчи бўлиб ишловчи Жамила Якубованинг телефон рақами орқали унинг интернетдаги – “Telegram” мессенжеридаги профилига кириб, жияни Элбек Очилов билан мулоқот қилиб юрганини кўриб қолади ва фикри-хаёли бузилади.

Ўзига “Telegram” мессенжери орқали янги профил очиб, Жамила Якубованинг “Telegram” мессенжеридаги профилига турли ёзувлар юбориб, унга Элбек Очилов билан шахсий ёзишмалари, фото ва видеоларини кўрсатиб, Жамила Якубова учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни тарқатиб юборишини айтиб, уни кўрқитиб, товламачилик йўли билан 500 АҚШ доллари талаб қилади.

Имконсиз аҳволга тушиб қолган Жамила Якубова товламачи Зариф Шариповнинг таклифига рози бўлади ва улар ушбу ёзувларни тарқатмаслик эвазига 3.500.000 сўмга “келишишади”. Жамила Якубова эса бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар беради.

Зариф Шарипов ўзи билан билим юртида бирга таҳсил олган Камол Тураевдан фойдаланиб, уни Жамила Якубова билан учрашиб, келишилган пулни олиш учун юбориб, ўзи эса “Telegram” мессенжери орқали Жамила Якубовага пулни олиб бориши ва қўйиб кетиши керак бўлган жойларни айтиб туради.

Бироқ, Зариф Шариповнинг худди ғарб кинофильмларида тасвирлангани каби усуллардан



фойдаланиб, Жамила Якубовадан пул олмоқчи бўлиш жиноий мақсади амалга ошмади.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Мазкур жиноят иши очиқ суд мажлисида ҳар томонлама мазмунан кўриб чиқилди ва Зариф Шарипов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми (товламачилик) билан айбли деб топилиб, унинг айбига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, ёшлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келиши, жиноят содир қилганидан кейинги хулқ-атвори, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлиги ва яшаш жойидан ижобий тавсифлангани каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар эътиборга олиниб, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилинган ҳолда жазо тайинланди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг оилавий шароитлари ўрганилмагани, айниқса ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгги, дунёқарашида ватанга, ота-она ва оилага муҳаббат руҳини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмагани бу каби жиноят келиб чиқишига шарт-шароит яратилишига сабабчи бўлганлиги эътиборга олиниб, алоҳида хусусий ажрим чиқарилди.

Шу ўринда, интернетнинг фақат устунлик ва қулайликларидан самарали фойдаланишни, бунда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни, турли ёлгон ва тўхматлардан тийилиш лозимлигини, интернет бошқариб бўлмас ахборот майдонига айланиб қолиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозимлигини барчага яна бир қарра эслатиб ўтишни жоиз топдик.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,

жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди раиси.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАССИФИКАЦИИ НЕСПРАВЕДЛИВЫХ УСЛОВИЙ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ДОГОВОРАХ

АННОТАЦИЯ: статья посвящена доктринальному обоснованию необходимости классификации несправедливых условий в предпринимательских договорах как самостоятельной правовой категории. В условиях отсутствия в гражданском законодательстве Республики Узбекистан легального определения и критериев несправедливости договорных положений исследуется понятийная неопределённость данной категории и разнообразие научных подходов к её интерпретации. С опорой на принципы добросовестности, разумности и договорного равенства анализируются теоретические предпосылки систематизации несправедливых условий. Обосновывается актуальность формирования классификационной модели, способной повысить предсказуемость правоприменения и обеспечить правовую защиту слабой стороны в предпринимательских отношениях.

Ключевые слова: несправедливые условия, предпринимательские договоры, договорный дисбаланс, слабая сторона, добросовестность, классификация условий, правовая неопределённость.

Вопрос о классификации несправедливых условий в предпринимательских договорах приобретает всё большую теоретическую и практическую значимость в условиях усиливающейся асимметрии между сторонами договорных обязательств. Отсутствие в национальном законодательстве Республики Узбекистан легального определения данной категории, равно как и чётких критериев её применения, обуславливает необходимость разработки доктринальной базы, способной обеспечить системное понимание сущности несправедливых условий и их типологизации. Формирование теоретической модели классификации таких положений представляется необходимым элементом для укрепления договорного равенства, повышения предсказуемости правоприменения и усиления защиты слабой стороны в предпринимательской среде.

Актуальность исследования доктринальных основ классификации несправедливых условий в предпринимательских договорах обусловлена отсутствием в гражданском законодательстве Республики Узбекистан нормативно закреплённого подхода к данной категории условий. Несмотря на закрепление принципов добросовестности, разумности и равноправия сторон в Гражданском кодексе¹, мы становимся свидетелями того, как правоприменительная практика² сталкивается с затруднениями при идентификации положений, нарушающих баланс интересов участников сделки. С нашей точки зрения, особенно остро эта проблема проявляется в рамках типовых и присоединительных договоров³, где одна из сторон фактически лишена возможности влиять на содержание условий⁴. Возникающая в результате правовая неопределённость порождает высокий уровень субъективности в судебной оценке и подрывает стабильность гражданского оборота.

Как нам видится, проблема несправедливых условий находится на стыке теории и практики, однако ни в международной, ни в национальной правовой доктрине до настоящего времени не сложилось единого подхода к её содержательному наполнению и систематизации. Термины «обременительные», «явно обременительные», «нечестные», «недобросовестные» и «явно неблагоприятные» условия используются в научной литературе как синонимичные (А.В. Цыпленкова⁵, А.Г. Карапетов, А.И. Савельев⁶, Ю.Б. Фогельсон⁷ и др.).

Кроме того, в правовой системе Республики Узбекистан соответствующая категория вовсе лишена нормативного закрепления. В процессе исследования, было выявлено, что Гражданский кодекс лишь опосредованно указывает на пределы свободы договора, не предоставляя инструментов для квалификации несправедливости конкретного условия в предпринимательских договорах⁸. В результате судебная практика формируется непоследовательно⁹, особенно в условиях цифровизации и распространения стандартных договоров, что усугубляет

уязвимость слабой стороны. В этих условиях разработка доктринальной классификации несправедливых условий, основанной на юридических признаках, механизме формирования и последствиях реализации, приобретает ключевое значение для дальнейшего развития договорного регулирования и правовой определённости.

Целью настоящего исследования является формирование целостной теоретико-правовой модели классификации несправедливых условий в предпринимательских договорах, основанной на доктринальных подходах, сравнительно-правовом анализе и параметрах, пригодных для применения в правоприменительной практике. В рамках поставленной цели в исследовании решаются следующие задачи: выявление существующих научных подходов к понятию несправедливого условия; анализ зарубежных и международных источников права; обоснование критериев, позволяющих отграничить несправедливые положения от допустимых ограничений договорной свободы; выработка системной классификации таких условий по содержательным и формальным основаниям.

Объектом исследования являются предпринимательские договорные правоотношения, содержащие положения, нарушающие принцип равенства и справедливости. Методологическую основу исследования составляют формально-юридический и сравнительно-правовой методы, а также элементы правового моделирования и системного подхода. Особое внимание в настоящем исследовании уделяется положениям Модельного закона «О договорном праве»¹⁰ для государств — участников СНГ, а также регулированию в правовых актах Германии, Франции, США и Европейского союза.

Проблематика классификации несправедливых условий в предпринимательских договорах тесно связана с отсутствием единообразного понятийного и категориального аппарата в юридической доктрине. Несмотря на широкое распространение договорных конструкций, предполагающих потенциальный дисбаланс интересов сторон, гражданское законодательство большинства постсоветских государств, включая Республику Узбекистан, не содержит легального определения несправедливых условий, равно как и формализованной классификации данной категории.

В отличие от стран Европейского союза, где несправедливые условия получили нормативную регламентацию на уровне директив (например, Директива 93/13/ЕЭС¹¹), в национальных кодексах постсоветских стран подобная терминология либо отсутствует вовсе, либо используется фрагментарно — без закрепления чётких критериев или правовых последствий. В настоящем исследовании следует обратить внимание на Гражданский кодекс Республики Узбекистан, который лишь опосредованно затрагивает проблему договорного предпринимательского неравенства через общие принципы свободы договора, добросовестности и разумности¹², однако категория «несправедливости» не имеет прямого нормативного выраже-

ния, в отличие, например, от понятий «ничтожное условие»¹³ или «кабальная сделка»¹⁴. Кроме того, в законодательстве отсутствует специальный подход к условиям, включённым в предпринимательские договоры присоединения¹⁵ и типовые соглашения предпринимательского характера, что особенно проблематично для B2B-сектора, где договорное давление может проявляться не только в абсолютно любом сегменте. В результате, суды при разрешении споров вынуждены полагаться на оценочную категорию добросовестности, без надлежащего понятийного аппарата, что порождает правовую неопределённость и отсутствие единообразной практики.

Нами были изучены некоторые зарубежные научные подходы, связанные с данным вопросом. Как по терминологии, так и по методологическим ориентирам: в ряде научных работ (А.В.Цыпленкова¹⁶, А.Г.Карапетов¹⁷, А.М. Ширвиндт¹⁸) акцент делается на нарушении принципа равенства и добросовестности, в других (М.А. Егорова¹⁹, Е.С. Хохлов²⁰) – на несоразмерности взаимных обязанностей или злоупотреблении доминирующим положением одной из сторон. Следовательно, такое разнообразие подходов порождает не только понятийную неопределённость, но и методологическую разрозненность, затрудняющую выработку универсальных классификационных критериев.

С нашей точки зрения, а также исходя из существующих в научной литературе подходов, классификацию несправедливых условий следует разделить на содержательные, формальные и функциональные, каждая из которых отражает различный аспект несправедливости в договорных отношениях. Так, содержательные классификации опираются на характеристику самого договорного положения и его влияние на баланс интересов сторон. Согласно позиции А.Г. Карапетова, несправедливыми признаются условия, нарушающие принцип эквивалентности встречных предоставлений либо создающие для одной стороны чрезмерные риски без соразмерной компенсации со стороны контрагента²¹. В частности, это касается условий, ограничивающих ответственность одной стороны, предоставляющих ей одностороннее право на изменение договора или уступающих неадекватные санкции для другой стороны.

Формальные подходы фокусируются на способе включения условий в текст договора, исходя из презумпции, что условия, навязанные в условиях информационного и переговорного неравенства, с большей вероятностью окажутся несправедливыми. А.В. Цыпленкова подчёркивает, что такие положения нередко содержатся в типовых или присоединительных договорах, где слабая сторона фактически не участвует в согласовании условий²². Именно формально-присоединительный характер таких договоров снижает возможность ведения переговоров, что усиливает риск злоупотребления доминирующим положением.

Функциональная классификация основана на разграничении процедурной и материальной несправедливости, модель которой нашла нормативное выражение в праве Европейского союза. В частности, ст. 3 Директивы 93/13/ЕЭС указывает, что условие признаётся несправедливым, если оно не было предметом индивидуального согласования и вопреки требованию добросовестности приводит к значительному дисбалансу в правах и обязанностях сторон²³. Подобный подход получил развитие и в Германской доктрине, где допускается судебный контроль условий по критерию добросовестности как в части формы заключения, так и содержания²⁴. В праве Европейского союза ключевым актом выступает Директива 93/13/ЕЭС, согласно которой договорное условие признаётся несправедливым, если оно не было предметом индивидуального согласования и вопреки требованию добросовестности приводит к значительному дисбалансу в правах и обязанностях сторон (ст. 3)²⁵.

В американской доктрине ключевым инструментом выступает принцип *unconscionability*, закреплённый в Разделе 2-302 Единообразного торгового кодекса (UCC). Он предусматривает возможность признания усло-

вий договора недействительными, если они являются «нечестными до предела» либо были навязаны в условиях процессуального неравенства. Здесь выделяются два ключевых критерия: *procedural unconscionability* (процедурная несправедливость: отсутствие реального согласия, давление, скрытые положения) и *substantive unconscionability* (содержательная несправедливость: чрезмерно обременительные условия)²⁶. Правовая модель США исходит из признания допустимости судебного контроля не только за содержанием договорного условия, но и за процедурой его включения в договор, что отражает комплексный подход к обеспечению договорного равновесия. Концепция *unconscionability*, закреплённая в § 2-302 Единообразного торгового кодекса (UCC)²⁷, позволяет судам признавать недействительными положения договора, если они были включены при наличии элементов процедурной несправедливости (например, отсутствие реального согласия, давление, неравенство переговорных позиций), либо при наличии чрезмерной обременительности или дисбаланса обязательств, т.е. материальной несправедливости.

Особенностью американского подхода является его универсальность: в отличие от европейской практики, ориентированной преимущественно на защиту потребителя, доктрина *unconscionability* применяется также в контрактах между коммерческими субъектами (B2B), если доказано наличие неравенства сторон при формировании договорных условий. Следовательно, контроль охватывает как волевую, так и содержательную компоненты договора, обеспечивая гибкость правовой оценки с учётом конкретных обстоятельств заключения сделки и возможных злоупотреблений в условиях асимметрии сторон.

Исходя из вышеупомянутого, можно понять, что зарубежная правовая практика предлагает различные модели классификации несправедливых условий, в основе которых лежат как доктринальные конструкции, так и нормативное закрепление процедурных и содержательных критериев.

С точки зрения положений статьи 40 Модельного закона «О договорном праве» для государств — участников СНГ, в нормативном поле впервые формализовано понятие несправедливых договорных условий, отражающее как материальные, так и процедурные аспекты договорного дисбаланса. Согласно данной норме, условие признаётся несправедливым, если оно существенно нарушает баланс интересов сторон, будучи явно обременительным для одной из них, причём даже в случае его формального соответствия закону²⁸.

Ключевым критерием несправедливости признаётся наличие положения слабой стороны договора, когда контрагент оказался в ситуации, затрудняющей согласование иного содержания спорного условия. Закон содержит презумпцию того, что несправедливым является условие, которое: лишает слабую сторону прав, обычно предоставляемых по договорам аналогичного характера;

исключает или ограничивает ответственность другой стороны за нарушение обязательств;

содержит другие явно обременительные положения, которые сторона не приняла бы при наличии реальной свободы выбора.

Особенность данной статьи заключается в детализированном подходе к судебной оценке несправедливости, предполагающем комплексный анализ всех условий договора и сопутствующих обстоятельств.

Из чего нам следует сделать вывод о том, что, статья 40 Модельного закона демонстрирует попытку создать единый правовой механизм, позволяющий выявлять, квалифицировать и нейтрализовать несправедливые договорные условия, независимо от их формальной законности, акцентируя внимание на фактических обстоятельствах заключения договора и реальной диспозитивности сторон. Мы считаем, что это делает её важнейшим источником для формирования классификации несправедливых условий в рамках правовой системы государств СНГ.

С нашей точки зрения, эффективное регулирование несправедливых условий в предпринимательских договорах невозможно без их чёткой и обоснованной классификации, отражающей многообразие проявлений договорного неравенства. В результате проведённого нами исследования была разработана комплексная типология, позволяющая систематизировать условия по нескольким значимым критериям. Как нам видится, по способу формирования различаются навязанные условия, односторонне включённые в текст договора без реальной возможности обсуждения, и маскированные условия, скрытые в примечаниях, сносках или оформленные мелким шрифтом, что затрудняет их восприятие сторонами.

Исходя из характера правового дисбаланса, нами выделены условия, ограничивающие права одной стороны (например, исключающие право на изменение, расторжение или судебную защиту), и расширяющие права другой стороны до уровня, выходящего за пределы разумности и добросовестности.

В рамках правовых-экономических последствий с нашей позиции выделяются финансово обременительные условия, предусматривающие чрезмерные штрафы и санкции, а также условия, перекладывающие все риски на одну сторону, в том числе исполнение обязательств и форс-мажорные обстоятельства. Кроме того, отдельное внимание следует уделять информационно асимметричным условиям, при которых одна из сторон лишена доступа к полной и достоверной информации о содержании и последствиях договора.

С учётом отраслевой специфики нами обособлены стандартные условия электронной коммерции, не подлежащие индивидуальному согласованию на цифровых платформах, а также условия, характерные для публичных закупок и франчайзинга, где структура договора задаётся регулируемыми органами или корпоративной иерархией. В юридическом плане предлагается разграничение между условиями, противоречащими императивным нормам законодательства, и оспоримыми условиями, формально допустимыми, но нарушающими принципы добросовестности и договорного баланса.

Следовательно, представленная классификация, основанная на междисциплинарном подходе, охватывает основные направления проявления несправедливости и может служить опорой как для теоретического анализа, так и для формирования единообразной судебной практики.

Проведённое исследование подтвердило, что проблема несправедливых условий в предпринимательских договорах требует системного научного осмысления и правового инструментария, способного реагировать на асимметрию в договорных отношениях, особенно в B2B-сегменте. Отсутствие в гражданском законодательстве Республики Узбекистан нормативно закреплённого понятия и научная неразработанность теории классификации несправедливых условий порождает правовую неопределённость, снижает предсказуемость правоприменения и ослабляет защиту более уязвимых субъектов предпринимательства.

Разработанная нами классификация несправедливых условий, основанная на многоуровневом подходе – по способу формирования, характеру правового дисбаланса, правовым-экономическим последствиям, уровню информированности сторон, отраслевой специфике и юридической природе – представляет собой значимый шаг к формализации понятийного аппарата и правовой определённости в данной области. Тем самым, такая систематизация может служить как основой для дальнейшего научного анализа, так и прикладным инструментом для формирования судебной практики и договорной экспертизы.

Хайриддин НУРИДДИНОВ,

докторант Ташкентского государственного юридического университета.

Список использованной литературы:

1. См. статьи 1, 5 и 9 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
2. https://public.sud.uz/report/ECONOMIC_OLD
3. См. статью 360 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
4. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан. Т. 1 (часть первая). Министерство юстиции Республики Узбекистан / под ред. Х. Р. Рахманкулова, Ш. М. Асынова. – Т.: Vektor-Press, 2010-768 с.
5. Цыпленкова А. В. Договор присоединения как особая категория гражданского права: дис. ... канд. юрид. наук. Москва, 2002. 202 с. URL: <https://www.dissercat.com/content/dogovor-prisoedineniya-kak-osobaya-kategoriya-grazhdanskogo-prava>
6. Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода договора и её пределы: в 2т. – М., 2012. Т.2: Пределы свободы определения условий договора в зарубежном и российском праве – 453 с.
7. Фогельсон Ю. Б. Несправедливые (недобросовестные) условия договора // Хозяйство и право. 2010. № 10. С. 29-55. URL: <https://publications.hse.ru/articles/63264377>
8. См. статью 354 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
9. https://public.sud.uz/report/ECONOMIC_OLD
10. Модельный закон «О договорном праве» для государств – участников Содружества Независимых Государств, утверждённый постановлением Межпарламентской ассамблеи СНГ от 28.10.2022 № 54-24.
11. Директива 93/13/ЕЭС Совета Европейских сообществ от 5 апреля 1993 г. о несправедливых условиях в договорах с потребителями // EUR-Lex. URL: https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=C_ELEX%3A31993L0013
12. См. статьи 1, 5 и 9 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
13. См. статью 116 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
14. См. статью 123 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
15. См. статью 354 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан (Часть первая) (утверждена Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163-И) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2024 г.). URL: <https://lex.uz/docs/111181>
16. Цыпленкова А. В. Договор присоединения как особая категория гражданского права: дис. ... канд. юрид. наук. Москва, 2002. 202 с. URL: <https://www.dissercat.com/content/dogovor-prisoedineniya-kak-osobaya-kategoriya-grazhdanskogo-prava>
17. Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода договора и её пределы: в 2т. – М., 2012. Т.2: Пределы свободы определения условий договора в зарубежном и российском праве – 453 с.
18. Ширвиндт А. М. Ограничение свободы договора в целях защиты прав потребителей в российском и европейском частном праве // Вестник гражданского права. 2013. № 1. URL: <http://www.center-bereg.ru/o989.html>
19. Егорова Мария Александровна. Злоупотребление доминирующим положением как частный случай злоупотребления правом // Lex Russica. 2018. №4 (137).
20. Хохлов Евгений Сергеевич. Соотношение понятий «Злоупотребление доминирующим положением» и «Злоупотребление правом» // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. 2017. №9 (37).
21. Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода договора и её пределы: в 2т. – М., 2012. Т.2: Пределы свободы определения условий договора в зарубежном и российском праве – 453 с.
22. Цыпленкова А. В. Договор присоединения как особая категория гражданского права: дис. ... канд. юрид. наук. Москва, 2002. 202 с. URL: <https://www.dissercat.com/content/dogovor-prisoedineniya-kak-osobaya-kategoriya-grazhdanskogo-prava>
23. Директива 93/13/ЕЭС Совета Европейских сообществ от 5 апреля 1993 г. о несправедливых условиях в договорах с потребителями // EUR-Lex. URL: https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=C_ELEX%3A31993L0013
24. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB), § 242. Inhaltskontrolle. URL: https://www.gesetz-im-internet.de/bgb/_307.html
25. Директива Совета 93/13/ЕЭС от 5 апреля 1993 г. о несправедливых условиях в договорах с потребителями // EUR-Lex. URL: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A31993L0013>
26. UCC § 2-302. Unconscionable Contract or Clause // Cornell Law School. URL: <https://www.law.cornell.edu/ucc/2/2-302>
27. См. там же.
28. Модельный закон «О договорном праве» для государств – участников Содружества Независимых Государств, утверждённый постановлением Межпарламентской ассамблеи СНГ от 28.10.2022 № 54-24.

ВОПРОСЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В РАЗВИТИИ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА

В своём выступлении на заседании Национального совета по противодействию коррупции 5 марта 2025 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев подчеркнул, что борьба с коррупцией требует совместных действий государства и общества¹.

Президент отметил, что коррупция является серьезным препятствием на пути реформ. За последние годы в Узбекистане были приняты законы и создана новая система борьбы с коррупцией: сформированы ответственные комитеты в парламенте, учреждены Национальный совет и Агентство по противодействию коррупции. Особое внимание уделено созданию условий, при которых общественность может открыто обсуждать проблему коррупции, а роль средств массовой информации в этой сфере значительно возросла.

Также обращено внимание на то, что борьба с коррупцией начинается с выбора профессиональных и преданных своему делу сотрудников на государственную службу. В связи с этим даны поручения по совершенствованию процедур найма и оценки кандидатов. Отмечена необходимость принятия закона о декларации доходов государственных служащих, проект которого будет вынесен на общественное обсуждение.

Кроме того, Президент подчеркнул важность привития идей честности в образовательных учреждениях для воспитания нового поколения, нетерпимого к коррупции, а также поддержки инициатив молодежи. Он отметил, что борьба с коррупцией является общенациональной задачей и делом совести каждого патриота страны.

